

R 496

ГУЛИСТОН

11
1985





Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! КПСС XXVII съездини умумхалқ социалистик мусобақасида янги меҳнат зафарлари, юксак муваффақиятлар билан кутиб олайлик! Зарбдорларча, стахановчасига ишлайлик!

Ленин байроғи остида, Коммунистик партия раҳбарлигида — коммунистик бунёдкорликда янги ғалабалар сари, олға!

«Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 68 йиллигига КПСС Марказий Комитетининг Чақириқлари»дан

ГБ УзССР
АА

ЗАМИНГА МЕҲР

ФАРҒОНАДА Ҳамроқул Турсунқулов номи билан аталувчи донгдор колхоз бор. Ҳар жиҳатдан бақувват хўжалик. Биз ана шу колхозда дала кездик. Юриб-юриб, колхознинг энг чекка участкаси — Ямбарақ, қишлоғи устидан чиқдик.

— Ямбарақ... Ғалати ном-а? Бу нима дегани экан? — қизиқсинди ҳамроҳларимиздан бири.

— Ҳув, анави ўркач-ўркач адирларни кўряпсизми? Бу жойлар ўша адирларнинг давоми, яъни ёнбағири. Ямбарақ шундан келиб чиққан...

Дарҳақиқат, биз оёқ қўйиб турган жойларнинг адирдан фарқи йўқ эди ҳисоб. Дала йўллари ҳам, пахтазорлар ҳам тош-шағал эди. Лекин шунақа ерда ғўза барқ уриб, серҳосил бўлиб ўсиб турибди, ҳар бир тупда кўсаклар маржони...

Адирга қараб тик чиқарилган дала йўли шохлари тарвақайлаб кетган азим тол томон олиб боради. Унинг остидаги каттагина сўрида етти-саккиз чоғли қариялар ўтиришарди.

— Оҳ-ҳо, — деди колхоз раиси Хайрулла ака Бекмирзаев улар билан бирма-бир кўришаркан, — Ямбарақнинг ҳамма нор йигитлари жамулжам-ку!

Қариялар ёйилиб кулишди. Оқсоқоллар орасида олтмишнинг тепасидагилар ҳам, саксонни қоралаб қолганлари ҳам бор эди.

Қизил юзли, қоматдор қария кулиб гап бошлади:

— Ажаб гапларни гапирасиз-да, раис. Анави йигитларнинг энг зўр нори жамулжам бўлмасликка қўярмиди?

— Ҳўш-ҳўш? — қизиқди раис ва қария кўрсатган томонга боқиб, эгат оралаб юрган одамни кўриб сўради, — у киши ким бўлди?

— Ўзимизнинг Умар ака-да! Фронтовик Умар Холматов! Кеча икки хуфтонгача ҳаммамизнинг эшигимизни бирма-бир тақиллатиб чиқди. Қўлида бир даста ғумай. «Ҳамманг кампирларингнинг пинжига кириб ўтиравер! Бу ёқда ғўзанинг аҳволи бунақа! Ким айтади бизни мададчилар деб? Гап шу: болалар ҳамма ишга улгуришмаяпти. Эртага ҳаммамиз адир тагидаги ўнбеш гектарликка чиқамиз. Соат еттида жўнаймиз», — деб қолди. Мана, кўриб турибсиз, мададга чиқдик. Далада унча-мунча ўт борлиги тўғри, лекин жудаям каттамиз айтгандай эмас. Ўт юлаяпмиз. Лекин пахта бўлиб берадиганга ўхшайди, раис.

Пайкал оралаб юрган Умар ота улфатлари томон йўл олди.

— Ана, келаяпти, — деди бир қария, — лекин, шу Умар ака... Эллик йилнинг нарёғида ҳам шунақа чўрткесар, зарби танг, тинмағур йигит эди, ҳозир ҳам ўша-ўша. Э, тавба!

Даврадагилардан бири гапга қўшилди:

— Меҳнатга қаттиқ. Ўзини аяган пайтини билмайман!

Кейинги сўзлар шу дашт қишлоғидаги оқсоқоллар сардорига берилган ҳақиқий баҳо эди. Нафсиламбирини айтадиган бўлсак, ўзини аямайдиган одамларга хос хислат адир эпкинида соқоллари ҳилпираб турган мана шу феълн кенг, оққўнгил қариялар — уруш ва меҳнат ветеранлари Абдулла ота Пирматов, Холиқ ота Холматов, Мўминжон ота Набиев ва бошқа қатор оқсоқолларнинг ҳаммасига хос хислат эди.

Оқсоқоллар билан хайрлашар эканмиз, бояги ҳамроҳимиз сўз қотди:

— Қаранг, ёши бир жойга бориб қолган қариялар колхоз ишига шунчалик қайишса, ёшларнинг ғайрати қанақа экан-а?

Бу саволга шағал ва тупроқ аралаш майдонларда пахта етиштираётган Олимжон Еқубов бошлиқ бригадада жавоб топдик. Очиғини айтганда, колхозда номи область доирасидан ташқарига чиқиб, бутун республикага танилган пахта усталари бор. Олимжон ана шу довруқли деҳқонлар қаторига кейинги йилларда қўшилди. Камсуқум, тортинчоқ, камгап бу йигит тош-шағал ерларни узунасига ва кўндаланигига кезиб юриб, ўз камолотини эл-юртга кўрсата билди.

Олимжоннинг отаси Еқуб ака ҳам, онаси Маҳбуба опа ҳам ҳаётларини колхоз ишига бағишлашган. Деҳқон ўғли деҳқон-да, Олимжон ҳам ўн беш ёшларида кетмон кўтариб, пайкалга кирди. Шудгор текислади, ғўза чопди, пахта терди. Ўғлининг ишга астойдил ёпишганини кўрган ота бир куни унга:

— Бор гапни айтадиган бўлсам, ўғлим, кетмоннинг замони ўтиб кетган. Энди техника замони. Тракторчиликка ўқимайсанми? — деб қолди. Олимжонга бу маслаҳат маъқул тушди. Олтмиш тўртинчи йили ўнинчи синфни битириши билан техника билим юртида таҳсил кўриб, малакали тракторчи бўлиб қайтди.

Олимжон Еқубов трактор бурғини маҳкам тутиб, роса етти йил механизаторлик қилди. Ер текислаб, ғўза ўтоқ қилиб юрган йигитча энди ерга уруғ ташлашдан тортиб ҳосил йиғиб-териб олгунча бўлган жараёнларда ҳамкишлоқлари оғирини енгил қилаётганидан хурсанд эди. Дарвоқе, энг яхши механизатор сифатида оғизга тушган ўша йиллари

Бутун дунё пролетарлари ,бирлашингиз!

ГУЛИСТОН

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ойлик ижтимоий-сиёсий, адабий-бадиий журнали

№ 11 (429)
Ноябрь
1985

Журнал 1925 йилдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг нашриёти

© «Гулистон» № 11, 1985 й.

газетадан келган бир мухбир ундан: «Ўзингизни қайси дақиқаларда бахтли ҳис этасиз?» деб сўраганда у: «Тонгда туриб, ямғиришли яшнаб турган далаларга қадам қўйганимда», деб жавоб берган эди. Бу ёшгина механизатор атайлаб ўйлаб топган баландпарвоз жавоб бўлмай, ота-она изидан бориб, ўзини шу касбга бахшида этган фидойи йигитнинг кўнглидан отилиб чиққан сўз эди!

Колхоз правлениеси ҳали йигирма бешга тўлиб-тўлмаган сермулоҳаза ва тадбиркор механизатор йигитни Ямбарақдаги йирик бригадага бошлиқ қилиб юборди. Мураккаб шароитларда деҳқончилик қилиш Олимжонни қадам-бақадам чиниқтириб борди, ташкилотчилик салоҳиятини намоён қилди. Аммо, хаёлида бир фикр айлангани-айланган эди: «Механизаторлик касбининг ўзи камлик қиларкан. Билимни ошириш шарт. Яна ўқийман!»

Шундай қилиб, етмиш тўртинчи йилда Андижон қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш техникумига сиртдан ўқишга кирди. У чўлдаги бригадани оёққа турғазиб йўлида кўп куч ва ғайрат сарфлади. Бу орада ўқиш ҳам битиб, механикликка ўтказилди. Бир куни раис:

— Ўнинчи бригада чўкиб қолди, ука. Шуни ўзингиз кўтарасиз. Тажрибангиз бўлса бор, — деб қолди.

Олимжон кутилмаган таклифдан бир оз довдиради. Очиқ гап, унинг ўзи ҳам шу бригадага ҳар гал оёғи тортиб-тортмай келарди. Сабаби, ерлар лахтак-лухтак бўлганидан механизмни тузукроқ ишлатиб бўлмас, ерлар бўлиниб кетгани сабабиданми, бригадага қарашли тракторлар тез-тез бузилиб турар эди. Бригадир одамлари билан муросаси чиқишмагани учун бу ерда ишлайдиган эркакларнинг кўпи бошқа ишнинг этагини тутиб кетганди. Колхоздаги аксари бригадалар 35 центнердан хирмон кўтараётган бир пайтда бу бригадада пландаги 26 центнер у ёқда турсин, араиг 18—19 центнердан ҳосил олинаётганди.

Олимжоннинг боши қотди. Тамомила чўкиб қолган бригадани кўтариш осонми? Раис нега келиб-келиб уни танлади экан? Ишонган! Лекин, бу ишончи оқлаб бўлармикан?

Бирдан отасининг гапи хаёлига лоп этиб келди. «Оғирнинг устидан, енгилнинг остидан юрувчилар билан ҳамфикр бўлма». Демак, оғирига елка тутиш фурсати келибди!

Шундай қилиб, саксонинчи йилнинг бошларида бригадирликни қабул қилиб олди. Ўша куниёқ у бригада далаларига қараб йўл солди. Олимжон кимсасиз шийпон олдида узоқ туриб қолди. Лахтак ерлар, фойдасидан зарари кўп ариқлар, қари — ҳосилдан қолган тут дарахтлари... Шу аҳволда ҳосилдорлик қандоқ ошсин?

Олимжон енгни астойдил шимарди. Бригадада бор-йўғи саккиз нафар эркак қолган экан. Ёзда бошқа гап-у, қишда дала ишларига эркак кишининг қўллари керак. Шунинг учун у «тирқираб» кетган эркакларни қайта тўплашга киришди. Ўша қиш-қировли кунларда далада аввал ўн тўртта, кейин йигирматача, сал фурсат ўтгач эса, йигирма тўрт нафар эркак пайдо бўлди. Бутун қиш ичи, қолаверса, аввал баҳорда ҳам бригада далаларида тракторлар гулдураси, одамларнинг шовқин-сурони тинмади. Ерга уруғ тушадиган пайтгача ўн бештача лахтак ер йириклаштирилиб, яхлит, росмана пахта майдонига айлантирилди.

Бу биринчи қадам эди. Механизатордан чиққан бригадир атрофидаги азаматлар билан яна роппа-роса тўрт қишни далаларда кунда кавлашу ерни йириклаштириш билан ўтказди ва охири бу ишни поёнига етказди. Натижада ерга ер қўшилиб, пахта далалари яна ўн гектарга кенгайди.

Бригаданинг ҳашамдор шийпони олдида туриб, теварак-атрофга кўз югуртирсангиз, ажиб бир манзарадан дилингиз яйраб кетади. Йирик пахта майдонлари четида худди маржондай тизиб қўйилган тутлар. Серҳикмат бу дарахтлар гуркираб ўсаяпти.

Олимжон Ёқубов деҳқончилик маданиятини кўтаришни сира кечиктириб бўлмайдиган масала деб билди. Унинг уринишлари, аниқроғи, кўпчиликнинг ишончини оқлаш учун жонни жабборга бериб ишлаши қандай натижа берганлигини баъзи бир мисоллар орқали кўрсатиб ўтмоқчимиз. Колхознинг энг қолоқ деб ҳисобланган бригадасида иш бошлаган Олимжон дастлабки йилнинг ўзидаёқ гектар ҳисобига 29 центнердан хирмон кўтарди. Бу, бригадада ҳосилдорлик бир йилнинг ўзида деярли 11 центнерга ошди, деган гап эди. Кейинги йили эса хирмон ундан ҳам салмоқлироқ бўлди. Бугунги кунда О. Ёқубов бошқараётган коллектив колхознинг манман деган бригадалари билан беллашиб, йилдан-йилга баракалироқ хирмон уйиб келаяпти. Ҳосидорлик сўнгги тўрт-беш йил ичида 16—17 центнерга кўтарилди.

Лекин, бу ишлар осонликча рўёбга чиққани йўқ. Чунончи, Олимжон бригадир бўлган ўша дастлабки йили ерни экишга одатдагидан анча барвақт тайёрлаб, мартнинг охирларидаёқ ерга уруғ ташлаш ниятида эканлигини айтди. «Бу мутлақо нотўғри, — эътироз билдиришди унга, — апрелнинг иккинчи ярмидан экамиз. Азалдан шундоқ қилиб келганмиз. Эрта экиш бефойда, чигит чиришди». Бригадир мулойимлик билан жавоб берди. «Азалдан шундоқ қилиб... кўрак чувиб, пахта топшириб, планлар чала ярим бажарилган, шундайми? Бундан кейин планни пахта билан, тоза пахта билан бажарамиз. Экишни ўттизинчи мартдан бошлаймиз».

Бригадир қатъиятли эди, айтганини қилди. Чигит чиримади, пахта ярим ой олдин пишди. План ҳам, мажбурият ҳам барвақт бажарилди.

Мана, неча йилдирки, бригадада худди шу йўлдан борилаяпти. Бригада ўн биринчи беш йилликнинг ўтган тўрт йилида беш йиллик планга қўшимча равишда 135 тоннага яқин пахта топширди. Бу йил эса 75 гектар майдоннинг ҳар гектаридан — жами 263 тонналик хирмон уйиш мўлжалланмоқда. Қут-баракали пайкаллар, бригада аҳли юз-кўзида барқ уриб турган ғайрат-шижоат бу марралар шубҳасиз эгалланишидан далолат бериб турибди. Чунки бу ишнинг тепасида новатор пахтакор, Ҳурмат белгиси ордени нишондори, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Олимжон Ёқубов турибди!

Тушлик пайти яқинлашганда, биз кетиш учун қўзғалдик. Худди шу пайт кутилмаган воқеа содир бўлди. Азим ўрик дарахтлари соя ташлаб турган хушҳаво шийпонга бир гуруҳ қизлар хуш-хандон кулишиб келиб қолишди. Уларнинг ҳаммаси шод-хуррам, кўзлари чақнаб турарди.

— Нечанчи синфда ўқийсизлар? — сўрадик улардан салом-аликдан сўнг.

Қизлар бир-бирларига қараб жилмайишди. Битта дадилроғи:

— Ўнинчини битириб, ҳаммамиз колхозда ишлашга келишиб қўювдик. Ишни бошлавордик. Ўғил болалар ҳам бор. Улар ҳам ҳозир келишади. Сиртдан ўқийверамиз, — деди.

Колхоз раиси Хайрулла Бекмирзаев кулимсираб гап қўшди:

— Колхозимизда ўқувчиларга халақит бермай қўйганмиз. Билимлари пухта бўлсин!

Адолатли гаплар! Раис жўнгина қилиб айтган шу сўзлардан кейин киши бир нарса ҳақида ўйлаб қолади: баҳордан то кеч кузгача ёрдамчи куч сўраб мактабларга, ўқув юртларига танда қўйишга одатланиб қолган бошқа кўплаб колхоз ва совхоз раҳбарлари қачон мана шундай гапларни айтадиган бўлишаркин?

Гурунглашиб келаётган бир гуруҳ ёш йигитлар эътиборимизни тортди. Очиқ чеҳрали, мўйлаблари сабза ура бошлаган бу йигитлар ҳозиргина биз суҳбатлашган қизларнинг синфдошлари эканлиги билиниб турарди. Ез офтобида обдон тобланган чақмоқдек ёшларга боқар эканмиз, оппоқ соқоллари кўксида ҳилпираган, йигитлардек ғайрат-шижоатли ямбарақлик бояги дилкаш қариялар эсимизга тушди. Отахонларнинг ерга, ўзлари туғилиб ўсган қишлоққа, қадрдон далаларга бўлган чексиз меҳр-муҳаббатлари ноёб мерос янглиғ уларнинг невара-чевараларн бўлмиш мана шу навқирон йигит-қизларга ҳам шундоғича ўтиб қўя қолган эди. Ешларнинг деҳқончиликка меҳри, уларнинг азму қарори бобокалонлардан қолган муқаддас касбга, она тупроққа садоқат ифодаси эмасми!

Худди шундай ифода колхознинг Абдувоҳид Бойбуваев, Валиддин Мамадисоев, Охунжон Муллажонов, Зариф Қўшматов бошчилик қилаётган қатор донгдор бригадаларида улкан пахта хирмони учун тер тўкаётган кўплаб механизаторлар, оддий колхозчиларнинг юз-кўзларида ҳам барқ уриб турганини ҳис этдик. Ана шу меҳр, Фарғона районидаги бу йирик колхозни областдаги пешқадам хўжаликлар қаторига қўшди. Шу меҳр колхознинг бу йилги 5 минг тонналик улкан хирмонини вужудга келтирмоқда.

Охунжон ҲАКИМОВ

Фарғона





Бўка районидаги «Партия XIX съезди» колхозининг 2-бригадаси аъзолари — Тиллахон Солиева, Сурайё Содиқова, Машҳура ва Насиба Уриновалар.

Ҳашарчи — бўкалик ўқувчи Матлуба Исроилова.

В. Мосин фотолари

ЖАЛОЛ ОТА БОҒЛАРИ

Жалол ота уйғонганида тонг юлдузи сўнмаган эди. У туш кўрибди: колхозга Йўлдош ота Охунбобоев келганмиш. Республика оқсоқоли ташрифидан хурсанд бўлиб, уни идора ёнидаги боққа, бир пиёла чойга таклиф қилибди. Ота бўлса:

— Жалолиддин, бизга янги боғларингизни кўрсатинг. Чойни ана ўша ерда ичамиз, — дермиш.

Жалол ота у ундаган томонга қараб лол эмиш.

— Қани, раис, отни қамчиланг! — дермиш яна Йўлдош ота.

Кейин ўша боғларни кезиб юришдими-е... Жалол ота бу ёғини эслолмади. Шундан кейин кўзи илинмади. Урнидан туриб кетди. Чорбоғини айланиб, этакдаги анҳорда муздек сувга бет-қўлини ювди. Фикри равшанлашди. Йўлдош ота: «Отни қамчиланг», деди-я, нимага ишора бўлди экан? Вақт ўтаяпти деганими?

Мана, ёши ҳам етмишни қораляпти. Биринчилардан бўлиб комсомолга ўтди, колхозлаштиришда фаол қатнашди.

Жалолиддин темир йўл комсомол ячейкасининг фаолларидан эди. Йўлдош Охунбобоевнинг маслаҳати билан ёнига Қодиралн Йигиталиев, Абдусалом Абдуғафуров, Тешавой Тошматов сингари ўтюрак ёшларни олиб, Марказий Фарғонанинг Култепа мавзеига кўчиб келди. Колхоз тузишди. Жалол Воҳидов ана шу «Комсомол» колхозига раис этиб сайланди.

Бийдек дашт. Қиши совуқ, шамоли изғиринли, ёзи жазирама, қумга тухум кўмсанг пишади.

Колхоз ҳам, одамлар ҳам қаддини ростлаб борди. Қишлоқ кенгайиб, кўркамлашиб кетди. Энди уни Култепа эмас, Гултепа деб атай бошладилар. Кунларнинг бирида колхозга Йўлдош ота келди. Жалол Воҳидовни ёнига олиб, чўл бағридан «юлиб» олинган пайкалларни кўздан кечирди.

— Буни қаранг-а, — деди Охунбобоев. — Кўз қувонади. Яхши, жуда яхши!

Оқсоқолнинг юзида мулойим табассум, севинч барқ урди. Улар пахтазорнинг ўртасида турардилар. Бу ердан Гултепа кафтдагидек кўринарди. Қишлоқни қоқ иккига бўлиб ўтган йўл водийнинг икки гўзал маскани — Наманган билан Фарғонани бир-бирга туташтириб турибди. Ҳаммаёқ ҳовли, боғча. Девор бўйи келган ўрик, олчалар қийғос гуллаган. Ҳар қайси ҳовлида том баравар ток кўтарилган. Эндигина кунгура шакл олган нозик барглар товланади. Жалолиддин эрталаб чиқиб, алламаҳалда қайтавериб йўдоқ чўлда ўзлари бўнёён қилган бу сўлим қишлоқнинг кўрки-жамолини шу пайтгача ҳеч томоша қилмаган экан...

Йўлдош ота унинг елкасидан шодон қучди.

— Хўш, бундан ҳам яхши бўлишини хоҳлайсизми? — одатича кулиб турган кўзлари билан синовчан қаради у.

Ажаб! Ота ўшанда — қишлоққа илк бора келиб, колхоз бўлишга даъват этганда ҳам худди шу саволни берганди. Бу одамнинг юраги бир дарёмикин ё! Жалолиддин ҳам шу топда яшнаб кетганди. Ўзини ҳар қачонгидан дадилроқ, қудратлироқ ҳис қиларди.

— Албатта-да, — деди у ҳаяжон билан, — албатта хоҳлаймиз, ота!

— Бўлмаса, биродар, қадамни янада каттароқ оласиз. Ҳа, белни маҳкамроқ боғлайсизу қадамни янада каттароқ ташлайсиз. Ҳув, кўраяпсизми? — Ота пахтазорнинг нариги томонидан элас-элас кўзга ташланиб турган қум барханларига ишора қилди. — Энди навбат ана ўша барханларга! Мана шу ердан тикка Норинни кўзлаб чиқасиз. Ўша Нориндан сув оласиз. Қарабсизки, яна ана шу Гултепага ўхшаган ажабтовур қишлоқлар, шовуллаган боғ-роғлар...

Ота башорат қилган эди. Унинг айтгани бўлди. Бироқ бу осон кўчмади. Нориндан сув етаклаб келинди. Янги каналга отанинг номи берилди. Сув бор, техника бор, имкон бор... Бироқ, ўша барханларга бел боғлаб борадиган марду майдонлар қани?

Вақт ўтавериб, активлар тинч, осойишта яшашга кўникиб қолган экан. Улар раиснинг таклифига тиш-тирноқлари билан қарши турдилар. Раиснинг ҳам терслиги тутди. Барханларга ҳужум қилишни ўша ўз таклифига биринчи бўлиб «тутун қайтарган» Тургун Тешаевга топширди.

Тешаев ҳам йиғилишдан чурқ этмай чиқиб кетди. Эртасига тонг билан орқасидан уч-тўрт чоғли йигитни эргаштириб, чўлга бориш учун машина сўраб келди.

Хурсанд бўлган раис: «Иш деган мана бундоқ бўлибди-да, ўғил бола!» — деб Тешаевнинг кифтига қоқди.

Бироқ кечқурун келган хабар раисни лол қолдирди. Турғун чўлга борибди, йигитлар билан барханларни айланиб юриб-юриб бирдан феъли айнибди.

— Э, йўқ, бу барханлар ўла қолса ер бўлмайди! Раиснинг мақсади бошқа, у мени шармандa қилмоқчи, элдан чиқармоқчи! — дебди у. Кейин ён-атрофдагиларга қараб: — Агар шу ерлардан бирон нарса унса, Турғун отимни бошқа қўяман! — деб жўнаб қолибди...

«Бас! — ўйларди Жалол ота,— энди катта карвон жиловини ўзидан кўра ёшроқ, уқувлироқ шогирдларига топширса ҳам бўлади. Топширади-ю, ўша асрий чўлларга, барханларга капа тикади. Тамом-вассалом!»

Ўша куни эрталаб раис идорага худди шу шаҳд билан кириб келди. Правление ёнида муовини Тешавой Тошматов, инженер Абдуқаҳҳор Салимов, механик Мамасиддиқ Мамарасулов гурунглашиб туришарди. Раис уларни машинага таклиф қилди.

— Қани, чиқинглар!

Раиснинг одатини яхши биладиган активлар: «Қаёққа? Нима учун?» деб сўраб ўтиришмади. «Газик» барханлар бағрига кириб кетди. Узоқдан бир туп дарахт кўзга ташланди. Бу ерга уни бировлар келтириб экканми ё ўзи униб чиққанми, буни ҳеч ким билмайди. Қум барханлари ўртасидаги кенг сайхонликда яккаю ягона бўлиб, яшнаб турган бу қари жийда ҳаёт абадийлигидан, кўҳна заминнинг келажагидан сўзлаётгандек эди. Жийдаки ўсибдими, демак, бу ерда бошқа дарахтлар ҳам илдиз отади. Мана шу барханлар текисланиб, Охунбобоев номидаги каналдан сув етаклаб келинса кифоя.

Жалол ота ана шуларни хаёлидан ўтказаркан, жийда олдига келганда ҳайдовчига:

— Шу ерда тўхтат, ўғлим! — деди.

Машина тўхтади. Бирин-кетин пастга тушишди.

— Тағин уч-тўрт кундан кейин умумий йиғилиш чақириб, колхоздагиларга ўзим тушунтираман, райкомдаги ўртоқларга ҳам айтаман, — деди Жалол ота, ҳамон ҳеч нарсага тушунмай, ўзига савол назари билан қараб турган йигитларга. — Аммо бугунги қароримни сизлар билиб қўйсангизлар чакки бўлмайди. Тешавой, колхозни бугундан эътиборан сиз бошқарасиз!

— Ие, нега?!

— Тинчликми, раис бува!

— Тинчлик, мен бир пайтлар: «Шу барханларни ўзлаштирамиз», деб Йўлдош отага ваъда берганман. Одамзоднинг лафзи— улуғ нарса. Сўз бердингми, албатта уддасидан чиқишинг керак! Ана-мана деб анча фурсат ўтиб кетди. Эзгуликнинг эртакечи йўқ, деган гаплар бор. Ўша ваъданинг устидан чиқмасам, армон бўлади. Ишонаман, сизлар, қолаверса, бутун колхоз аҳли ёрдам беради. Тешавой, сиз ҳозир бориб, ўтган куни олиб келинган вагон уйлардан бир-иккитасини юбортирсангиз, Абдуқаҳҳор ука, сиз гаражга бориб, бульдозерларингизнинг ҳаммасини шу ёққа жўнатсангиз. Озиқ-овқати билан. Ҳа, яна айтиб қўяй, тракторчиларнинг синалган, сараларидан юборинг. Сиз, Мамасиддиқ ука, техникаларнинг беками кўст ишлашини таъминлаб берасиз. Бу ердаги шарт-шароит, озиқ-овқат дегандек... Бунисидан ўзим кўзқулоқ бўлиб тураман. Бугуноқ иш бошлаймиз. Қани, сизларга рухсат, ишга киришаверинглар!

...Вагон уйлар ёнма-ён қилиб ўша жийда ёнгинасига жойлаштирилди. Ҳаш-паш дегунча сайхонликка ўн-ўн беш чоғли бульдозер қаторлашиб кетди.

— Лочинларим, — деди раис кўтаринки руҳда ҳаммага бир-бир кўз югуртириб, — бугун сизлар билан жудаям улуғ ишга бел боғладик. Мана, ҳозир сиз ана шу асрий барханларга ҳужум бошлайсиз. Сизнинг куч-иродангиз, қудратли машинангиз олдида бу барханлар чўт эмас. Ишонаман, яқин йиллар ичида бу ерларда пахтазорлар, мевасини кўтаролмай ётган боғлар, гавжум қишлоқлар бунёд бўлади. Ана шу қишлоқларда сизлар, сизларнинг фарзандларингиз яшаса, ажаб эмас. Бу ғоят хайрли иш, улуғ иш. Келажак авлодга мерос бўлиб, биздан ана шу боғлар қолади. Қани, лочинларим, олға!

Ўн бешта бульдозер бирдан ҳаракатга келди. Борликни моторлар гулдуроси тутиб кетди. Боядан бери юлғун остидан бош кўтариб турган чўл калтакесаги шошиб ўзини уясига урди.

— Бошланди! — деб юборди Жалол ота ҳаяжон билан.

Ҳар бир бульдозер бўйи баравар қум-тупроқни суриб борарди...

Шу кўйи Жалол ота Чангалтепага муқим ўрнашиб қолди. У ёшига ярашмаган чаққонлик билан барханлар ошиб, бульдозерчиларга йўл кўрсатар, механизатор йигитларга далда берар эди. Барханлар бағрида теп-текис майдонлар ҳосил бўлди. Буни кўрган сайин отанинг қувончи ичига сиғмас:

— Шу кузгача бу ерларга сув етаклаб келамиз, мевали дарахт кўчатлари ўтқазамиз. Бир боғлар бўлсинки! — дерди энтикиб.

Жалол отанинг айтгани келди. Уша куз барханлар бағридан тортиб олинган эллик гектарлик пайкалга мевали дарахт кўчатлари ўтқазилди. Бу ниҳолларни Жалол ота ўз қўли билан экди. Кўчатлар яхши тутиб кетди. Қиш ўтиб, баҳорда яшил либос кийиб, туппа-тузук боғ тусини олди.

...Кунларнинг бирида янги боғини оралаб юрган ота қишлоқ томондаги ёлғизоёқ сўқмоқдан ўзи томон келаётган кишига кўзи тушди. Қўлини пешонасига соябон қилиб қаради, танимади. Нотаниш киши яқинроқ келганда у хиёл қадди букилган, оппоқ соқолли қария эканлиги маълум бўлдию Жалол ота барибир ўнгара олмади.

— Ассалому алайкум, ҳорманг, Жалолиддин ака!

Ота нотаниш меҳмон билан қўл олишаркан, унинг овозидан, яна ботинолмай қараётган кўзларидан таниди. Бу — Турғун Тешаев эди... Ўша воқеага ҳам йигирма беш йил бўлибди... Ота унинг узоқ йили Сирдарё тарафларда «гектарчи» бўлиб юрганини эшитганди. Орадан шунча вақт ўтган. Эски гап-сўзларни юзига солиш ўринсиз. Ота уни бу йил гул кўрсатган оқ ўрик остидаги кўрпачага таклиф қилди.

Чақирилмаган меҳмон қунишган кўйи ўтираверди. Гаплари қовушмади. Анчадан кейин ён-атрофга қараб:

— Ажабтовур боғ бўлибди! — деб қўйди. Жалол ота шу ерда ўзини тутиб туролмади.

— Ишқилиб, отингизни бошқа қўймайсизми, тақсир?

Суҳбатдоши ер сузганча қолди. Анчадан кейин боши оғирлик қилаётгандек оҳиста кўтарди.

— Тўғриси, Жалол ака, мени кечиринг деб келдим, — деди у кўзлари жовдираб, — ўшанда қаттиқ янглишган эканман... Эски қадрдонлигимиз ҳурмати гуноҳимдан ўтсангиз. Қишлоққа қайтсам.

— Афтидан, янглишаяпсиз чоғи, мен ҳозир раис эмасман, — деди Жалол ота, — бор-йўғи шу боғнинг боғбониман, холос. Сизни энг аввало халқ кечирсин, кейин раисга учрашинг.

— Биламан, Жалолиддин ака, аммо, энг аввало сиз кечирсангиз, дегандим. Сиз кечирсангиз...

Турғун гапининг у ёғини давом эттиролмади. Овози тўлқинланиб кетди.

— Мени сизга ҳеч қандай гинакудуратим йўқ, — деди Жалол ота.

— Қуллуқ, ака!

Суҳбатдоши шундай дея қўлини кўксига қўйди. Бир оз юриб тўхтади. Ортига юзланди.

— Жалолиддин ака, мабодо шу ерда, боғда ишласам бўлармикан? — деди у илтимос оҳангида.

— Чўлнинг бағри кенг! — деди бунга жавобан Жалол ота.

— Қуллуқ...

Жалол ота сўқмоқдан хиёл эгилган кўйи, аммо боягидан илдамроқ кетиб бораётган бу кишининг ортидан бир оз қараб турди-да, яна боғ оралаб кетди...

Бугун Жалол ота орамизда йўқ. Аммо Гултепада, Чангалтепада у яратган жаннатдай боғлар бу ажойиб инсондан абадий ёдгорлик бўлиб қолди.

Жалол ота:

— Биздан боғлар қолади! — дегувчи эди.

Кўнгли пахтадек дўлвор бу боғбоннинг нияти холис экан.

Мабодо Фарғонага Чангалтепа орқали ўтиб қолсангиз, ўша боғу бўстонга кираверишдаги катта йўл ёқасига «Жалободга хуш келибсиз!» деган ёзувга кўзингиз тушади.

Ҳа, энди бу ерлар ота хотираси учун Жалободдеб аталади.

Жалободнинг исми жисмига муносиб обод, гавжум қишлоқ. Қаёққа қараманг, кенг мевазор боғлар, чорбоғлар. Бири-биридан шинам турар-жой бинолари. Кечаги барханлардан ному нишон ҳам йўқ. Энди бу ерда беш юз хўжалик истиқомат қиляпти. Улар асосан Гултепадан Жалол ота даъвати билан чўлни ўзлаштиришга келган, кейинчалик эса шу ерда бир умрга қолган комсомол-ёшлар. Энди бу ерларда Задарё районидаги «Наманган» совхозининг икки йирик бўлими деҳқончилик қиляпти. Бу бўлимларда Абдураҳим Ибодов, Абдулборий Раҳмонов, Мамадали Мамажонов, Баҳодир Эргашев каби Жалол отанинг кенжа шогирдлари «оқ олтин»дан юксак хирмон кўтариш, устозлари яратган боғларни кенгайтириш ишқи билан яшаб, меҳнат қилмоқдалар.

Ортиқали НОМОЗОВ



Хирмонга барака!



«Союз Т-14» кемасининг командири Владимир Владимирович Васютин.



«Союз Т-14» кемасининг бортинженери, икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони Георгий Михайлович Гречко.



«Союз Т-14» кемасининг тадқиқотчи космонавти Александр Александрович Волков.

КОСМОНАВТИКАМИЗНИНГ ЯНГИ ҒАЛАБАСИ

Космик фазони тадқиқ этиш программасига мувофиқ 1985 йил 17 сентябрь куни Москва вақти билан соат 16 дан 39 минут ўтганда Совет Иттифоқида «Союз Т-14» космик кемаси учирилди. Уни кема командири подполковник Владимир Владимирович Васютин, бортинженер, икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССР космонавт-учувчиси Георгий Михайлович Гречко ва тадқиқотчи космонавт, подполковник Александр Александрович Волковдан иборат экипаж бошқарди.

Учиш программасида «Союз Т-14» кемасини «Салют-7» — «Союз Т-13» орбитал комплекси билан туташтириш кўзда тутилди. Космонавтлар В. В. Васютин, Г. М. Гречко ва А. А. Волков 1985 йил 6 июндан бери Ер атрофида ишлаётган Жонибеков ва Савиних ўртоқлар билан биргаликда комплекс ичида илмий-техникавий тадқиқотлар ва экспериментларни бажаришлари мақсад қилиб қўйилди.

1985 йил 18 сентябрь Москва вақти билан соат 18 дан 15 минут ўтганда «Союз Т-14» космик кемаси Владимир Жонибеков билан Виктор Савиних бошқараётган «Салют-7» — «Союз Т-13» орбитал комплекси билан туташтирилди.

Туташув узелининг герметиклиги текширилганидан кейин соат 21 дан 24 минут ўтганда Владимир Васютин, Георгий Гречко ва Александр Волковлар станция ичига ўтишди. Ер атрофидаги орбитада «Салют-7» — «Союз Т-13» илмий-тадқиқот комплекси ичида беш нафар жасур совет космонавти программада кўзда тутилган ишларни бажаришни давом эттирдилар.

Саккиз суткага мўлжалланган биргаликдаги учишда геофизика, астрофизика ва медицина тадқиқотлари, техника, биотехнология экспериментлари ўтказилди.

«Салют-7» орбитал илмий станцияси ичидаги ишларнинг навбатдаги босқичини муваффақиятли якунлаганларидан кейин СССР космонавтлари Владимир Жонибеков билан Георгий Гречко 1985 йил 26 сентябрь куни Москва вақти билан соат 13 дан 52 минут ўтганда «Союз Т-13» кемасида Ерга қайтиб тушдилар. Космонавтларимиз Владимир Васютин, Виктор Савиних ва Александр Волковлар эса «Салют-7» — «Союз-14» бошқарилаётган комплекс ичидаги ишни давом эттирмоқдалар.

Узоқ учиш давомида Владимир Жонибеков билан Виктор Савиних бажарган, шунингдек, беш космонавт биргаликда ишлаган даврда амалга оширилган тадқиқотлар ва экспериментларнинг материаллари Ерга олиб тушилди. Олинган маълумотдан илм-фан ва халқ хўжалигининг турли тармоқлари эҳтиёжлари йўлида фойдаланилади.

«Салют-7» станциясидаги узоқ давом этган тўртинчи экспедиция «Союз Т-13» кемасининг экипажи станция билан муваффақиятли равишда туташганидан кейин — 1985 йил 8 июнь куни бошланган эди. Шундан сўнгги учиш давомида Владимир Жонибеков ва Виктор Савиних мардлик ва юксак профессионал маҳорат кўрсатиб, станциянинг иш қобилиятини қайта тикладилар.

Космонавтлар илмий-техникавий тадқиқотларнинг кенг программасини бажардилар, очиқ космосга чиқдилар ва қўшимча қуёш батареяларини ўрнатдилар. Биринчи марта экипажнинг бир қисми муваффақиятли алмаштирилди, бу тадбир одам бошқарадиган космик комплексни узоқ вақт мобайнида узлуксиз ишлатишни таъминлайди ва ундан илм-фан ҳамда халқ хўжалиги манфаатлари йўлида фойдаланиш самарадорлигини анча оширади.

Космик фазода қаҳрамон космонавтларимизнинг ақл-заковати ва космик техникамиз қудрати билан муҳим тадқиқотлар олиб борилмоқдаки, бу мисли̇сиз муваффақият совет кишиларининг қалбларини яна фахр туйғулари билан тўлдиради.



Авиация генерал-майори, икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССР космонавт-учувчиси Владимир ЖОНИБЕКОВ.

Х. Лутфуллаев чизган расм

КПСС XXVII СЪЕЗДИ ШАРАФИГА

ЖОНИБЕКОВ ЭТГАНДА ПАРВОЗ

Эргаш МУҲАММАД

Гагаринга тасанно айтиб,
Илк фазогир деймиз юз фоиз.
Фазо деркан, кечмишга қайтиб,
Улуғбекни эсламоқ жоиз.
Улуғбекнинг ўйлари тўлиб,
Ахир букун осмонни қучди.
Қирқ учинчи фазогир бўлиб
Ўзбекистон фазога учди:
Ўзбекистон қаддин тутди ғоз —
Жонибеков этганда парвоз!

Қаҳрамонлик — учса бир бора,
Парвоз этиш мумкинмас бот-бот.
Қандайдир бир топиб куч-чора,
Беш бора у боғлади қанот.
Бешинчи бор кўкни қучганда,
Юлдуз аро тўрт ойлаб кезди.
Ўзбекистон узра учганда
Ажойиб бир ҳаяжон сезди:
Куйга тўлди олам дилнавоз —
Жонибеков этганда парвоз!

Учган чоғи бундай кемалар,
Завқ улашиб, дилни иситар.
Аммо бадкор, демас нималар:
«Юлдузларнинг уруши»н истар.
Фазога ҳам жойламоқ қурол —
Ахир шуми, шумиди ками?!
Зеро, кулиб боқди истиқбол:
Ичга тушиб урушнинг дами,
Тинчлик дадил кўтарди овоз —
Жонибеков этганда парвоз!

«Юлдузларнинг уруши»н қўйинг,
Порлайверсин юлдузлар тўп-тўп.
Ерда юриб, тақдир бир ўйин,
Юлдузларин йўқотган ҳам кўп.
Уз юлдузин топсин ҳар инсон,
Ахир шудир ҳаёт шукуҳи!
Инсон ўзи бўлиб бир осмон,
Дилга кўчди ғолиблик руҳи,
Юракларда уйғонди бир роз —
Жонибеков этганда парвоз!



Чорвадорлар

Чорвачилик бугунги кунда халқ хўжалигининг етакчи тармоқларидан бирига айланди. Турмуш фаровонлиги муттасил юксалиб бораётган мамлакатимиз меҳнаткашларининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи ошаётганлиги ҳам бу муҳим соҳани янада ривожлантиришни тақозо қилади. Озиқ-овқат программасининг бажарилиши, деб қайд қилинди КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил Апрель пленумида, фақат иқтисодий жиҳатдан эмас, балки сиёсий жиҳатдан ҳам ғоят катта аҳамиятга эгадир.

КПСС Марказий Комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирларини белгилаш билан бирга, деҳқончилик ва чорвачиликнинг муҳим резервларини излаб топиш, фан-техника тараққиётининг бу соҳадаги янгиликларини амалда кенг қўлланиш вазифасини қўймоқда. Бу вазифаларнинг оқилона бажарилиши қишлоқ хўжалигининг, жумладан, чорвачиликнинг истиқболини янада равшанлаштираётир.

Тошкент область партия активининг яқинда бўлиб ўтган йиғилишида ҳам область хўжаликларининг чорвачилик самарадорлигини ошириш борасида бажараётган ишлари атрофлича таҳлил этилди. Актив йиғилишида чорвадор хўжаликларнинг фаолияти муносиб баҳоланди. Айрим хўжаликлар ишидаги хато ва камчиликлар, малакасизлик танқид қилинди, ишни Узбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленуми қарорлари асосида уюштириш лозимлиги алоҳида таъкидланди. Шунингдек, белгиланган план ва топшириқларни оғишмай амалга ошираётган хўжаликлар фаолиятини ўрганиш, илғор тажрибаларни оммалаштириш режалари белгиланди. Ана шундай хўжаликлардан бири сифатида «Чиноз» совхоз-техникуми коллективи тўплаган тажрибалар қўллаб-қувватланди. Бу хўжалик коллективининг 1984—1985 хўжалик йилида чорвани қишловдан намунали олиб чиқиш учун ўтказилган социалистик мусобақанинг ғолибларидан бири бўлганлиги ҳамда КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Фахрий Ёрлиғи билан мукофотланганлиги ҳам совхоз-техникумда иш билан сўз бирлигини кўрсатади. Совхоз чорвадорлари Озиқ-овқат программасини амалга ошира бориб, бу йил 7 минг тонна сут тайёрлаш, шундан 6 минг 300 тоннасини давлатга сотиш, шунингдек, 650 тонна гўшт етиштириш учун барча имкониятларни ишга солмоқдалар. Бу ерда бўрдоқига боқилаётган ҳар бир қорамолнинг тирик вазни 510 килограммни ташкил этади. «Меҳнатдан келса бойлик, турмуш бўлар чиройлик» деганларидек, совхоз-техникум коллективи бу йил 1,5 миллион сўм даромад қилишни мўлжаллашаяпти. Албатта, бу маблағ совхоз аҳли эҳтиёжлари учун замонавий типда қурилаётган турар-жой бинолари, ҳаммом ва шунга ўхшаш маданий-маиший ишлар учун сарфланади. Биз совхоз-техникум комплексларида бўлганимизда шундай мақсадда ҳормай-толмай тер тўкаётган заҳматкаш замондошларимизнинг фидокорона меҳнатларига гувоҳ бўлдик.

ҲАМКОРЛИК

«Чиноз» совхоз-техникуми жойлашган территория райондаги пахтачилик хўжаликлари билан туташиб кетган. Бу ердаги меҳнат шароити, ишчиларнинг умумий ташвишлари пахтакорларникидан ўзгачароқ. Бу далаларда чорвадорларга хос нафас уфуриб туради. Хўжалик бошланғич партия ташкилотининг секретари Усмонали Эрматов билан хўжалик ишлари ҳақида, ишчиларнинг турмуш-турмуши, қизиқишлари ҳақида суҳбатлашиб ўтириб, совхоз-техникум талабалари — ёш чорвачилик мутахассислари бу ерда қандай малакаларга эга бўлишаётганлиги билан қизиқдик. Усмонали Эрматовнинг асли касби зоотехниклик экан. Икки йилдан буён партия ташкилотига раҳбарлик қилаётган миқти гавдали, ҳаракатчан бу йигитнинг чорва ишларини яхши билиши уддабуронлиги, коллектив фаолияти ҳақида босиқ, билимдонларча сўзлашидан ҳам сезилиб турибди. Йўлакда совхоз директори, республикада хизмат кўрсатган чорвадор Николай Иванович Гусаковга дуч келдик. У мақсадимизни билгач, бизни Усмоналига рўпара қилди. Партком секретари эса... Мана у, қаршимизда хўжаликнинг бутун фаолияти, чорвачиликнинг миридан сиригача мутахассисларга хос заковат билан таништириб ўтирибди.

— Бизда кадрлар масаласи жуда пухта ўрганилаяпти, зеро, партия ва ҳукуматимизнинг талаби ҳам шундай, — деб сўз бошлайди суҳбатдошимиз. — Ҳали техникумимиз талабалари ҳақида сўрадингиз. Совхозимиз 1965 йилда техникум билан бирлаштирилди. Йигирма йилдан буён талабалар билан ҳамкорлик қилиб келаяпмиз. Бу ерда ҳозир 650 студент таҳсил олади. Улар республикамизнинг турли областларидан келиб, чорвачилик мутахассислигини эгаллайдилар. Техникумда зоотехник ташкилотчи, зоотехник, ветеринар врачи, техник

механик, электр механиклиги каби қатор соҳалар бўйича сабоқ берилади. Студентларимиз олган билимларини совхозимиз комплексларида амалий машғулотлар билан бойитадилар, ишлаб чиқариш тажрибаларини ўтказадилар. Бу ҳамкорлик чорвачилигимизнинг келажаги учун жуда муҳимдир.

Ҳа, жуда муҳим! Айниқса малакали кадрлар тайёрлаш масаласи шу куннинг долзарб иши бўлиб турибди. Совхоз-техникум комплексларида бўлганимизда — соғувчилар орасида ҳам, лабораторияларда ҳам, тажрибали соғувчилар, молбоқарларнинг даврасида ҳам талабаларни кўрдик.

— Бундан бир-икки йил аввал ишчиларимиздан бир неча киши касбларини ўзгартирадиган бўлиб қолишди. Сабабини суриштирсак, ҳар хил баҳоналарни рўкач қилишди. Маъмурият рухсат берди. Бироқ орадан йил ўтмаёқ ҳалигилар яна ўз ишларига қайтдилар. Мана, ҳозирги кунда совхозимиз 1 минг 300 ишчи кучига эга. Уларнинг ойлик маоши 250—300 сўмдан кам эмас, — дейди Усмонали Эрматов, — 80 процент ишчиларимиз типовой — газлаштирилган, иссиқ-совуқ суви мавжуд боғчали уйларга кўчиб ўтишган. Шундай турар жой бинолари қурилиши ҳали ҳам давом этаяпти. Ишчиларимиз учун барча қулайликлар муҳайё. Уларнинг талаб ва истаклари доимо ўрганилиб борилади. Коллективимиз интернационал коллективдир. Бу ерда ўзбек, қозоқ, татар, қорачой, турк, рус халқи вакиллари бир мақсадда меҳнат қилишади. Соғувчилар, молбоқарлар, бузоқбоқарлар ўз касблари бўйича тегишли маълумотлар билан таништириб борилади. Яқинда совхозимизда қишлоқ хўжалик ходимларининг фан-техника янгиликларини ишлаб чиқаришга татбиқ этиш бўйича республика семинарининг ўтказилиши эса мутахассисларимиз учун катта мактаб бўлди.

— Семинар кунлари тажрибали чорвадорларимизнинг номлари қайта-қайта тилга олиниб турди, — суҳбатга қўшилади бош зоотехник Эргаш Бобошев. — Соғувчиларимиздан Раҳимжон Содиқов, Фяруза Беккулова, Ойимгул Бекжонова, Любовь Пугашева, Роза Акбарова, Людмила Токаревалар коллективимизнинг фахри бўлиб қолди. Уларнинг ҳар бири йил охиригача 5—5,5 минг тоннадан серқаймоқ сут соғиб олишни мақсад қилишган. Бу ерда ҳамманинг ўз вазифаси аниқ. Ишлар бир-бирига алоқадор. Масалан, соғувчи билан молбоқар, молбоқар билан ем-хашак бригадаси орасида узвий боғлиқлик муттасил давом этади. Кадрларимиз ўз вазифаларини пухта билганликлари учун ҳам хўжалигимизда ортиқча муаммога ўрин қолмайди...

Уз касбига меҳр-муҳаббат қўйган чинозлик чорвадорларнинг фахрланса арзийдиган ўз қаҳрамонлари бор. Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари Эргаш Додонов, Павел Ратушнаяк каби чорва бригадирларининг чорвачилик ривожига қўшаётган улушлари ҳақида бу ерда ҳурмат билан гапиришади. Биз ҳамроҳларимизнинг суҳбатларидан қониқиш ҳосил қилиб, иш қизғин давом этаётган комплексларга қараб йўл олдик.

СУТ СИГИРНИНГ ТИЛИДАМИ?

Кўп ҳолларда бу саволга ҳеч иккиланмай: «Ҳа, сут сигирнинг тилида», деган жавобни оласиз. Лекин чинозлик чорвадорлар бу жавобни: «Сут чорвадорнинг дилида ҳам», деб тўлдиришади. Бунинг сабаби бор, албатта. Қачонки инсон ўз олдига бирор эзгу мақсадни қўяр экан, унинг фикру ёди мақсадига интилишда бўлади. Бу — табиат фалсафаси. Бу фалсафанинг нақадар тўғрилигини соғувчи Раҳимжон Содиқовнинг иш усулида кўрдик.

— Сигирларда фақат забон йўқ. Лекин бу жониворларда сезиш қобилияти бекиёс даражада ривожланганлигини ўз тажрибамда неча бор синаганман. Аслида бу бор гап. Аммо кўп ҳолларда шу нарса ҳис қилинмайди. Шунинг учун ҳам айрим хўжалик соғувчилари кўзлаган мақсадларига эришолмайдилар, — дейди у. — Мен йигирма уч йилдан буён соғувчилик қиламан. Сигирларим жуда ҳам оққўнгил жониворлар, «оққўнгил» деганим ғалатироқ туюлса керак. Лекин шундай дегим келади. Улар соғиш хоналарида қорамни кўришлари билан қўзғалиб қолишади. Соғишдан аввал уларнинг ҳар бирини кўздан кечираман, гўё сўзлашаман. Совхоз-техникумимизда ҳамма ҳамкасбларим ҳам шундай қилишади. Соғувчилар тили билан айтганда, соғин бошлангунча бир муддат «ийдириш» билан шуғулланамиз. Сигирларимизнинг елинини илиқ сув билан ювамиз, юмшоқ матоларда артиб, қашлаймиз, охурларига мазали озуқалар соламиз. Кейин соғиш ишлари бошланади. Ҳар бир соғувчида эъликтаган говмиш бор. Сигирларимизнинг тари-тозалиги учун бизга ҳар бирига бир сўмдан қўшимча ҳақ тўланади. Бу, биринчидан, соғувчиларни меҳнатга рағбатлантиришнинг бир тури бўлса, иккинчидан, жониворларнинг саломатлигини доимий назорат қилиб туришга ҳам сабаб бўлади.

Ҳақиқатан ҳам парваришда гап кўп. Ҳозир совхоз-техникумда 1 минг 590 бош қора-ола зотли сигир бўлиб, уларнинг ҳар биридан ўртача 3 минг 5 килограммдан серқаймоқ сут соғиб олинади. Шу ўринда серсут сигирлар зотини кўпайтириш хусусида коллектив тутаётган йўл ҳақида алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Маълумки, бу ерда наслчилик ишлари ҳам намунали йўлга қўйилган. Мавжуд сигирларни қочириш уларнинг зотига, ёшига, сермаҳсуллигига қараб олиб борилади, уларнинг ҳар бири учун алоҳида қайд дафтари тутилади. Янги туғилган бузоқлар аждодларининг сермаҳсуллигига қараб сутга, наслга ва бўрдоқига боқиш учун ажратилади. Бу хил усул эса, чорва молларининг зотини яхшилашнинг бирдан-бир синалган усулидир.

...Сутнинг серқаймоқлиги бир жиҳатдан жониворларнинг озуқасига ҳам боғлиқ. Лекин масаланинг иккинчи — соғувчига боғлиқ томони ҳам бор экан. Биз буни тушки соғин пайтида, соғувчиларнинг ўзларидан билиб олдик. Бу албатта янгилик эмас, фақат соғувчидан масъулият талаб қиладиган жараён экан холос. Буни совхоз-техникумнинг зоотехниклари ҳам таъкидлашди. Биз учун сирли кўринган бу оддий ҳақиқат сигирларнинг елинидаги сўнгги томчи сутга боғлиқ бўлиб, говмишлар чала соғилмагандагина кўзланган натижага эришилар экан. Шундай қилинганда сут таркибидаги ёғ миқдори ҳам ошади. Чунки сўнгги грамм сутнинг ёғлилиги бекиёс даражада кўп экан. Сигирларнинг тоза соғилиши сеча навбатдаги соғин пайтида сут миқдорининг кўпайишига замин ҳозирлайди.

Чинозлик чорвадорлар ўз қарамоқларидаги жониворларни кунига олти маҳал озиқлантирадилар. Бунда ҳар бир сигир 75—80 килограммдан кўк масса, ҳар литр сут ҳисобига 300 граммдан концентрат билан озиқлантирилади. Бундан ташқари, сигирлар комплексларда махсус ташкил этилган душларда (ёз пайтлари) чўмилтирилади ва махсус майдончаларда уч километр масофага сайр қилдирилади. Сигир уч маҳал соғилади. Жониворларнинг сайр қилдирилишини бош зоотехник шундай шарҳлади:

— Маълумки, — деди у, — жониворлар, айниқса сигирлар табиатан юриб озиқланса, соғлом, серсут, серқаймоқ бўлади. Бизнинг шароитда бунга имконият йўқ. Йиловлар масаласи анчадан бери чорвадорлар олдида турган катта муаммо эди. Мутахассисларимиз сутчилик комплекслари қошида махсус майдончалар қуриш таклифи билан чиқдиларки, бу маълум маънода олдимиздаги муаммони бартараф этди. Тўйимли озуқалар билан озиқланган жониворлар ана шу сайр давомида яйрайди, маҳсулдорлиги ошади, овқат ҳазм қилиши енгиллашади.

Юқорида «Чиноз» совхоз-техникуми чорвадорларининг шарҳланган иш услуби чорвачилик мутахассислари учун янгилик эмасдек туюлиши мумкин. Лекин бу чорвадорларнинг муваффақиятлари улар мавжуд имкониятлардан истиқболли кўзлаб фойдаланаётганликларидан далолат беради. Зеро, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ М. С. Горбачев шу йил Целиноград шаҳрида бўлиб ўтган партия-хўжалик активи кенгашида сўзлаган нутқида таъкидлаганидек: «Истиқболларни белгилаб олиш, социал-иқтисодий ривожланиш мақсадларини ўртага қўйиш жуда катта аҳамиятга эгадир. Аммо шу билан бирга ҳатто энг жозибадор режалар, энг гўзал истиқболлар ҳам амалий иш билан, самарали ечимларни қидириб топиш билан мустаҳкамланмаса, улар ҳеч нимага арзимаслигини аниқ-равшан тасаввур этмоқ керак».

МОЛИ ТЎҚНИНГ КЎНГЛИ ТЎҚ

Ҳа, шундай. «Қиш ғамини ёзда е», дейдилар. Бу мақол совхоз-техникум чорвадорлари учун шиор бўлиб қолган. Улар ёз, ўн икки ой шу даъватга амал қиладилар. «Чиноз» совхоз-техникумида ҳозирги пайтгача 16 минг тоннадан ошиқ силос тайёрланди. Бундан ташқари, Аким Исабеков етакчилик қилаётган бригадада пландаги минг тонна ўрнига бир ярим минг тоннадан зиёд пичан, Раҳмат Турсунов бригадаси аъзолари 4 минг тонна ўрнига 4,5 минг тоннадан кўпроқ хашак тайёрладилар. Бу хўжаликда молларга бериладиган табиий озуқаларнинг турлари ҳам ҳар хил. Тошин Абдуллаев, Қосим Исарбоевларнинг лавлагикорлик бригадасида 650—700 центнер озуқа жамғарилди. Эрта кўкламдан то кеч кузгача совхоз-техникум далаларидан яшил конвейерларнинг кети узилмайди. Совхоз далаларини айланаётганимизда партком секретари поёни кўзга чалинмайдиган, бўйи икки метрдан ошиқроқ келадиган ҳали ям-яшил макkажорга ишора қилиб изоҳ берди. Маълум бўлишича, совхоз-техникум коллективи мавсумда 450 гектар ерга маккажўхори экиб, униб чиққан ҳосилнинг ҳаммасини силос учун ўриб олган. Ўримдан сўнг маккапоя сифатли культивация қилиниб, сув таралса, ўша майдонлар яна яшил далага айланар экан.

— Бу тажрибани биз анча вақтдан бери қўллаймиз. Маккаларнинг унишини сувчиларимиз Боймирза Абдуллаев, Сунин Холиқуловлар тадбиркорлик билан назорат қилиб туришади, — дейди У. Эрматов. — Маккажўхори кўп вақт ўтмай авжланиб ўсади ва биз ундан оралиқ экин сифатида фойдаланамиз. Қарабсизки, молларимиз кузнинг сўнгги кунларида ҳам тўйимли кўк масса билан озиқлантирилаяпти. Қолаверса, шунча майдонга экиладиган уруғ фойдага қолаяпти. Бу тажриба албатта кўпчиликни ҳайрон қолдирса керак.

«Чиноз» совхоз-техникумида қиш мавсумини намунали ўтказиш учун ёз ойларидаёқ пухта ҳозирлик кўрилади. Бу ерда мавжуд учта озуқа цехи сифатли ремонтдан чиқарилди. Айни пайтда улар нуқсонсиз ишлаб турибди. Езда жамғарилган сомон, макка пояси каби дағал хашаклар октябрь ойидан бошлаб озуқа цехларида майдаланади, тегишли концентратлар билан намланиб, ишлов берилади, тўйимлилиги оширилади. Бу эса чорвани қишда ҳам ёздагидек камкўстсиз озиқлантириш, чорвачилик маҳсулотларини белгиланган миқдорда тайёрлаш имконини беради.

Совхоз-техникум коллективи КПСС XXVII съездини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш учун астойдил тер тўкмоқдалар. Уларнинг ишларига ривож тилаймиз.

Ўктам МИРЗАЕРОВ,
«Гулистон» журналининг махсус мухбири

Партия қарорлари — ҳаётга

Клубларда чироқ ўчмасин

Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг ғамхўрлиги туфайли қишлоқ маданият муассасаларининг моддий-техник базаси мустаҳкамланмоқда ва тараққий этмоқда. КПСС Марказий Комитетининг «Клуб муассасалари ва спорт иншоотларидан фойдаланишни янада яхшилаш тадбирлари тўғрисида» деб чиқарган қарорида мамлакатимиздаги маданият уйлари, клублар, кутубхоналар, спорт заллари ва стадионлар коллективлари олиб борадиган сиёсий-тарбиявий, маданий-оммавий ишларни ривожлантириш ва бу ишларни бугунги талаблар даражасига кўтариш зарурлиги уқтирилди.

Қишлоқ аҳолисининг турмуш маданиятини юксалтириш қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш кучларини тараққий эттиришга бевосита алоқадор масаладир. Шунингдек, қишлоқ аҳолисига маданий хизмат кўрсатиш системаси уларнинг ишлаб чиқаришдаги фаол иштирокини таъминлашга хизмат қилади.

Аҳоли турмуш маданиятини яхшилашда ва бу жараёнга раҳбарликни такомиллаштиришда колхоз ва совхозлар раҳбарларининг маданият ва маориф бўйича ўринбосари штатининг жорий этилиши муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ҳозир республикамиз хўжаликларида мингга яқин киши шу лавозимда ишламоқда. Бу лавозимларга маданий-оқартув ишлари бўйича мутахассис кадрларнинг жалб этилиши муайян жойдаги социал-маданий ишларни ривожлантириш режаларини ҳаётга жорий қилишда ва умумлаштиришда амалий аҳамиятга молик. Бундай муҳим тадбир жойлардаги зиёлилар, ишлаб чиқариш илғорлари, ёшлар ва жамоатчиликни турмуш маданиятини юксалтиришга жалб этишда янги имкониятлар яратди. Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги, Қишлоқ хўжалиги министрлиги, республика Колхозчилар Совети, шунингдек, бир қанча ташкилот ва муассасалар билан ҳамкорликда маданий-маиший ишлар бўйича колхоз раиси ва совхоз директори ўринбосари лавозимининг низоми ишлаб чиқилди. Низомда бу кадрларнинг ҳуқуқлари ва вазифалари, ишининг характери ва мазмуни белгилаб берилди.

Маданий-оқартув ишларига раҳбарлик шу соҳадаги ишларни режалаштириш ва уни такомиллаштиришнинг таркибий қисмидир. Бу иш комплекс ва узоқ муддатга мўлжалланганлиги билан характерлидир. Ишлаб чиқариш коллективлари, колхоз ва совхозларда ғоявий-тарбиявий ишларнинг комплекс планлари ҳаётга муваффақиятли жорий этилмоқда. Бу планларда маориф, соғлиқни сақлаш, маданият ва санъат муассасаларининг фаолияти ҳам кенг ўрин олган. Масалан, Хоразм область Боғот районидаги Наримонов номли колхоз партия ташкилоти ҳамда қишлоқ Советининг ҳамкорликдаги комплекс плани асосида маданият уйи, беш кутубхона, тўртта кинотеатр, музей ва стадион ишлаб турибди. Колхозда турмуш ва маданият бўйича тузилган жамоатчилик Советига хўжалик соҳаларининг турли мутахассислари, педагоглар, маданият ходимлари жалб этилган. Колхоз партия ташкилоти ҳар кварталда Совет ҳисоботини эшитиб боради, маданий-маиший ишларнинг моддий-техник базаси, унинг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан боғлиқ жиҳатлари муҳокама қилинади.

Республика қишлоқ маданий-оқартув системаси тармоқлари ривожланиш тенденцияларининг илмий таҳлили шуни кўрсатадики, Ўзбекистонда битта клуб муассасасига бошқа иттифоқдош республикаларга нисбатан кўпроқ аҳоли тўғри келади. Масалан, Иттифоқимизда 1964 йилда бир клуб 1820 кишига хизмат қилган бўлса, Ўзбекистонда бир клуб 3410 кишига хизмат қилган. Бугунги кунда республикамизда ўртача ҳар клубга 4 минг 90 киши, қишлоқда эса 2 минг 95 киши тўғри келади. Бу ҳолат республикамизда аҳоли сонининг бошқа жойлардагига қараганда тез ўсиши билан изоҳланади. Шунинг учун қишлоқ маданий-оқартув муассасалари тармоқларини ривожлантиришнинг истиқбол планларини тузишда, биринчидан, аҳолининг ўсиш суръатини ҳисобга олиш, иккинчидан, қишлоқ хўжалиги ишларининг мав-



Байрам кайфияти.



Морожний ва ширин ичимликлар кафесида.

В. Мосин фотолари

сумийлиги ва доимийлигидан келиб чиқиб, дала шийпонларида оммавий-сиёсий тарғибот ишларини кучайтириш, унинг самарали шаклларини излаб топиш муҳим ўрин тутади.

Клублар ҳозирги қишлоқларимиз учун ҳам муҳим маданият ўчоғидир. Ҳозирги замон қишлоқ клуб муассасалари — бу театр, ўқув аудиторияси, кинозал демакдир. Одамлар тўпланадиган бу маскандаги суҳбат, мунозара, лекция, оғзаки журнал, анъанавий учрашув кечалари қишлоқ ҳаётида аҳамиятли ҳодисадир.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика ҳукумати ўз фаолиятида меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашнинг муҳим омили бўлган қишлоқ клуби муассасалари тармоғини ривожлантириш, унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор бермоқда. Ҳозирги кунда республикамиздаги қишлоқ клуб муассасалари коллективлари партия ташкилотларининг ҳамкор ёрдамчисига айланган. Меҳнаткашлар ўртасида оммавий-сиёсий тадбирлар дам олиш билан уйғунлаштирилган ҳолда ташкил этилмоқда. Клубда уюштирилаётган тематик кечалар, оғзаки журналлар, овозли радиогазеталар, маданият мактаблари, халқ университетлари ва театрлари, ашула ва рақс ансамбллари, оммавий байрамлар ва сайиллар, шунингдек, лекторийлар, тарихий, шон-шуҳрат, табиат музейлари, Ленин хоналари ва бурчаклари, кўргазмалар меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Қишлоқ меҳнаткашларининг маънавий савияларини оширишда халқ университетлари муҳим роль ўйнамоқда. Ҳозир республикамизда ўнлаб фан соҳалари бўйича шундай университетлар ташкил этилган. Буларнинг фаолиятини изчил йўлга қўйишга партия, совет, касаба союз ва маданият муассасалари раҳбарлари алоҳида эътибор бераётирлар. Чунончи, Андижон область Избоскан районидаги Охунбобоев номли, Пахтаобод районидаги «Коммуна», Фарғона область Киров районидаги Киров номли совхоз ва Наманган область Косонсой районидаги «Правда» колхози каби хўжаликлардаги халқ университетларининг фаолияти ибратли бўлди.

Қишлоқ турмуш маданиятини юксалтиришда янги анъаналар ва урф-одатлар муҳим роль ўйнамоқда. Бу иш партия ва жамоат ташкилотлари фаолиятининг таркибий қисмига айланган. Ҳозирги кунда республикамизда йигит-қизларга паспорт топшириш, Совет Армияси сафига кузатиш, ҳосил байрамлари, меҳнат ветеранлари билан учрашувлар уюштириш анъанага айланди.

Республикамизда қишлоқ меҳнаткашларини коммунистик руҳда тарбиялашда комплекс ва табақали ёндашув усули бўйича клублар, кутубхоналар, музейлар, маданият ва истироҳат боғлари, кинотеатрлар фаолиятида яхшигина тажриба тўпланди. Бу борада Наманган, Фарғона, Андижон, Тошкент областлари маданий-оқартув муассасалари коллективларининг ишлари эътиборга молик. Улар аҳолининг ёши, касби, маълумоти ва бошқа хусусиятларига қараб тадбирлар уюштирмоқдалар. Маданий-оқартув муассасаларининг функциялари оила, мактаб, меҳнат коллективи турмуш фаолиятларини ҳам қамраб олмоқда.

Маълумки, Коммунистик партия шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги социал-иқтисодий ва маданий-маиший тафовутларни асосан тугатиш планини ишлаб чиқди ва уни босқичма-босқич амалга оширмоқда. Халқ моддий фаровонлигини ошириш жараёни меҳнаткашлар турмуш маданиятини юксалтириш билан чамбарчас боғлиқ. Зеро, қишлоқ аҳолисига маданий хизмат кўрсатиш Озиқ-овқат программасининг ҳам таркибий қисмидир.

Қишлоқ турмуш маданиятини юксалтиришда бадиий ҳаваскорлик ижодиёти муҳим ўрин тутади. Масалан, Андижон область Избоскан районидаги Охунбобоев номли колхозда сўнгги уч йилда бадиий ҳаваскорликка қатнашувчилар сони 80 кишига етди. Улар орасида мураббийлар, уруш қатнашчилари, қаҳрамон оналар, партия ва комсомол ветеранлари, мактаб ўқувчилари бор. Самарқанд область Иштихон районидаги Ленин номли колхоз клуби қошида эса, бир неча йилдан бери «Еш пахтакор», «Тенгдошлар», «Оталар изидан» номли ҳаваскорлик уюшмалари фаол ишламоқда.

Кейинги йилларда маданий-маиший ва спорт комплекслари қишлоқ турмуш маданиятини яхшилашнинг муҳим омили бўлиб қолди. Республикамизда маданий-оқартув муассасаларининг марказлаштирилиши шу соҳанинг тараққиётини таъминламоқда. Марказлашган клуб ва кутубхоналар қишлоқ маданий-маиший комплексларини вужудга келтиришга асос бўлди.

Эндиликда республикамизда маданий-маиший комплексларни вужудга келтириш янги босқичга кўтарилди. Ўн иккинчи беш йилликда республикамизда маданий-маиший комплексларни янада кучайтириш мўлжалланган. Бинобарин, ҳар бир комплекс қишлоқ меҳнаткашлари маънавий ҳаётини яхшилашнинг муҳим мезони бўлиб қолади.

Партия ва ҳукуматимиз шаҳар, район, посёлка ва қишлоқ шароитида Советларнинг фаолиятини кучайтириш, уларнинг ҳуқуқларини ошириш тадбирларини белгилаб бердилар. Шубҳасизки, партия ва ҳукуматимизнинг ғамхўрликларидан руҳланган республикамиз шаҳар, район, посёлка ва қишлоқ Советлари қишлоқ маданиятини янада кўтариш ҳамда совет турмуш тарзини мустаҳкамлаш ишига етакчилик қиладилар.

Ғулом ҒАФУРОВ,
Тошкент Давлат маданият институтининг доценти,
Ҳакимжон ШОРАҲИМОВ,
Москва Давлат маданият институтининг ходими

Бибисора ОТАЕВА



ЗАМИНГА ТАЯНАМИЗ



Замин бизнинг онамиз —
Мену сен,
Сизу биз
Заминга таянамиз.
Ўт кетса бир ерига,
Ундан бурун ёнамиз.
Жондан азиз Ватанни —
Шу нурафшон чаманни,
Шум уруш — ялмоғиздан,
Ҳасадгўй, ёмон кўздан,
Мену сендан бошқа ким,
Бизу сиздан бошқа ким,
Асрай оларди, дўстим?
Мену сен,
Сизу биз
Заминга таянамиз,
Замин бизнинг онамиз.
Ўт кетса бир ерига,
Ундан бурун ёнамиз.

ХЕВА МИНОРАЛАРИ

Нилий миноралар, қадим минорлар,
Мендан бурун сизлар мени кўрасиз,
Шерози чўгирма кийган бобомдай,
— Мен бундаман, — дея имлаб турасиз.
На қор писанд сизга, на ёмғир, бўрон,
На қаҳратон қаҳри, на қуёш тиғи.
Асрлар яшовчан буюк ҳикматдай,
Мудом бош узра сиз зиё ошиғи.
Ҳар фусункор нақш, ҳар ғиштингизга,
Заҳматкаш халқимнинг юраги пайванд.
Хева миноралари, қадим минорлар,
Бирингиз савсану, сарвдай бирингиз
Бетаъма, безабон турибсиз мағрур,
Мени шайдо қилган шу хислатингиз.

ИШЧИ-ДЕҲҚОН МАДҲИ

Амунинг сувлари дўниб шода-шода инжуларга,
Бўлди рўёблик муяссар эзгу мақсад, орзуларга.
Партия меҳнатда бизга қувват-қанот туйғуларга,
Ғамхўрлигидан умрлар кечмоқда эъзозлар билан.

Қутламоқ жоиз ҳамиша дўстни бахт-ла табрик этиб,
Гулёру шаҳноз этиб, шеъру ғазал, достон битиб,
Шон муборак, азаматим, кел, яйра бир дам ўлтириб,
Хуш овозу ширин сухан, дилкаш, дилнавозлар билан.

Гард қўнмагай пешонангга, заҳматкашим, бўлгил омон,
Мисқоллардан тоғдек пахта хирмон уйган марди майдон,
Оламнинг тинчлиги учун жон куйдирган ишчи-деҳқон,
Сенга олқиш, сенга гулёр, соз устига созлар билан.

Урганч

Пролетариат прометейи

ФРИДРИХ ЭНГЕЛЬС ТУҒИЛГАН КУННИНГ 165 ЙИЛЛИГИГА


Шу кунларда бутун инсоният Фридрих Энгельс туғилган кунининг 165 йиллигини чексиз миннатдорчилик билан нишонламоқда. Агар қадимги афсоналарда паҳлавон Прометей кишиларга олов келтириб, уларни бахтли қилган бўлса, реал ҳаётда К. Маркс Ф. Энгельс билан биргаликда пролетариат таълимотини яратиб, миллионлар орзу қилган ҳур ва эркин жамиятга — социалистик жамиятга назарий йўл очиб бердилар.

Ана шу ўлмас таълимот ва назария асосида дастлаб В. И. Ленин раҳбарлигида Россияда, сўнгра бошқа мамлакатларда социалистик тузум ғалаба қилди, Маркс билан Энгельс илмий асослаб берган социализм реалликка айланди. Бугун буюк социализм дунёси инсоният бисотидаги энг асосий бойлик, тарихнинг нодир мулки ҳисобланади.

Пролетариат доҳийлари — К. Маркс, Ф. Энгельс, В. И. Ленин яратган ана шундай қудратли таълимот капиталистик қулликка ва миллий зулмга қарши курашаётган, сиёсий ҳамда социал ҳуқуқ, эркинлик, демократия, тинчлик учун курашаётганларнинг қудратли сафларида бораётганларга таълим бериб, уларни илҳомлантирмоқда.

Ф. Энгельс (28.XI.1820 — 5.VIII.1895) К. Маркс билан пролетариат таълимоти — илмий коммунизмга асос солди. Ф. Энгельс ижтимоий ҳаётда ҳам, фанда ҳам аввало революционер эди. У ижтимоий фанлар билан бир қаторда табиият фанларининг ҳам ажойиб билимдони эди. Ф. Энгельс адабиёт, санъат, театр ва музикани жуда севар, ҳамма европа тилларида бемалол гаплаша олар эди. «Фред — ҳақиқий энциклопедия эди», деб айтганди шу муносабат билан К. Маркс ўз дўсти ҳақида.

«Маркс билан Энгельснинг улуғ оламшумул — тарихий хизмати шундан иборатки, — деган эди В. И. Ленин 1918 йил 7 ноябрда пролетариат доҳийларига қўйилган ҳайкални очиш вақтида сўзлаган нутқида, — улар капитализмнинг агдарилиши ва унинг энди киши кишини эксплуатация қилмайдиган коммунизм тузумига ўтиши муқаррар эканлигини илмий таҳлил асосида исбот қилиб бердилар. Маркс билан Энгельснинг улуғ оламшумул-тарихий хизмати шундан иборатки, улар бутун дунё пролетарларига уларнинг ролини, уларнинг вазифасини, уларнинг мақсадини: капиталга қарши революцион кураш йўлида биринчи бўлиб бош кўтариб чиқишларини, бу курашда барча меҳнаткашларни ва эксплуатация қилинувчиларни ўз атрофларига тўплашларини кўрсатиб бердилар».



Ф. Энгельс К. Маркс билан ҳамкорликда илмий коммунизмнинг классик асарлари ҳисобланган «Муқаддас оила», «Немис идеологияси» ва «Коммунистик партия манифести»ни яратди. Ф. Энгельс илмий ишини доимо ишчилар ўртасида олиб борган амалий иши билан боғлаб борди. Маркс ҳам, Энгельс ҳам революцион практикани ниҳоятда қадрлар эдилар. Улар ҳақиқий ҳаракатнинг ҳар бир қадамини бир талай программадан муҳим деб билардилар. Улар томонидан ёзилган «Коммунистик партия манифести» ҳам ана шу юксак мақсадлар учун, амалий ишлар учун юзага келди. Маълумки, бу асар жаҳон ишчилари учун қўлланма бўлиб қолди. В. И. Ленин таъкидлаганидек, бу кичкина китобча бир қанча томларга арзийди: бу китобча маданий дунёнинг уюшган ва курашаётган пролетариатини то ҳозиргача руҳлантириб ва ҳаракатлантириб келмоқда.

Кураш олиб бораётган пролетариат сафларида Марксннинг ўлимидан кейин очиқ бўшлиқ пайдо бўлди, деган сўзлар Энгельс сўзларидир. Бу ҳақиқатан ҳам беқиёс жудолик эди. Аммо Маркс байроғи ишончли қўлларда қолди. Тобора кучайиб борган революцион ишчилар ҳаракатига бошчилик қилган Энгельснинг ўзи бу байроқни баланд кўтариб борди. У Марксдан сўнг яна бир неча йил халқаро ишчилар синфининг доно доҳийси сифатида унинг революцион ҳаракатларига бошчилик қилди. «Дўсти Карл Марксдан сўнг, — деб ёзган эди В. И. Ленин, — Фридрих Энгельс бутун маданий дунёдаги ҳозирги замон пролетариатининг энг яхши олими ва устози эди».

Маълумки, Маркс ўзининг капитал тўғрисидаги буюк асарини узил-кесил битира олмасдан вафот этди. Энгельс дўсти вафот қилгандан кейин машаққатли ишга — «Капитал»нинг II ва III томларини битказишга ва нашр қилишга киришди. 1885 йилда II томини, 1894 йилда III томини нашр қилди. Энгельс бу икки том устида жуда кўп ишлади. Австрия социал-демократи Адлер: Энгельс «Капитал»нинг II ва III томларини нашр қилиш билан доно дўстига ғоят буюк ҳайкал қурди ва унга, беихтиёр, ўз номини ҳам асло ўчмайдиган қилиб чекди, деб айтган эди. «Капитал» эса илмий коммунизмнинг шоҳ асари ҳисобланади. «Капитал», — деган эди немис революцион ишчилар ҳаракатининг таниқли арбоби И. Ф. Беккер, — бу бизнинг шамширимиз, қалқонимиз, ҳужум ва ҳимоя қуролимиздир».

Табиатан ўта камтарин бўлган Ф. Энгельс одамлардаги барча ижобий хислатларни ўзида мужассамлаштирган эди. Лекин у ҳаётда ва ижтимоий фаолиятда ниҳоятда камсуқум инсон эди. Унинг Марксга, ишчилар ҳаракатининг бир қатор арбобларига нисбатан бўлган илиқ муносабати бунга мисолдир. Ф. Энгельс К. Маркс оиласининг энг яқин дўсти эди. Унинг Марксларникига ҳар бир келиши оиланинг энг катта ва ҳақиқий байрамига айланиб кетарди.

Қаттиққўл курашчи ва жиддий мутафаккир бўлган бу кишида чин меҳрибон қалб ҳам бор эди. «Агар менда, — деб ёзган эди Ф. Энгельс 1893 йил 14 июлда Германия ишчилар ҳаракатининг атоқли арбоби Франц Мерингга, — баъзи бир эътирозлар туғилаётган бўлса, у ҳам: Сиз менинг хизматимни керагидан ортиқча қилиб кўрсатаётганингизга қарши эътирозлардир, холос; ҳатто агар мен бу нарсаларнинг ҳаммасини, эҳтимол — вақти келиб — мустақил ўйлаб топармидим, деб

ҳисоблаганимизда ҳам, Маркс ўзининг зийракроқ кўзи ва кенгроқ билим даражаси билан уларни анча илгари кашф этган. Маркс каби инсон билан 40 йил мобайнида бирга ишлаш бахтига муяссар бўлган киши, бу инсоннинг ҳаётлигида, одатда унга тегишли бўлган шуҳратга етарли даражада сазовор бўлмаётгандек бўлиб кўринади. Лекин буюк инсон вафот этганидан кейин, унинг унчалик эътиборга эга бўлмаган сафдошига, аслида, унга керагидан юқорироқ баҳо бера бошлайдилар, бу нарса ҳозир менинг бошимга тушганга ўхшайди. Тарих оқибат-натижада ҳамма нарсани жой-жойига қўяди, лекин у вақтгача мен эсон-омон нариги дунёга сафар қилган бўламан ва ҳеч нарсани билолмайман».

Умуман, бу икки улуғ сиймонинг ҳаёт ва кўраш йўллари бир бири билан шундай қоришиб кетганки, Марксни Энгельссиз, Энгельсни Марксиз асло тасаввур қилиб бўлмайди. Энгельс вафоти муносабати билан Европада эълон қилинган некрологлардан бирида, масалан, шу гаплар бор эди: «Энгельс тимсолида Маркс иккинчи марта вафот этди».

К. Маркс ҳам Ф. Энгельсни ниҳоятда ҳурматлар ва қадрлар эди, у билан бўлган чин дўстлигини ниҳоятда ардоқлар эди. Мана, илмий коммунизм гениал асари «Капитал» авторининг Ф. Энгельсга ёзган хати:

«1867 йил 16 август кечаси соат 2.
Қадрли Фред!
Охирги (49-)листнинг корректурасини ҳозиргина тамом қилдим. Қиймат формалари тўғрисида майда ҳарф билан босилган илова $1^1/_4$.
Сўзбошининг ҳам корректурасини ўқиб, кеча юбордим. Демак, бу том тайёр. Бу фақат сенинг менга берган ёрдаминг туфайли мумкин бўлди! Сен менга фидокорона ёрдам бермаганингда, мен уч том учун бунчалик катта ишнинг ҳаммасини асло бажара олмаган бўлардим. Сени қучоқлаб, кўпдан-кўп ташаккуримни билдираман!
Шу билан бирга икки тоза листни юбораман.
Ун беш фунт стерлингни жуда катта ташаккур билдириб олдим.
Салом, қадрли, содиқ дўстим!
Дўстинг Маркс».

Буюк олим, гениал кашфиётчи бўлган Ф. Энгельс дўсти К. Маркс вафотидан сўнг ўзининг машҳур ва пролетариатга қўлланма, марксистик тафаккурнинг ривожланишида янги босқич бўлган «Анти-Дюринг», «Табиат диалектикаси», «Оила, хусусий мулк ва давлатнинг келиб чиқиши», «Людвиг Фейербах ва немис классик фалсафасининг охири» сингари асарларни ёзди.

Гениал философ, материалист, тарихчи, иқтисодчи, оташин революционер Ф. Энгельснинг юқоридаги асарларида марксизмга бутун бир таълимот, қарашларнинг бир системаси сифатида тўлақонли характеристика берилган, унинг таркибий қисмлари: фалсафа, сиёсий иқтисод ва илмий коммунизм кўриб чиқилган, материалистик диалектика моҳияти очиб берилган, буржуазия маддоҳлари абадий ва ўзгармас деб ҳисоблаган хусусий мулк ва давлатга барҳам берилиши ишонарли таърифланган, дунёни революцион тарзда ўзгартириш йўллари баён қилинган.

Ф. Энгельс умрининг сўнгги йилларида қатор мактублар ёзди. Бу мактублар тарихни материалистик тушунишнинг энг муҳим қоидалари тўғрисида тасаввур беради, марксизм фалсафасини ҳозирги сохталаштирувчиларга қарши ҳам ёрдам берувчи далил-исботларни ўз ичига олади.

Ф. Энгельс ўзи ва ўзининг машҳур дўсти тўғрисида гапириб: «Бизнинг таълимотимиз догма эмас, балки ҳаракат учун қўлланмадир», деган эди. Ҳақиқатан ҳам шу ўлмас марксизм-ленинизм таълимоти байроғи остида Улуғ Октябрь социалистик революцияси ғалаба қозонди, худди шу байроқ остида Европа, Осиё ва Лотин Америкасининг қатор мамлакатларида социалистик тузум тантана қилди, жаҳон социалистик системаси вужудга келди ва мустаҳкамланди. Империализмнинг мустамлакачилик системасининг емирилиши ва унинг харобалари ўрнида бир қанча социалистик ривожланиш йўлини танлаб олган давлатларнинг вужудга келиши, ишчилар синфи ва унинг иттифоқчиларининг монополистик капиталга қарши олиб бораётган синфий жангларининг тобора шиддатли тус олиши, халқларнинг тинчлик учун қудратли кураши — буларнинг ҳаммаси марксизм-ленинизм ғоялари билан боғлиқдир, унинг буюк революцион ўзгартувчилик кучининг ёркин далилидир.

Илмий коммунизм асосчилари тинчлик ва қуролсизланиш — социализмнинг идеали эканлигини бир неча бор таъкидлаб ўтган эдилар. «...эски жамиятга, унинг иқтисодий қашшоқлиги ва сиёсий ақлсизлигига қарамақарши ўлароқ, — деб ўқиймиз уларнинг асарларида, — янги жамият туғилаётганини, бу жамиятнинг халқаро принципи тинчлик бўлажагини, чунки халқларнинг ҳар бирида ҳам бир нарса — меҳнат ҳукмрон бўлажагини кўрсатмоқда». (К. Маркс ва Ф. Энгельс, Танланган асарлар, уч томлик, II том, 218-бет.) Тарихнинг ўтган барча йиллари юқоридаги башоратли сўзларни тамомила исботлаб берди. Улуғ Октябрь ғалаба қилган Россияда туғилган биринчи социалистик давлат ўз фаолиятини Сулҳ ҳақидаги декретдек мўътабар ҳужжат билан бошлади ва халқаро муносабатлар тарихида илк марта чинакам тинчликсевар ташқи сиёсатга асос солди.

Айни бизнинг социалистик Ватанимиз, қардош социализм мамлакатлари ана шу вазифани шараф билан адо этиб келмоқда, халқлар тинчлиги ва планета осойишталигини сақлаш ишига улкан ҳамда ҳал қилувчи ҳисса қўшмоқда, айни социализм дунёси халқаро муносабатлардаги соғлом нишоналарнинг энг изчил ҳимоячиси бўлиб, кескинликни юмшатиш ва тинчлик манфаатларининг, ҳар бир халқ, бутун инсоният манфаатларининг ҳимоячиси бўлиб майдонга чиқмоқда.



Октябрь 40 йиллиги номидаги Бухоро зардўзлик фабрикаси ишчиси Любат Жўраева.

Г. Еқубов фотоси

КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг Американинг «Тайм» журналига жавоблари, КПСС раҳбарининг Францияга сафари, шу йил ноябрь ойида Женевада АҚШ президенти билан бўладиган учрашуви ва ниҳоят, Советлар мамлакатининг барча тинчлик ташаббуслари мана шу олий мақсадни кўзлайди. Сўзсиз, ер куррасидаги тинчликни муқаддас билган барча соф виждонли кишилар мамлакатимизнинг бу ленинча тинчликсевар ташқи сиёсий йўлини қизғин маъқулламоқдалар.

Барча прогрессив инсоният, социализм, демократия ва тинчликнинг барча тарафдорлари ҳамма халқлар ва замонлар генийларидан бири Ф. Энгельснинг туғилган кунини кенг нишонламоқдалар. Унинг номи билан шаҳарлар ва районлар, олий ўқув юртлари ва кўчалар аталган. Улуғ доҳий юбилейи муносабати билан СССРда эсдалик танга муомалага чиқарилди. Унинг ўлмас асарлари жаҳоннинг ҳамма тилларида миллион-миллион нусхада нашр қилинмоқда. 1976 йилнинг ноябрь ойида Москвада Ф. Энгельсга улкан ҳайкал қўйилди.

Биз бугун Фридрих Энгельс туғилган куннинг 165 йиллигини нишонлаётиб: тарих Маркс, Энгельс, Ленин кўрсатиб берган йўлдан ривожланди ва ҳозир ҳам шу йўлдан ривожланмоқда, коммунистик ва ишчи партияларнинг практикаси билан, социализм қуриш ва социализм учун курашнинг интернационал тажрибаси билан доимо бойиб бораётган марксизм-ленинизм ҳозир ҳам бирдан-бир тўғри ва ишончли ҳаракат қўлланмасидир, деб ифтихор билан айта оламиз.

Талъат СОЛИЕВ.

Мукаррама МУРОДОВА

Ғарқ пишган боғлар

1. СУНБУЛА

Бахтидан беором тўкис аёлдай —
Юртимга бергали янги бир нуфуз,
Орзулар ўтида пишган хаёлдай
Кенгликлар кўзидан таралмоқда куз.

Сояда арига таланган шохлар
Заҳмига босилди офтоб чўғлари.
Кемтигин гул билан яширган боғлар
Ошкор айладилар бору йўғларин.

Залворли чўққилар юкидан зада —
Ирмоқлар бошидан тоғларни сурди.
Саратон тафтидан лоҳас ўлкада
Бир илиқ, журъатбахш шаббода турди.

Анҳорда лимиллар эриган биллур,
Кўз равшан тортади юзни чайганда.
Бош эгган анор тонг чоғи ёрилур,
Не фойда юракни тугиб юргандан?!

Тугилган мушт бўлиб туюлган кўсак
Бағрида оқ дунё асрабди, балли!
Оқ либос кияди энди юртимиз
Тер тўкиб яралган поклик туфайли!

Бағрини тупроққа берган қирқмалар
Даст шифтга олинди қовғалар билан.
Дўстларим меҳнати рўёбга чиқди,
Курашлар келтирган совғалар билан!

Залворли чўққилар юкидан зада —
Ирмоқлар тоғларни бошидан сурди.
Саратон тафтидан лоҳас ўлкада
Бир илиқ, журъатбахш шаббода турди...



2.ЎҒЛИМГА

**Узини офтобга солган жонзотдай —
Узалган бу уйда яшар неча жон...
Сен эса, бағридан, ҳар тонг қанотдай
Ейилиб кетасан, ўғлим, ажабо!**

**Аслида, ўтганда куёв жўралар,
Қўшилиб яйрайсан, ўйин боласи!
Қийиқ кўзларингда ўкинч мўралар —
Ён-вердан тополмай бир дўст — муносиб.**

**Ўт-ўлан бағрида етилган буғдой
Жон бўлиб тушгандек шан далаларга,
Бунда тор юрагинг — унда ҳотамтой,
Сардорсан ўзга уй болаларига.**

**Дилда-ку, ўкинчга асос йўқ зарра,
Кўп дўстинг, қидириб келарлар, орзум!
Лекин бу эмасдир сен борар марра,
Фақат шу эмасдир сенга тарозу.**

**Йигит — энг аввал ўз уйига устун,
У унган жойини боғ этмоғи шарт.**



**Бир йигит бор ерда — бехавотир тун,
Қўл силкиб, йироққа кўз тутмайди мард.**

**Шоирман, Ватаним яна ёркинроқ,
Элимни етукроқ кўрмоқ истар дил.
Онаман, ҳаммадан сенга яқинроқ,
Иқтидор, қалбингга ягона кафил.**

**Тўкин боғ — булбулу зоғга тенг манзил,
Сароблар даштида булоқ бўлгин сен.
Биламан, яратмоқ эмасдир ҳазил,
Юраги даштларга ошно бўлсанг сен.**

**Нодонлар зеҳнини, ожиз — қудратин,
Ёлғизлар — дўстини топсинлар сендан.
Йиқилган — ҳомийсин, ланжлар — журъатин,
Унутлар — шуҳратин топсинлар сендан.**

**Гуркираб, ҳовлини тўлдирган дарахт
Ёнғоғин бергандек чўлу ёбонга,
Сен билан бўйлашгач бунда ҳар карахт,
Сўнг майли ошинсанг ўзга томонга.**

**Гоҳ томчи денгизга мослашур, гоҳо
Бир уруғ бир полиз навни чанглатур.
Ўғлоним, ҳозирдан бермаю баҳо,
Эл аро қуёшдай иссиқ бўлиб юр!**



3.ФАРЗАНД

Йиллар, мумдай, ғайратимни олдими шимиб,
Қадамларим чинор каби чуқур ботмоқда.
Борган сари оналик ўз ҳаққини таниб,
Тинмас, муштдек қизларимга юмуш ортмоқдан.

Нимадир бу? Дастёр Меннинг онам бағридан
Учиб, қўниб олган соврин, мукофотими?
Етилтирган жавҳарим-чун бедор бахрда,
Табиатнинг сийловлари, илтифотими?!

Орзулардан дил боғида унган чечаклар
Меҳнатларим манглайига қўйган тожими?!
Е бўлмаса, ҳануз олий тафаккурга сир —
Ҳаётнинг нур арқоқлари, жон, ривожими?!

Бу — ё бугун меҳр, оқибат дока очунда
Фақатгина ўз новдамдан илинж учунми?!
Етуклик нур тезлигига опичган кунда,
Бошимизни тик тутишга азм кучими?!

Зулмат қурум босган ўтмиш тор мўрисидан
Гурламазон билим бўлиб чиққанда халқим,
Мусоҳаба чоғи даврим баҳс сўрисида
Ўтирмасин дейман, болам ер чизганча жим.

Бугун инсон маҳорати, ўқ иқтидорга
Қатим тортиш, ўтин ёриш — кафилликка оз.
Бугун севги қасридаги сеп илар дорга —
Ейилади бош — тугунга тўпланган либос.

Топганимни боларидай зеҳнига тўкай,
Тушунчасин қуюлтирай идрокка ийлаб.
Тафаккури ипакларин шарорда бўяй,
Зуваласин пиширгумдир иш билан сийлаб.

Меҳнат — мангу бахт тўқувчи бош дастгоҳ демак,
Юрак, томир чигалларин ёзгувчи чархдир.
У суюкли бўлғусидир илк муҳаббатдек,
Эгиз бўлса салмоғига меъёри, нархи.

«Шакарнинг ҳам ози ширин» деган нақл бор,
Намак ортса, кўзни мўлжал олар сўқирлик.
Фарзандлар-ку гапимизни қайтармас зинҳор,
Хотиржаммиз улар кўзга боқмасалар тик.

Бугун ногоҳ қизим солган кўрпача, парқу
Оловлари, пар тиғлари оромим кесди.
Ишончимдан яйраб ҳамир қораётир у...
Муштчалари босқонидан хижолат эсди.

Наҳот, бағир қони бердим, оёққа турса,
Хизматкорим тайёр турсин деган таъмада?!
Наҳот, пайванд сути бердим, илик қуриса,
Ёғлагувчи қарздор ўссин деган чамада?!

Сиз-чи, бола эмизмасдан қомат орттириб,
Фарзанд юзи анорини кемирган хотин?!
Гўдагига гоҳ писта, гоҳ қатиқ соттириб,
Болаликнинг шарбати-ла семирган хотин?!

Супир-сидир, куйдир-пишир, югур-югурдан
Сузукланган қароқларга ўй қўнган дамлар,
Ўзлари бош кўтармасдан базми охурдан,
Иш жойига боласини қўйган одамлар!

Лафзи билан ҳалол эрур инсон, ҳаққирост.
Пешонага дур сочдими имон қиммати?!
«Ҳар нарсанинг жони — пулда», деган эски тос —
Чокларига қуйманг энди гўдак ҳимматин!

Бола — биров мулки эмас, Ватан мурвати!
Вужудига халқнинг жони, шони тортилган.
Эл-юртининг андозаси, мезон, сурати...
Қизларига ХАЛҚ ЯРАТИШ БУРЧИ ортилган!

Бас, Мукаррам, халқ онаси ўзинг экан, бас!
Унинг руҳий оламини бошингга тож қил!
Она ҳушёр турса, халқнинг қуввати синмас,
То ҳаётсан, парваришла, меҳринг хирож қил!



Қариликни яқин йўлатмай...

Партия ва ҳукуматимиз кекса авлод вакилларининг жамоат ишларида фаол иштирок этишларини, уларнинг талаб ва эҳтиёжларини қондира боришни давлат аҳамиятига молик иш сифатида баҳоламоқда. Айниқса, республикамизда кексалик гаштини сураётган отахон ва онахонларнинг қизиқиш доираси, бўш вақтларида бирор ижодий иш билан шуғулланиш истаклари кучайиб бораётганлигини ҳисобга олиб, уларнинг ижтимоий-фойдали меҳнат билан шуғулланишлари учун имкониятлар яратилишига жиддий аҳамият берилмоқда.

Кузатишлар шу нарсани кўрсатдики, кексаларимиз амалий санъат турларидан — тикувчилик, ўймакорлик, заргарлик, дурадгорлик каби ишларга ниҳоятда қизиқиш билан қарар эканлар. Инсон кексаликда бутун ҳаёти давомида кўрган-кечирганларини умумлаштириш, ҳаёт тажрибаларини амалда синаб кўриш имкониятига эга бўлганлигини ҳам асло эътибордан соқит қилиш мумкин эмас.

Аммо қарияларимизнинг маълум қисми муайян шароит йўқлиги, баъзилари буни ўз ёшларига номуносиб, деб ҳисоблаганлари учун бадиий ҳаваскорлик фаолияти билан шуғулланолмайдилар. Шунинг учун ҳар доим ҳам қалбларидаги мавжни ошкор этавермайдилар. Айрим пайтлардагина, масалан, тўй-ҳашамларда, қадрдон дўстлари даврасида, чойхоналарда биз уларнинг зукколигига тан берамиз. Агар жойларда улар учун маълум шароит ва имкониятлар яратиб берилса, халқимиз орасидаги оғзаки ижод намуналари — лапарлар, пайровлар, маталлар, афсоналарни ҳам улар ижросида ёзиб олиш мумкин бўларди. Зеро, матал ва эртакларнинг ёш авлодни тарбиялашдаги роли катта.


Яқин йилларгача маданият муассасалари асосий диққатни ёшларга қаратиб, қариялар билан ишлашни эътибордан четда қолдириб келаётган эди. Айни пайтда бу масалага социал-таъминот ва маданият муассасалари жиддий эътибор бераётирлар. Жумладан, клублар, маданият уйлари ва саройлари, истироҳат боғларига қарияларни жалб этиш иши яхши йўлга қўйилди. Натижада, уларга маданий хизмат кўрсатиш, уларнинг бўш вақтини мазмунли уюштириш борасида республикамизда қизиқарли тажрибалар тўпланди. «Кумуш» ва «олтин» тўйлар, меҳнат ва уруш ветеранлари билан учрашувлар, тантанали равишда пенсияга кузатиш каби тадбирлар яхши самара бермоқда. Фарғона водийсининг кўпгина жойларида махсус «оталар чойхонаси»нинг ташкил қилиниши, қарияларимизнинг турли авлод вакиллари билан мулоқотда бўлишлари ҳамда уларнинг жамоат ишларига фаол аралашувлари учун қулай шароитлар яратиб берилаётганлиги диққатга лойиқ.

Тошкент шаҳридаги Э. Тельман номли маданият ва истироҳат боғи ва Жиззах область Фориш район маданият уйи ходимлари томонидан «Қариялар байрами»нинг ўтказилиши фақат Ўзбекистонда эмас, балки Иттифоқ миқёсида ҳам янги ҳодиса бўлди. Қизиғи шундаки, моҳияти бир хил, аммо услуб ва шакл жиҳатидан бир-бирига ўхшамаган бу тадбирлар кўнгилдагидай натижа берди.

«Қариялар байрами»нинг ижтимоий аҳамияти шундаки, улар халқимиз учун узоқ йиллар ҳалол меҳнат қилган кексаларни маънавий рағбатлантиради, уларнинг турмушини мазмунан бойитади. Шунингдек, бу иш тўғрич авлод анъаналари ва ҳаётий тажрибаларининг ёшлар томонидан давом эттирилишига замин яратади. Бу байрамларда қариялар фақат томошабин сифатидагина қатнашмайдилар. Улар қўшиқ айтишлари, рақсга тушишлари, маталлар, эртаклар айтиб, байрам қатнашчиларини хурсанд қилишлари шубҳасиз. Ушбу тадбирларда кекса санъат усталарининг иштирок этиши яхши натижа бериши мумкин.

Ўзбекистон кўп болали оилаларнинг сони жиҳатидан Иттифоқимизда етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Шу сабабли, «Қариялар байрами» муҳтарам онахонларимизга ҳам алоқадордир. Бу борада Чирчиқ шаҳар маданият уйининг онахонларга бўлган эътибори ва иш тажрибаси алоҳида қизиқиш уйғотади.

Бу ерда «Ҳаёт гули» номли клуб ташкил қилинган бўлиб, унга беш ва ундан ортиқ болали оналар жалб этилган. Онахонлар ойига бир-икки марта (асосан якшанба кунлари) маданият уйида тўпланишади. Уюшмада эса улар учун махсус тадбирлар уюштирилади. Унда онахонлар ўзаро мулоқотда бўладилар, педагоглар, врачлар, юристлар ва ижодкорлар билан учрашадилар, болалар тарбияси борасида тажриба алмашадилар. Шунингдек, клуб аъзоларининг талаблари асосида махсус бадиий программа ёки концерт уюштирилади. Концертда онахонлар ҳам ўз ижодларини намойиш этадилар. Тадбирларнинг самарали ўтишида «Ҳаёт гули» клубининг раиси, шаҳар Советининг депутати, 12-мактаб ўқув бўлим мудири К. Муродова ҳамда клуб советининг аъзолари — врач М. Раимова, юрист Н. Миржалилова, қаҳрамон она Р. Ўсарова, фаоллардан А. Кузьмина, З. Филимонова, шаҳар маданият уйининг директори В. Пак, методист Ш. Фахруддинованинг хизматлари каттадир.



Бўлажак чемпионлар...

Б. Зуфаров фотоси

Республикамизда ташкил этилган клубларнинг диққатга сазовор ишларидан яна бири — қарияларимизни бевосита бадиий ижодга жалб этишдан иборат. Бу борада Бўстонлиқ район маданият уйи ва Наманган шаҳридаги Н. В. Гоголь номли маданият уйи коллективи самарали ишлар олиб боришмоқда. Бу икки коллективда ҳам онахонларнинг фольклор ансамбллари тузилган.

Наманган шаҳридаги «Ер-ёр» фольклор ансамбли 45 ёшдан юқори уй бекалари ва пенсионер онахонлардан ташкил топган. Ансамблнинг етакчи қатнашчиларидан Салтанатхон Алиева, Муборак Холиқова, Мавжудахон Муллажонова, Хосиятхон Тўрабоева, Бўстон Тешаева каби онахонларнинг ёши олтмишдан юқори.

«Ер-ёр» фольклор ансамбли Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, меҳнат ветерани, 68 яшар Насриддин ака Мажидовнинг ташаббуси билан ташкил топиб, ҳозирги кунда унинг раҳбарлигида самарали фаолият кўрсатмоқда.

Коллектив ўзбек халқ оғзаки ижодининг олтин хазинасига айланган «Ер-ёр», «Омон ёр», «Тановар», «Сумбула» каби қўшиқ ва рақсларни ижро этиш билангина чекланиб қолмаяпти. Ансамбль аъзолари ўзига хос изланиш ва тадқиқот ишларини олиб бориб, унутилаёзган лапарлар ва қўшиқларни йиғишмоқда, уларни қайта ишлаб, бойитиб, ўзлари ижро этишмоқда. «Қаҳа-ялла», «Узоқдан орзулаб келдим», «Бормайман, деди» каби қўшиқ ва лапарлар шулар жумласидандир.

Бўстонликдаги «Гулёр» фольклор ансамбли ҳам асосан уй бекаларидан ташкил топган. Бу ансамбль ҳозир бутун республикага танилмоқда. Бу ансамблнинг Ўзбекистон телевидениесидаги чиқиши санъат ихлосмандларида катта қизиқиш уйғотди. Ёши улуғ ва мунис онахонлар ансамблининг халқ қўшиқлари, рақслари ва лапарларидан тузилган концерт программаси миллий колоритга бойлиги билан томошабинларнинг диққатига сазовор бўлди.

«Кўчада зўрға юрардим, аммо ансамблга қатнашганимдан кейин ўзимни яхши ҳис этаяпман, кайфиятимда бардамлик ва тетиклик пайдо бўлди», дейди онахонлардан бири. «Мен эса қайта туғилганга ўхшайман», дейди қувонч билан иккинчиси. Ҳақиқатан, санъат уларга шундай руҳий мадад берганки, уни таърифлаш қийин.

Социологик тадқиқотлар ва кузатишларнинг натижаларига қараганда, қарияларнинг ёшларга нисбатан ҳаваскорлик ижодига жиддийроқ ихлос ва қизиқиш билан ёндашишлари маълум бўлди. Иккинчидан, кексалар санъати ўрта профессионал санъаткорлар ижодига нисбатан таъсирлироқ туюлади. Уларнинг ижоди мутахассислар ва жамоатчиликда алоҳида қизиқиш уйғотмоқда.

Қариялар бебаҳо халқ анъанавий ижодини давом эттиришда, турмуш ва маросим қўшиқларини, халқ ижрочилик усулларини қайта тиклашда муҳим роль ўйнамоқдалар. Уларнинг анъанавий санъат намуналарини сақлаб қолиш ва тараққий эттиришдаги хизматлари каттадир.

Мазкур мақолада биз республикамиз маданий-маърифий муассасаларидаги нуроний отахонлар ва мунис онахонлар иштирокида олиб борилаётган ҳамда илк бор вужудга келаётган ижодий иш шакллари хусусида қисқача фикр юритдик. Бу илғор иш тажрибаларини республикамизнинг жойлардаги маданият муассасаларида кенг жорий этиш мумкин. Зеро, қарияларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, уларни ижодий жараёнга жалб этиш ҳар бир маданият муассасасининг вазифасидир. Ана шундай қилингандагина кексаларнинг билимлари, ҳаётий тажрибалари ва маҳоратлари ёшларимиз томонидан яхши ўзлаштирилади.

Усмон ҚОРАБОЕВ,
педагогика фанлари кандидати, доцент

Редакция почтасидан

МУЗЕЙ ЗАЛЛАРИ БЎЙЛАБ...

Андижон шаҳрининг Октябрь кўчасидаги уч қаватли бинода Область ўлкашунослик музейи жойлашган. Музейга киришингиз билан биринчи қаватида Владимир Ильич Ленин туғилганига 115 йил тўлиши муносабати билан унинг ҳаёти ва революцион фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи экспонатлар диққатингизни тортади.

Музейнинг иккинчи қаватида тарих бўлими жойлашган бўлиб, унда Фарғона водийсининг ўсимликлар ва ҳайвонот дунёси, сув ресурслари, халқимизнинг Октябрь революциясига қадар кечган ҳаёти ўз аксини топган. Музейнинг учинчи қаватида эса Совет даври бўлими жойлашган бўлиб, ундаги экспонатлар ва кўргазмалар халқимизнинг революциядан кейинги ҳаётига бағишланган.

Совет ҳалқининг Улуғ Ватан урушида фашистлар Германияси устидан қозонган Буюк Ғалабасининг 40 йиллигига доир материаллар кишининг эътиборини ўзига тортади. Бу залдан Совет Армияси жангчиларининг фронтда немис-фашист боскинчиларига қарши кўрсатган мислсиз матонатини, халқимизнинг фронт орқасида кўрсатган ватанпарварлигини акс эттирувчи турли экспонатлар, панно ва фотомонтажлар, рассомлар томонидан чизилган расмлар ҳамда тарихий ҳужжатлар, эсдалик хатлар ўрин олган. Ленинградлик рассомлардан Игорь Ефремов, Станислав Клубиннинг Буюк Ғалабага бағишланган монументал паннолари томошабинда чуқур таассурот қолдиради. Шунингдек, маҳаллий рассомлардан Р. Ўрозовнинг «Тоғдаги қишлоқлар», Ш. Тошбоевнинг «Тинч осмон остида», С. Муҳаммедовнинг «Лолақизғалдоқлар» каби асарлари ҳам кишида алоҳида қизиқиш уйғотади.

Инсон хотираси — ҳамма нарсадан азиз, муқаддас. Халқимизнинг асл фарзандларини, бахт-саодат, эл-юрт озодлиги, ватан равнақи йўлида ўз умрини бахшида этган қаҳрамонларни ёдга олиш, уларнинг ҳурматини жойига қўйиш, хотираларини абадийлаштириш хайрли иш. Дарҳақиқат, музейлар, бошқа муҳим омиллар қаторида, авлодлар воислигини таъминлаш, ёшларни кекса авлодлар ва уларнинг ишига садоқат руҳида тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг республикада Хотира кунини белгилаш тўғрисидаги фармони шу жиҳатдан айни муддао бўлди.

Нусрат ИНОҚОВ,
меҳнат ветерани

ҲАР ТЎҒРИДА БИР ШИНГИЛ

САЁҲАТЧИ ҚУРБАҚАЛАР

Улкан қурбақалар сабзавот ортилган юк машиналарида бутун Шимолий Австралия бўйлаб кезмоқдалар, Катталиги ликопчадай келадиган, чақчайган кўзли бу қамишзор қурбақаларининг дайдиб юришига халақит бериш мақсадида бензоколонкалар, меҳмонхоналар ва ресторанлар олдида ҳайдовчиларни огоҳлантирувчи, уларни ўз машиналарини тез-тез кўздан кечиришга ундовчи эслатмаларни кўриш мумкин. — Бу жуда хавфли махлуқ, — дейди атроф-муҳитни сақлаш бошқармаси вакили Билл Фриленд. — Қурбақаларнинг бу тури аллақачон ўзи яшаётган ердан юз километрлар узоқликда пайдо бўлиб қолди. Бу очофатлар барча жониворларни еяверади ва қитъадаги майда ҳайвонот вакилларининг қирилиб кетиш хавфини туғдиради.

Аслида бу хил қурбақалар асримиз бошида шакарқамиш зараркунандаларидан бирини йўқотиш учун Квинсленд штатининг шимолий районига бошқа ерлардан олиб келтирилган эди.

ДЕНГИЗ ҚУРИЛМОҚДА

Кўп миллион йил муқаддам пайдо бўлган Жанубий Хитой денгизи йигирма миллион йилдан кейин қуриб қолиши мумкин. Франция илмий-текшириш кемаси «Жан Шарко»да биргаликда экспедиция ишларини олиб борган, бу экспедиция натижалари тўғрисида Париждаги йиғилишда сўзга чиққан француз ҳамда хитой геологлари шундай хулосага келдилар. Олимларнинг гувоҳлик беришларича, денгиз қирғоқ бўйлари ва сувости тоғларининг тизмаси ҳар йили Филиппин томонга бир неча сантиметр силжимоқда. Бу ҳолат эса, денгиз ҳавзасининг қисқаришига олиб келади.

ЎРГИМЧАКЛАР

Айрим ўргимчакларнинг уялари фақат учиб юрувчи ҳашаротларни тутиш учунгина хизмат қилмайди. Канадалик олимлардан Райс Смит ҳамда Томас Моммсен баҳор чоғларида, ҳашаротлар ҳали кам пайтида ўргимчаклар ўзларини ғайритабиий тутишини — юздан тўқсонтасида ҳеч қандай ўлжа тушмаса ҳам, ўргимчаклар уя толаларини тез-тез янгилаб туришларини пайқаб қолдилар. Ўргимчакларнинг аранеус диадематус (одатдаги ўргимчаклар) тури устида кузатишлар олиб бориб, олимлар уларнинг уялари тўрига кўнган ўсимлик зарралари билан, асосан гулчанглар билан озиқланишини аниқладилар.

ДИНОЗАВРЛАР... АЛЯСКАДА

Аляска территориясида қарийб бундан 70 миллион йил муқаддам динозаврлар яшаганлиги маълум бўлди. Қазиб олинган 175 та суяк бўлаклари ва динозавр тишларини Аляскадаги тоғ тизмаларининг шимолий ниҳобида, шунингдек, тундранинг Прадхо-Бей бўғози районида қидирув ишлари билан шуғулланган ва экспедицияга раҳбарлик қилган таниқли палеонтолог, Калифорния университети доктори Уильям Клеменс топди, деб хабар берди ЮПИ агентлиги. Бу топилмалар қадимий жониворлар қандайдир самовий фалокат оқибатида эмас, балки атроф-муҳитнинг астасекин ўзгариб бориши натижасида йўқолиб кетгандир, деган тахминни яна бир бор тасдиқлади. Экспедиция ишлари якунидан кейин Фэрбанкс шаҳрида ўтказилган матбуот конференциясида Клеменс таъкидлади: «Агар динозаврларнинг жуда улкан миқёсда қирилганлиги масаласига келсак, уларнинг йўқолиб кетиши олддидан юқори кенгликларда яшаганлигини эътиборга олиш керак бўлади. Ер шарини зулматга чулғаган жуда улкан чанг булутлари туфайли катта қиргинлик юз берган, яъни динозаврлар бир неча ҳафта ўзларига озиқ тополмаганлар ва очликдан ўлиб кетганлар, деб исботлашга уриниш ишончсиз эди».

Қаҳрамонлар

Улуғ Ватан урушининг жангу жадалларида қатнашганлар орасида Иштихон районига қарашли Бадай қишлоғида вояга етган ака-ука Нормурод ва Дўстмурод Суяровлар ҳам бор. Улар жанг майдонида жасорат намуналарини кўрсатиб, иккаласи ҳам Учинчи ва Иккинчи даражали Шуҳрат ордени билан тақдирланганлар. Тўрт Шуҳрат ордени...

— Мен ҳикоя қилмоқчи бўлган воқеа, — деб хотирлайди Нормурод Суяров, — 1943 йилнинг февралида Курск остоналарида юз берди. Стратегик аҳамиятга эга бўлган Беседино станцияси учун жанглар борарди. «Тил» тутиб келиш тўғрисида қўмондонликдан буйруқ бўлди. Топшириқ жуда муҳим эди. Ўрмон ичидан ўтадиган тош йўлгача эмаклаб бордим-да, қулай позицияни эгалладим. Ҳадемай, душман мотоцикли кўринди. Икки фриц ўзаро шанғиллаб гаплашарди. Ўртадаги масофа бор-йўғи 25 метрлар чамаси қолганда, уларнинг йўлини тўсдим: «Хенде хох!»

Мотоцикл бошқариб келаётган фриц кескин тормоз берди. Иккаласи ҳам қўл кўтариб, амрим билан мотоциклдан тушди. Уларни ўрмон ичкарисига ҳайдаб кирдим. Қарасам, мотоциклчи кўзимни шамғалат қилиб, тўппончасига қўл узатмоқчи. Бир ўқ билан уни тинчитиб, чўнтакларидан ҳужжатларини олаётганимда қулоғим тагида нимадир «қарс» этиб кетди. Тўппончам кўлимдан отилиб кетса бўладими? Назаримда, кўзларимдан учқун чиқиб кетгандай бўлди. Зарба қўққисдан туширилганидан, эсанкираб қолган бўлсам керак. Фриц елкамга миниб олди. Ички бир нидо мени қаршилик кўрсатишга ундарди. Аммо давангирдай фашист бўйнимдан бўғиб тургани учун нафас олишим қийинлашиб бормоқда эди. Тиззаларимга тиралиб, бутун кучим билан бир силтандим-да, бўйнимни бўшатиб олдим. Чалқанча ётиб олиб, фашист билан бўғиша кетдим. Фриц ўн одимча нарида ётган тўппончамни олиш учун мени ҳайдаб ўша ёққа судрамоқчи бўларди. Бу мен учун айни муддао эди. Пайт пойлаб, этигим қўнжидан пичоқни суғуриб олдим-да, душманнинг кекирдагига тирадим. Фриц мени қўйиб юборди-да, шоша-пиша қўлини кўтарди.

Бу орада шом тушиб қолди. Фақат узоқдаги отишмалар, ёниб-ёритувчи ўқларнинг оловли излари, ракеталарнинг ёлқини тунги жимликни бузиб турарди. Фрицни олдимга солиб, штабга ҳайдаб бордим. Душман офицеридан қимматли маълумотлар олинди. Беседино остоналарида шу тариқа фашистларнинг шум қадами қирқилди. Қўмондонлик мени Учинчи даражали Шуҳрат орденига тақдим этди.

Биз энг оғир, қалтис, ўта хавфли жойларда жанг қилардик. Вазифани аниқлаб, разведкага кетиш олдидан партия аъзолигига қабул қилишларини сўраб шундай мазмунда ариза ёзган эдим: «Она-Ватан, эркимиз учун бораётган оғир жангларда коммунист бўлиб қатнашишни ўзим учун шараф деб биламан. Мабодо, жангда ҳалок бўлсам, коммунист деб ҳисоблашларингизни сўрайман». Орадан кўп ўтмасдан, жангга киришдан олдин Коммунистик партия сафига қабул қилиндим. Иккинчи даражали Шуҳрат орденига эса 1944 йилнинг март ойида сазовор бўлганман. Биринчи Белоруссия фронтининг 11-армия, 84-дивизияси жангчилари сафида кўрсатган жасоратим Ватаннинг ана шундай юксак мукофоти билан тақдирланди. Одернинг ғарбий қирғоғидаги плацдарм эгалланган, фикру хаёлимиз Берлинда бўлиб қолди.

...Мана, ниҳоят, урушнинг сўнгги куни ҳам етиб келди. Берлин. Рейхстагга ҳужум бошланди. Рус йигити М. А. Егоров ва грузин йигити М. В. Кантария 1945 йилнинг 1 Май куни Рейхстагга Ғалаба байроғини ўрнатдилар. Қалбларни ҳаяжонга солувчи «Ура!» садолари янгради.

Нормурод ҳилпираб турган ол байроғимизни кўриб, шунча йил давом этган қирғинбарот урушнинг тугаганига ишонгиси келмасди. Ахир, қанчадан-қанча тоғлар, далалар, ўрмонлар, дарёлар, кечувлар, шаҳарлар, бекатлар, қишлоқлар, станциялар орқада қолди! Унинг учун 1945 йилнинг 9 Май тонги энг бахтли он эди. Бу тонг фақат унинггина эмас, балки бутун тинчликсевар инсониятнинг ҳам энг бахтли тонгидир. Мамлакатимиз халқларининг улуғ Ленин асос солган дўстлиги буюк ва енгилмас кучга эга эканлиги уруш оловларида катта синовдан ўтди.

* * *

...Дўстмурод фашистлар билан илк бор 1941 йилнинг қишида Москва остоналарида юзма-юз жанг қилди. Гитлерчиларнинг «енгилмас» деб ном олган армияси биринчи марта шу ерда — Ватанимиз пойтахти остоналарида мағлубиятга учради.

Станокли пулемёт бўлинма командири, гвардиячи сержант Дўстмурод Суяров Курск-Орёл жангларида, Ростов-Дон, Смоленск, Латвия, Литвани озод қилишда иштирок этди. Бу орада саккиз марта яраланиб, икки марта контузия олди.

1943 йилда шонли Ленин партияси сафига қабул қилинди.

Собиқ «Халқобод» — ҳозирги «Муродобод» колхозидан урушга кетган 368 киши жанггоҳлардан қайтмади. Шулардан 38 киши бевосита жанглар олдидан Коммунистик партия сафларига ўтган.

— 1944 йилнинг баҳори эди, — дейди Дўстмурод ака. — Ҳали халқобладги юпқа муз оёқлар остида «қирс-қирс» синади. Бари бир баҳор баҳор-да, табиат эрта-индин қиш уйқусидан кўз уқалаб туриши тайин. Буни ҳатто палахса-палахса қорамтир булутлар билан қопланган осмонга қараб ҳам билса бўларди...Белоруссиянинг Орша шаҳрини озод қилиш учун фашистларга қарши олиб борилган жанг хотирамдан ўчмайди. Чекинаётган ғаним жон-жаҳди билан қаршилик кўрсатарди. Ўша куни биз душманнинг беш марта қилган ҳужумини қайтардик. Ҳали нафасимизни ростлаб олмасимиздан, фашистлар мўр-малахдай устимизга бостириб келар, душман авиацияси ва артиллерияси позицияларимизни тинимсиз ўққа тутар эди. Бироқ вазифа бизни ғарбга томон тўхтовсиз интилишга ундарди. Шафқатсиз жангда оғир яраланиб, ҳушимни йўқотдим. Кўзимни очсам, вақт пешиндан оғаётган эди. Мудҳиш сукунат. Жанг майдони мурдалар билан тўлиб кетган. Атроф-жавонибга диққат билан назар ташладим. Шу яқин ўртада немисча сўзлар қулоғимга чалинди. Бир пайт елкасига «парабеллум» осиб олган икки фриц мен ётган ерга томон кела бошлади. Нима қилиш керак? Тавакқал, деб кўзларимни чирт юмиб ётавердим. Бир пайт улар нақ тепамда тўхташса бўладими? Баданим жимирлаб кетди. Нафас олмасдим. Қимирлаш мумкин эмас — йўққа ўлишим аниқ... Бир маҳал «Ура!» садолари кўтарилди. Ҳамма ёқни отишма товуши босиб кетди.

Бундай қарасам, немис пулемётчиси менга орқа ўгириб олиб, жангчиларимиз устига ўқ ёғдирмоқда. Қаҳр-ғазаб ичида душманнинг бошига автомат қўндоғи билан туширдим. Бир пайт иккинчи номерли фриц пулемётчиси мени кўрдию ақлдан озгандай, ҳадеб: «Русс!.. Русс!..», деганча қоча бошлади. Ёв устига чунонам ўқ ёғдирдимки, фашистлар бошига қиёмат кун тушди. Албатта, ғаним орқадан бундай зарбани кутмаган эди. Уларнинг сафида парокандалик бошланди. Бизникилар вужудга келган қулай вазиятдан фойдаланиб, душман ҳужумини бартараф этишди. Мен эса кўп қон йўқотганимдан, госпиталда кўз очдим. Ўша жангдан кейин СССР Олий Совети Президиуми Фармони билан менга Учинчи даражали Шуҳрат ордени берилди.

1944 йил апрель охирида мен хизмат қилаётган Қизил Байроқ орденли ва Суворов орденли гвардиячи 243-Карачаевск полки Неман дарёсидан кечиб ўтди. Ғарбий соҳилда душман позициясини биринчилар қаторида эгаллаганим учун Иккинчи даражали Шуҳрат орденига тақдим этилдим. Ғалабани Кёнигсбергда кутиб олдим.

Жанговар топшириқдан қайтиб, қаттиқ ухлаб қолибман. Бирдан бошланган кучли отишмадан сапчиб уйгондим ва шу заҳоти автоматимни қўлимга олганимча, ташқарига отилиб чиқдим. Ҳамма солдатлар ҳам, офицерлар ҳам бақиришиб, чақиришиб, милтиқ, тўппонча ва автоматлардан осмонга ўқ отарди. Ҳамманинг тилида биргина сўз — узоқ орзиқиб кутилган эзгу сўз янграр эди: «Ғалаба!»

* * *

Ака-ука Суяровлар урушдан омон-эсон қайтиб, ўзларининг тинч яратувчилик меҳнатларини давом эттирдилар: Нормурод ака қадрдон колхозда пахтачилик бригадасига кўп йиллар бошчилик қилди. Дўстмурод ака эса шу хўжаликда агроном бўлиб ишлади. Пири бадавлат ака-укалар ҳозир бахтли кексалик гаштини сураётирлар.

Шерали СОКИН

Самарқанд — Тошкент

МАРДЛИК-МАНГУЛИК

Улуғ Ватан уруши ва меҳнат ветеранлари, Шуҳрат ордени нишондорлари — Иштихон районидаги «Муродобод» колхозида истиқомат қилувчи Нормурод ва Дўстмурод Суяровлар.

А. Жумаев фотоси




Пахтазор.

Н. Муҳаммаджонов фотоси



Супага шу йўллардан чиқиб борилади.



Обикўл.

ЗОМИНДАГИ ХАЛҚ БОҒИДА

М. Штейн фотолари




Ғўралаш довонида.

Супа манзараси.






Қор тушди.



Олтин куз.



Ўриклисой.

Чортанги кўринишлари.







Гўзаллик ижодкори

Халқ амалий санъати

Шундай кишиларимиз борки, уларсиз ўзбек халқ амалий санъатини тасаввур этиб бўлмайди. Ана шундай ижодкорлардан бири ажойиб рассом, моҳир мураббий ва истеъдодли олим Муҳиддин Раҳимов эди.

Кулолликни бобоси Уста Соли ва амакиси Уста Маматдан ўрганган ёш Муҳиддин 1922 йили Туркистон республикаси Халқ хўжалиги кенгаши қошидаги бадиий-ҳунармандлик мактабининг керамика бўлимини битириб, Москвадаги биринчи қишлоқ хўжалик ва саноат кўргазмасида ишлади. Сўнг 1927 йилда Ленинград Керамика институтини тугатиб, Тошкентга қайтди. Унинг ташаббуси билан жойларда кулоллик артеллари очилди, бу борада шогирдлар тайёрлаш йўлга қўйилди.

Бора-бора Муҳиддин Раҳимов ижодига мансуб ишлар Тошкент, Москва, Ленинград кўргазмаларида намойиш қилинди. Шунингдек, кулолнинг энг яхши асарлари Парижда ўтказилган СССР бадиий ҳунармандчилиги бўлими экспозициясидан ўрин олди.

М. Раҳимовнинг ижодий биографиясида яна бир қизиқарли саҳифа бор. У Ўрта Осиё меъморлик санъатида кенг қўлланилган рангли кошинларни қайта тиклаш ва меъморлик ёдгорликларини таъмирлаш ҳамда улардан фойдаланиш соҳасида тадқиқот ишларини олиб борди. Мазкур тадқиқотга астойдил берилган М. Раҳимов Самарқанддаги машҳур «Тиллакорий» ва «Шердор» мадрасаларини қайта тиклаш ишларида фаол иштирок этди. Унинг керамика материаллари ва бўёқларининг сирларини, республикамиздаги мавжуд кулоллик услубларини ўрганишдаги самарали тадқиқоти «Ўзбекистоннинг бадиий керамикаси» китобида мужассамланган. Ана шу асари учун Муҳиддин Раҳимовга 1961 йили санъатшунослик кандидати унвони берилди.

Ўзбекистон ССР халқ рассоми М. Раҳимовнинг ижодига мансуб ишлар бетакрор шаклга эга: улар ўзининг пишиқлиги, чиройлилиги, сирининг нафислиги, нақшларининг кўркамлиги билан эътиборни жалб қилади.

Машҳур кулолнинг қўлидан чиққан барча сопол буюмлари анъанавий бўлишидан ташқари, айни чоғда, оригинал ҳамдир: ижодкор ўрнини топиб, мувозанатни хиёл ўзгартиради, ташқи кўринишга бошқачароқ шакл беради, ўрни келганда идиш ҳажмини катталаштиради ёхуд кичрайтиради. Бир пайт қарабсизки, кўз ўнгингизда ғаройиб асар — «таниш нотаниш» буюм турибди-да!

Шундай. Санъаткорнинг ижодий диапазони фавқулодда кенгдир. Хўш, Раҳимов ижодини қайси рассомга ёки керамика устасига ўхшатиш мумкин? Фақат Раҳимовнинг ўзига!

Халқ усталари ўзларининг ўтмишдошлари сингари анъанавий сарғиш, қайишқоқ гил тупроқдан фойдаланадилар. Сопол ишлаб чиқариш усуллари ҳам қадимгича: мураккаб шакллар қўлда ясалади. Кўп ҳолларда эса кулолчилик чархидан фойдаланилади.

Махсус технология асосида тайёрланадиган бўёқ-сир — тайёр сопол маҳсулотларини сирлашда ишлатилади. Бўёқ учун мис оксиди ва марганец оксидидан фойдаланилади. Бўёқ қуйидаги тартибда тайёрланади: шўрхок ерларда ўсадиган қирқбўғиннинг қуруқ шохчалари териб олинади. Ажойиб хоссага эга бўлган ана шу шохчалар оқтош билан аралаштирилади-да, махсус печда эритилади. Натижада кулранг, ғовак-ғовак, ишқор бўтқа вужудга келади. Агар шохчалар қирқбўғин гуллаган чоғда терилган бўлса, ундан юқори сифатли ишқор олинади. Ишқор қотгач, палахса-палахса қилиб синдирилади. Ҳосил бўлган порошок сувда аралаштирилади ва шу йўл билан шаффоф, тиниқ сир олинади.

М. Раҳимов кулолчиликда оддий, аммо ғайритабиий оҳанг кашф этди. Бунда кўп қаватли горизонтал бўйича жойлашган тахта композицияларнинг асосий элементини ташкил қилади. М. Раҳимов билан ҳамкорликда ишловчи кўпгина кулоллар буюмга нақш беришда ана шу элементдан фойдаланишади. Аммо тахта фақат Раҳимовнинг қўлидагина эркин ва енгил ҳаракат қилади, шакл билан чамбарчас боғланиб кетади. Раҳимов буюмга сидирғасига нақш берганда, сопол ўзининг мовий жилоси билан кўзларни қувонтиради.

Муҳиддин ака ўз ишида ҳали ҳал қилинмаган муаммолар талай эканини, баъзан эса муваффақиятсизликлар юз бериб туришини ҳам тан оларди. «Яхши, ҳаммага манзур бўладиган буюм яратиш тасаввур қилиб бўлмайдиган даражада қийин ишдир, — дерди у. — Ҳолбуки, кулолчилик санъатидан узоқ бўлган одам кулолнинг қўлидан чиққан ҳар бир лаган, ҳар бир буюм кўргазмада намойиш қилиниверади, деб ўйлаши мумкин. Йўқ, муваффақиятли яратилган ҳар бир буюм бир кафт қум ичидаги олтин зарраси каби нарсадир».

М. Раҳимовнинг нақшлари тематикаси ўзбек халқ керамикаси анъаналарига ҳамоҳанг бўлиб, унда ислимий ва паргор нақшлари етакчи аҳамият касб этади. Миллий керамикамизга хос ана шу хусусиятларни ўз ижодида мужассамлаштирган санъаткор реалистик тасвирдан дадил фойдаланди. Бу нарса Афросиёбнинг сир билан қопланган керамикасига ҳамоҳанг тарзда яратилган буюмларда ҳам, маданиятимиз ва санъатимиз арбоблари портретларида ҳам, пахта тасвирида ҳам яққол кўзга ташланади. Ижодкор ана шу асарларида чизиқлар ва нақшларнинг органик равишда бир-бири билан уйғунлашиб кетишига муваффақ бўлган.

Маълумки, Муҳиддин Раҳимов кўп йиллардан бери Ўзбекистон халқ усталарининг турли-туман мактаблари ва санъат марказлари билан ҳамкорлик қилиб келди. Шу боисдан бўлса керак, у ўз ижодида ана шу бой қатламни акс эттиришни мақсад қилиб қўйган эди. Бу эзгу ният амалга ошганлигини Муҳиддин аканинг шахсий кўргазмасида кўриш мумкин бўлди.

Устанинг шахсий кўргазмасида бор-йўғи юзга яқин асарлар намойиш этилди. Бу унинг ўз ижодига ниҳоятда қаттиққўллик билан ёндашганлиги белгисидир. Кўргазмаларнинг ўзига хос ёзилмаган қонуни бор — ижодингдаги ҳамма нарсани ҳам кўрсата олмайсан. Шу боис, Муҳиддин ака жуда кўп буюмларни бир четга суриб қўйганлигини тушуниш қийин эмас. Бироқ шунга қарамасдан, кўргазмага қўйилган сопол, ганч, аралашган лой-фаянс, куйдирилган қизғиш, жигарранг гил — терракота устанинг ижоди нечоғли теран ва кўп қиррали эканлигидан гувоҳлик бериб туради.

М. Раҳимовни жуда кўплар яқиндан таниди. Кимдир у билан сафарларда учрашган (Муҳиддин ака Ўзбекистон бўйлаб тез-тез саёҳатга чиқиб турарди), кимдир музей ва кўргазмаларда танишган.

Мен Муҳиддин акани уч марта, ҳар гал ўз асарларини кўргазмада намойиш қилган пайтда кўрганман. У одамлар билан, санъат мухлислари билан тез тил топишиб кетарди, клуб, завод, ўқув юртларига ташриф буюриш ҳақидаги таклифларни бажонидил қабул қиларди. Уста бундай кезларда ҳар бир буюмни шошилмасдан намойиш қиларди. Бундай мулоқатларнинг имкониятлари улкан бўлиб, томошабин кўз ўнгида санъаткорнинг қалб қўри билан йўғрилган буюмларнинг рангин олами намоён бўла боради. Зукко, ҳозиржавоб кулол эса ёнгинангизда, унга истаганингизча савол беришингиз, у билан баҳслашишингиз, биргаликда кулишингиз мумкин эди. У сизни ҳатто сир-асрорига ошна ҳам қила оларди.

Кўргазмадан кўргазмага устанинг номи, шуҳрати ошиб борди. Муҳиддин ака билан бўлган суҳбатларимиздан бирида мен унга мурожаат қилиб, сафарлар давомида қўлга киритилган эсдаликлар ва ёдгорликларни кўрсатишини илтимос қилдим. Уста жилмайди-да, афишалар, каталоглар, газеталардан қирқиб олинган мақолалар боғламларини столга қўйди. Улар билан бафуржа танишиб чиқиш учун камида бир неча кун керак бўлишини ҳис этдим.

Муҳиддин аканинг ҳамма унвонлари ва мукофотларини бу ерда санаб чиқиш ҳам қийин. Шулардан айримларини айниқса тилга олмай ўтолмаймиз: у Ўзбекистон ССР халқ рассоми, Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофотининг лауреати эди.

М. Раҳимов — жуда кўп марта муваффақиятлар натижасини татиган бахтли санъаткорларимиздан бири эди. У — ўнлаб шогирдларнинг меҳрибон устози эди.

Саволларимиздан бири шундай бўлди:

— Умрингизнинг саксон баҳорини қаршиладингиз. Бу ёшда тез-тез сафарларга чиқиш, меҳнат қилиш, ёшларга касбингиз сирларини ўргатиш оғирлик қилмайдими?

Устоз санъаткор пича ўйланиб турди-да, шундай жавоб берди:

— Албатта, бундай ёшда фаол ҳаёт кечиришнинг ўзи бўлмайди. Аммо санъаткор юра олар экан, унинг кўзлари кўрар экан, қилқалам ёхуд лойни қўлида тута олар экан, у сафда қолаверади. Албатта, ҳозир ўттиз-қирқ ёшимдагидек серҳаракатман, дея олмайман. Аммо ёшинг ўта борган сайин, киши ниманидир йўқотиш эвазига ниманидир топар ҳам экан. Илгари у ёхуд бу ишни қўл ёки оёғинг билан бажарсанг, энди кўпроқ ақлингга таяниб иш кўраркансан киши. Мен ўзимга хос бўлган нарсаларни аниқроқ ва ишончлироқ топадиган бўлиб қолдим.

Бирин-кетин янги шаклларни кўрасиз. Унинг қўлидан чиққан ҳар бир буюм бошқа буюмлар фонида ўзгача нафосату жозибаси билан кўзга ташланади. Агар сиз уларнинг ҳаммасини бир жойга тўпласангиз-чи? У ҳолда мазкур буюмлар миллий меъморчилик билан узвий боғланиб кетадиган турли ҳиссиётлар мужассами бўлиб, қалб туйғуларингизни эркалайди. Булар: паканагина, аммо пишиқ-пухта ишланган, бир қарашда қўриқчилар минорасини эслатувчи кўзачалар, меъморлик обидаларини эслатиб турувчи, қубба шаклида ишланган бежирим кўралар, гумбазни эсга солувчи пиёлалар... Агар сиз буларнинг ҳаммасини бир текис жойлаштириб юқоридан қарасангиз, Ўрта Осиёнинг мўъжазгина шаҳарини кўрасиз. Бу буюмлар инсон қўли билан эмас, табиат томонидан яратилгандек таассурот қолдиради.

Бу мақола ва журналнинг ушбу сони муқоваси 4-бетидаги рангли суратлар тайёрланганда, Ўзбекистон ССР халқ рассоми Муҳиддин Раҳимов тўлиб-тошиб ижод қилмоқда эди. Афсуски, бешафқат ўлим уни орамиздан юлиб олиб кетди. Аммо жисман орамиздан кетган бўлса ҳам, Муҳиддин Раҳимов руҳан ўлмайди, у шогирдлари ишлари, дўстлари ёдида яшайди.

Райхат СОДИҚОВ

Олтмиш йил сарҳисоби

ГУЛИСТОН 60 ёшда

Ҳаётда шундай дақиқалар бўладики, киши эл-юрти, ёр-дўстларига қалбини очгиси, қилган ишлари ҳақида ҳисоб бергиси, мўлжалидаги режалари ҳақида маслаҳатлашгиси келади. Сиз билан бизнинг олтмиш йиллик қадрдонимиз, аввал «Ер юзи», сўнг «Машъала», 1935 йилдан бошлаб «Гулистон» номи билан чиққан мазкур журналимиз ҳам мана шундай дақиқаларни бошидан кечирмоқда.

«Гулистон» журналининг биринчи сони 1925 йил 7 ноябрь куни ўз ўқувчиларига етиб борган эди. Бу ғоят рамзийдек кўринувчи воқеа мазмунини чуқур ҳаётий қонуният ташкил этади. Зеро, бутун совет матбуоти каби «Гулистон» ҳам Улуғ Октябрь революцияси фарзандидир.

«Гулистон» дастлаб «Совет Ўзбекистони» (илгариги «Қизил Ўзбекистон») газетасининг нашри бўлиб чиқди. Отахон газетамиз анъаналари руҳида шаклланди ва ривожланди. Ҳаётнинг олдинги марраларида бўлиш, коммунистик идеалларни ҳаётда қарор топтириш йўлида кураш, ленинчи матбуотнинг партиявийлик, халқчиллик принципларини мустаҳкамлаш ҳамиша «Гулистон»нинг ижодий қиёфасини белгиловчи хусусият бўлиб келмоқда.

«Гулистон» марксизм-ленинизм ғояларини, КПСС съездлари ва партиямиз Марказий Комитети Пленумлари, Ўзбекистон Компартияси съездлари ва ЎзКП Марказий Комитети Пленумлари қарорларини амалга ошириш жараёнига ўзининг қизғин ижодий ҳиссасини қўшиб келмоқда. Бу журнал саҳифаларида улуғ доҳиймиз В. И. Ленин асарлари, унинг ҳаёти, сиёсий фаолияти хусусида ҳикоя қилувчи шеърий ва насрий асарлар, тасвирий санъат намуналари, очерклар, мақолалар босилди, босилмоқда. Коммунистик партия ва Совет давлатининг М. И. Калинин, К. Е. Ворошилов, М. В. Фрунзе, Ф. Э. Дзержинский, В. В. Куйбишев, А. Икромов, И. Охунбобоев, Ф. Хўжаев, Усмон Юсупов сингари намояндаларининг нутқлари, мақолалари эълон қилинган.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Улуғ Октябрь шарофати билан гуллаб яшнади, ҳар томонлама камол топган ўлкага айланди. Эндиликда Ўзбекистон қудратли индустрия, кўп тармоқли механизмлаштирилган қишлоқ хўжалиги, илғор фан, техника ва маданият ўлкаси, Шарқ машъали сифатида шуҳрат қозонди. Серқуёш диёримиз меҳнаткашлари янги дунёни қуриш жараёнида барча қардош халқлар, энг аввало улуғ рус халқи, унинг ишчилар синфи беғараз ёрдамига суянадилар. Совет воқелигида кенг дунёқарашга, юксак мурод-мақсадларга, совет ватанпарварлиги ва социалистик интернационализм, коллективчилик, ўртоқлик ва қардошлик каби ҳаётбахш фазилатларга эга бўлган янгича инсон камолга етди. Шуни мамнуният билан айтиш мумкинки, «Гулистон» журнали саҳифаларида эълон қилинган очерклар, мақолаларда, барча турдаги бадиий асарларда, рангли ва оқ-қора фотосуратларда мамлакатимиз, республикамиз ҳаётида содир бўлган бундай сифат ўзгаришлари ўзига хос ифодасини топган.

Дарҳақиқат, журналнинг шу пайтгача чиққан сонларини варақласангиз, унинг саҳифаларида мамлакатимизни индустрлаштириш, коллективлаштириш, маданий инқилоб, Турксиб, стахановчилик ҳаракати, Катта Фарғона канали қурилишлари, Андижон денгизининг қазилиши, Мирзачўл эпопеяси, Жиззах, Сурхон-Шеробод, Қарши чўлларининг ўзлаштирилиши, Тошкент трактор заводи, Тўқмачилик комбинати, Тошкент метроси қурилишларигача аниқ инсоний тақдирлар мисолида ўз аксини топганлигини кўрасиз.

«Гулистон» ўзи бошлаган иш, ташаббуснинг ривожини, ўзи майдонга олиб чиққан қаҳрамоннинг фаолиятини кузатиб борди, унинг йўлига тўғаноқ тушиб қолганда, жамоатчилик фикрини уйғотди, ёрдам қўлини чўзди. 1935 йили Ризамат Мусамуҳамедов деган соҳибкор ҳақида очерк босилган эди. Бу киши кейинча боғбон бўлиб донг таратди, Ризамат ота Мусамуҳамедов деса, бутун республика танийдиган бўлди. «Гулистон» ҳамиша ўзининг бундай қаҳрамонлари ишларидан бохабар бўлиб келди.

Журнал ўз фаолияти давомида социалистик турмуш тарзига ёт иллатлар — бюрократизм, хўжасизлик, кўзбўямачилик каби негатив ҳодисаларга қарши қатъий кураширб келди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қарорларини амалга ошира бориб, журнал ўз саҳифаларида коммунистик қурилиш соҳасидаги муваффақиятларни тўла-тўкис қўллаб-қувватлаган ҳолда, мавжуд негатив ҳодисаларга қарши мафкуравий курашни тобора кучайтиришга бурчлидир.

Совет халқи улуғ воқеа арафасида турибди. Мамлакатимиз меҳнаткашлари КПСС XXVII съездини муносиб кутиб олиш учун фидокорона меҳнат қилмоқдалар, «Гулистон» журнали коллективи ҳам КПСС XXVII съезди, Ўзбекистон Компартияси XXI съездини шараф билан кутиб олиш мақсадида ўзининг бор ижодий кучини сарфлайди.

Эзгу иш, яхши ном ҳеч қачон унутилмайди. «Гулистон» журналининг Воҳид Зоҳидов, Иброҳим Раҳим, Асқад Мухтор каби муҳаррирлари, ўзбек адабиёти ва журналистикасининг бир неча авлодига мансуб кўп сонли авторлари ижодий меҳнати ғоят салмоқлидир.

«Гулистон»нинг мавзу доираси ғоят даражада кенг. У халқ хўжалигининг ҳамма соҳаларини, маданий-маънавий ҳаётнинг барча кўринишларини, халқаро майдонда кечаётган муҳим воқеа-ҳодисаларни тасвирлай билади. Шунинг учун ҳам редакция ходимлари «Гулистон»нинг ҳаётий қамрови янада кучайиши йўлида ғайрат кўрсатмоқдалар.

Сизларни ишонтирамизки, севимли журналимиз ўзининг бундан кейинги фаолиятида ҳам совет халқи коммунистик қурилишнинг ҳамма соҳаларида эришаётган ғалабаларини муносиб тарзда ифодалайди, «Гулистон» ҳамиша меҳнаткашларнинг қадрдони, ҳамкори бўлиб қолишга эришади.

МИРМУҲСИН,
«Гулистон» журналининг бош редактори

Комил ЯШИН,
Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, академик.

Ерга экилган кичкинагина чигитдан улуғвор хирмонлар ҳосил бўлади. Бизнинг газета ва журналларимиз ҳам қалбларимиздаги қўриққа ана шундай эзгулик уруғларини экиб келади. «Гулистон» журналимиз республикамизда чиқариладиган ана шу барча газета ва журналларнинг сафдошидир.

Журнални варақлаганда ҳар гал қалбингни ифтихор туйғулари эгаллайди. Журнал — республикамизнинг бамисоли уриб турган юраги, унинг жонли харитаси. Унинг саҳифаларида республикамиз меҳнаткашлари эришаётган ғалабаларнинг моҳиятини, фидокорона меҳнат жараёни ва истиқболининг батафсил ифодасини кўрамиз. Донгдор меҳнат қаҳрамонлари, чет эллик ҳамда қардош мамлакатлардаги соф ниятли дўстларимиз, касбдошларимиз билан сиртдан учрашамиз. Журнал бизга янги-янги фидойи қаҳрамонларни топиб беради. Уларнинг таржимаи ҳоли, ҳаёт тарзини қўшиқ қилиб куйлайди. Натижада у фидойи кишилар адабиётимизнинг, қалам аҳлининг севимли қаҳрамонларига айланадилар. Журналнинг тўйи партиямиз белгилаган XI беш йиллик план-мажбуриятлари якунланаётган, КПСС XXVII съезди якинлашаётган долзарб бир пайтда, Улуғ Октябрь байрами кунларида ўтаётгани ҳам унинг ҳаётимизга нақадар сингиб кетганининг, ҳаётимиз билан ҳамнафас эканлигининг ифодасидир.

Журнал ижодий коллективини янги вазифалар кутаяпти. Фантехника тараққиёти, ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришлар ижодкорлар олдига янги-янги талаблар қўймоқда. Журналнинг уюшган ижодий коллективи ана шу талаблардан келиб чиқиб, бундан кейин ҳам журналхонларнинг дилидаги гапларни «Гулистон» саҳифаларида ёритишларига ишонса бўлади.

Ўлмас УМАРБЕКОВ,
Ўзбекистон ССР Ёзувчилар Союзи правлениесининг биринчи секретари

«Гулистон» журналининг фаолияти ҳақида сўз юритар эканман, хаёлимдан машҳур рус шоираси Марина Цветаеванинг қуйидаги сўзлари ўтди: «Биз ҳаммамиз ўтамиз. Яна 50 йилдан кейин бизлар ернинг остида бўламиз. Бу мангу осмон остида янги юлдузлар дунёга келади. Менинг барча тирикларга бор овозим билан қичқиргим келади: «Езинг! Кўп-кўп ёзинг! Ҳар ажиб дамни, ҳар бир ҳаракат, ҳар бир нафасни қоғозга мангуликка муҳрланг! Ташқи ҳодисаларга бефарқ бўлманг. Аниқ, конкрет ёзинг! Муҳим бўлмаган ҳеч нарса йўқ!»

Дарҳақиқат, журнал тўпламларини варақлар эканмиз, саҳифалардан биздан неча ўн йиллар узоқда бўлган эзгу ниятли, истеъдодли кишиларнинг нигоҳларини, нурли чеҳраларини кўргандай, қалб сўзларини эшитгандай бўламиз. Муҳим тарихий воқеалар, турфа тақдирлар кино лентасидай кўз олдимизда намоён бўлаборади.

Менинг назаримда, «Гулистон» журналисиз ҳозирги ўзбек совет маданиятини тасаввур қилиб бўлмайди. Республикамизнинг ижтимоий ва сиёсий, иқтисодий ва маданий муаммоларини ҳар томонлама худди «зангори экран» сингари ўқувчи кўз олдида пайдо қиладиган шундай журналнинг борлиги бизни ниҳоятда қувонтиради. Мен бу фикрни фақатгина журналхон сифатида эмас, бир қаламкаш сифатида ҳам назарда тутиб айтаяпман. Чунки журналда қаламкашлар ҳам ўрганса бўладиган, ўрганиши лозим бўлган қизиқарли материаллар ҳам мунтазам равишда бериб келинаяпти.

«Гулистон»нинг яна бир ижобий томони унинг адабиёт ва санъатга бўлган катта қизиқиши ва адабий жараён билан журналхонларни актив таништириб боришидир. Демак, «Гулистон» орқали жуда кўп адабиёт мухлислари адабий воқеалардан ташқари, бадиий асарларнинг ўзлари билан ҳам танишаётирлар. Агар «Гулистон» журналида адабий ҳаётимизда воқеа бўлган биронта асар ёки ундан бирор боб берилмай қолди, десак тўғри бўлмайди. «Гулистон» ҳар доим ёзувчилар, санъаткорлар билан мустаҳкам алоқада бўлиб келаяпти. Мен шу алоқаларнинг доирасини янада кенгайтириш тарафдориман. Яъни, ёзувчилар иштирокида ижтимоий ҳаётимизнинг муҳим масалалари бўйича (янги ерларни ўзлаштиришдаги янги муҳим масалалар, сув муаммоси, болалар тарбияси, қишлоқ архитектураси ва ҳоказо) кўчма редакция йиғилишларини журналхонлар орасида районларда ўтказилса, фақат редакция ходимларининг эмас, ёзувчиларнинг ҳам ҳаёт билан яқинлашиши кучайган, адабиётимизга, ажаб эмаски, янги темалар, янги асарлар кириб келган бўлур эди.

«Гулистон» журнали — ҳозирги анчагина эътибор қозонган, халқимизнинг дилидан жой олган журналлардан бири. Журнал республикадан ташқарида ҳам машҳур. У мамлакатимиздаги кўпгина республикаларда ҳам ўқилади. КПСС Марказий Комитетининг қарорлари, ЎзКомпартиянинг XVI пленуми қарорлари асосида иш олиб бораётган «Гулистон» журналининг тематик доираси бирмунча кенгайди. Мен журналнинг келгуси муборак ишларига муваффақият тилайман!

Асқад МУХТОР,
Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси

Бошқа номлар билан чиққан йиллари ҳам, «Гулистон» бўлгандан буён ҳам, мен ҳамма вақт бу севимли журналнинг фаол муштарийсиман. Мендайлар юз минглаб бўлса керак. Биз уни нима учун яхши кўрамиз?

Бизда тил, адабиёт, қишлоқ хўжалиги, педагогика, ишлаб чиқариш, археология, санъат, геология, фалсафа, география, спорт, тарих каби жуда кўп соҳалар бўйича махсус журналлар чиқади. «Гулистон»нинг эса мавзу доираси чегараланмаган. У ўша журналларнинг ҳаммасининг ўрнини қисман босиши мумкин, фақат оммабоп услуби билан баридан ажралиб туради. Тарихчи ёки археолог ундан ўзини қизиқтирган маълумотларни, адабиёт ҳавасманди ўзига ёққан шеър ёки ҳикояни, деҳқон ва ишчи ўз ҳаётига ёки қишлоқ хўжалигига оид очерк ва лавҳаларни топиб ўқий олади. Тематик ранг-баранглик, нашрнинг иллюстратив воситалари журналнинг ўзига ҳам кўп имкониятлар яратади, ўқувчини ҳам жалб этади.

Ярим аср давомида журнал ўз қиёфасига эга бўлди, ўз анъаналарини яратди. Унинг энг ёрқин анъаналаридан бири — республика ҳаётининг, меҳнат жабҳаси ва ижод соҳаларининг энг долзарб нуқталаридаги қайноқ лавҳаларни, жасорат намуналарини ҳозиржавоблик билан ёритиб боришидир. Журнал саҳифаларида зарбдор қурилишларнинг илғорлари билан, республикамизнинг донгдор кишилари, янгиликлар, кашфиётлар билан танишамиз.

Мамлакатимиздаги шу хил журналларнинг отахони «Огонёк»нинг 50 йиллик юбилейига қатнашган эдим. «Огонёк»нинг бош муҳаррири, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, шоир ва драматург Анатолий Сафронов бизнинг журналимиз ҳақида гапириб, бундай деган эди: «Гулистон» — ҳозирги Ўзбекистоннинг жажжи нусхаси. Шунинг учун у гулларнигина эмас, гулнинг тиканларини ҳам акс эттириши керак». Биз журнал проблематик мазмун касб этиши зарурлигини ўзимиз ҳам ўйлаб юрар эдик. Анатолий Владимировичнинг шу гапидан кейин «Гулистон» саҳифаларида баъзи «тиканлар», яъни қўшиб ёзиш, терим нормаларини, мусобақа натижаларини сунъий равишда ошириб кўрсатиш, чорвачиликда СЖК қўллашни суиистеъмол этиш ва бошқа шунинг каби хато ва нуқсонлар тўғрисида проблематик материаллар, адабиёт, тарих соҳаларида баҳсли мақолалар пайдо бўлабошлади. Ҳаётга бундай актив аралашиш журналнинг яна бир яхши анъанасига айланди. Эндиликда уни янада чуқурлаштиришни ҳаётнинг ўзи тақозо қилмоқда. Танқидий руҳ, талабчанлик ва масъулият ҳисси журнал мундарижасининг асосий хусусиятига айланиши керак. Бу борада севимли журналимиз ўзидаги барча имкониятларни ишга солади, деб ўйлаймиз.

Едгор бахши ИСҲОҚОВ

«ГУЛИСТОН»

ЖУРНАЛНИНГ 60 ИЙЛЛИК ТЎЙИГА



Ҳар хонага нурдай бўлиб,
Кирар офтоб, ойдай кулиб.
Эл завқига завқлар қўшиб,
Шуъласидан кўнглим тўлиб.
Журнал «Гулистон»им менинг,
Сўлмас дилистоним менинг.

Гоҳ уйма-уй, гоҳ йўлма-йўл —
Уқиладур у қўлма-қўл.

Меҳнаткашлар оммасига
Бўлиб қолган бирам маъқул.
Журнал «Гулистон»им менинг,
Сўлмас дилистоним менинг.

Пахтазорим кўзгуси — бу,
Тинчлик қизин кулгиси — бу.
Зукко, чайир, бурро забон
«Огонёк»нинг укаси — бу.





Журнал «Гулистон»им менинг,
Маънавий бўстоним менинг.

Турар қалбим чўғлантириб,
Зафарларга руҳлантириб.
Едгор бахши ижодини
Халқим ичра юксалтириб.
Журнал «Гулистон»им менинг,
Дўстим — қадрдоним менинг!

Жамол КАМОЛ,
шоир, филология фанлари кандидати

«Гулистон» — республикамиз ҳаёти акс этган кумуш бир кўзгу, маънавий турмушимиз ҳам унда ўзига хос товланиб, жилоланиб туради. Қадрдон журнални қўлга олар эканмиз, давримизнинг муҳим масалаларига оид жанговар публицистика, хўжалик-иқтисод муаммоларига бағишланган долзарб мақолалар билан бир қаторда ихчам адабий асарлар, нафис манзумаларга ҳам дуч келиб, қувонамиз, илмий тақризларни ўқиб, фикрга чўламиз.

«Гулистон»га бир қаламкаш сифатида менинг ҳам миннатдорлигим бор. Кўплаб шеър ва ғазалларим, «Ўзбекистон» номли қасидам, «Қуёш чашмаси», «Эшикда ой тўлқини» достонларим илк бор ана шу журнал саҳифаларида ўқувчилар ҳукмига ҳавола этилган. Абу Али ибн Сино, Адиб Собир Термизий, Умар Хайём каби классик шоирларнинг рубийларидан қилган таржималарим дастлаб шу журналда босилди. Мен севимли журналимизда бадиий адабиётга ажратилаётган саҳифаларнинг янада кўпроқ бўлишини, унда чоп этилаётган асарларимизнинг янада тиниқроқ, ёрқинроқ бўлишини истардим. «Жаҳон адабиёти хазинасидан», «Классик шеъриятимиз гулшани», «Шеърият шайдоларига» деган рубрикалар остида туркум шеърлар, ихчам достон, ҳикоя ва қиссалар босиш анъанаси янада кучайтирилса, айни муддао бўлур эди.

Ўзбекистон матбуоти — бамисоли азамат бир чинор. «Гулистон» — ана шу чинорнинг кўркам ва бақувват бутоғи. Бу бутоғ ҳамиша яшил япроқларга бурканиб, кўзларни қувонтириб турсин, унинг япроқлари ҳаёт қўшиғини айтиб яшнайверсин!



Довон

Иброҳим РАҲИМ

РОМАНДАН ПАРЧА

СТАЛИНГРАД «қозон»ида қайнаётган немис кучларининг бош қўмондони Фридрих Паулюс Гумракдаги команда пунктида ўз кабинетини ичидан беркитиб олиб, асаби қайнаб, кенг ва қоронғи ертўласини гир айланарди. Ҳеч кимни кўргиси, ҳеч ким билан гаплашгиси йўқ эди. У фақат ўзи билан ўзи гаплашарди. «Асир... ёки охирги солдатгача...» Унинг оғзидан ана шу сўзлар тушмас эди. Фюрери: «Охирги солдатгача!», деб даъват этмоқда. «Сталинграддан жилмаслик — фантастик принципимиз бўлиши керак!», деди фюрер Паулюсга декабрь охирида. Ундан кейин Вермахт олий бош қўмондонлиги Ставкасидан ҳар куни, ҳатто ҳар соатда шу хил фармойишлар келиб турди. Паулюснинг назарида Ставка фармойишлари унинг қўл-оёғини боғлаб, тилини омбурда қисиб тургандай эди. Паулюс қуршовдаги қўшинлар бош қўмондони сифатида ўзига «ҳаракат эркинлиги» сўраб мурожаат қилди, унга рад жавоби келди. Кейинчалик вазиятнинг ўзи унинг оёғини кишанлаб қўйди. Кишандан қутулишнинг фақат битта йўли қолганди. Таслим...

Совет қўмондонлиги беҳуда қон тўкилишидан сақланиш мақсадида 1943 йилнинг 8 январь куни Паулюснинг қўшинларига таслим бўлиш ҳақида ультиматум берди.

Ультиматум тексти генерал Малинин томонидан қайта-қайта ёзилиб, халқаро қонун-қоидаларга мосланиб, совет қонунларига, совет гуманистик принципларига асосланиб тайёрланган эди. Уни Воронов, Рокоссовский таҳрир қилиб чиққач, Ҳарбий Совет аъзоси Телегин ҳам ўқиб кўрди-да, Ставканинг ижозати билан Паулюсга топширишга қарор қилдилар.

Икки моддадан иборат Ультиматум шартлари лўнда-лўнда бўлиб, Паулюс ва унинг штаби бошлиқ Германия қўшинлари дарҳол қаршиликни бас қилишлари ва шахсий составни совет қўмондонлиги ихтиёрига ташкилий равишда топширишларини талаб қиларди. Ультиматум гуманистик гарантиялар ҳам ваъда қиларди: барча рангдаги офицер ва солдатларга омонлик, урушдан кейин юртига, хоҳлаган жойига жўнаб кетиш ҳуқуқи, асир тушган заҳотидан бошлаб озиқ-овқат, кийим-кечак, медицина ёрдами берилиши айтилганди. Бундан ташқари, ҳарбий формалари, унвонлари ва орден-медаллари ҳам ўзларида сақланиши ваъда қилинганди.

«1943 йилнинг 9 январь куни соат 15.00 минутда жавоб кутамиз», деб имзоланган ва муҳрланган Ультиматумни Паулюсга совет парламентёрлари ўз қўллари билан топширишлари керак эди. Дон фронти штаби ходими майор Смислов билан таржимон капитан Дятленко парламентёр байроғини кўтариб борадиган, генерал-полковник Паулюснинг ўз қўлига совет қўмондонлиги ультиматумини тутқазадиган бўлди.

Парламентёрликнинг ўз халқаро қонун-қоидаси бор эди. Буни яхши билган генерал Малинин Смислов билан Дятленкони яхшилаб ўқитиб, тайёрлади, эҳтиёт юзасидан уларнинг қўлига немис тилида халқаро қонун-қоидалар кодексидан кўчирмалар бериб қўйди. Бундан ташқари, генерал Малинин бош парламентёр Малинин бош парламентёр Смисловга ҳозирги вазият чизилган ҳарбий топографик харита топшириб, қаерга қандай бориши ва кимга нима дейишини ҳам пухта уқтирди.

Генерал Малинин тузган планда парламентёрларимизнинг ҳар бир қадами, ҳатто ҳар бир айтадиган сўзи ҳисобга олинганди. Шу план бўйича у Ультиматумни топшириш арафасида немис қўмондонлиги штаби билан радио орқали алоқа боғлаб, уларга совет парламентёрлари бориши, қайси участкаю қайси вақтда кимлар қаердан ўтиши хабар қилинганди.

Бундан бошқа эҳтиёт чоралари ҳам аввалдан кўриб қўйилди. Парламентёрлар йўлга чиққан вақтда ва у ёқдан қайтиб келгунча, ҳар қандай отишмалар тўхтатилишига фармойиш берилди.

Майор Смислов билан капитан Дятленко хатарли йўлга чиқдилар. Улар, аввал, ўз хандақларимиз, ўт очар нуқталаримиз, пистирмаларимиз олдидан, ёнидан ўтишлари керак. Смислов билан Дятленко йўлга чиқиш олдидан совет аскарлари қазиган хандақнинг қор аралаш қумлоқ тупроғига — совет тупроғига тиз чўкиб, кейин бир оз ўтириб, бир-бировига синовчан қараб қўйдилар ва русларнинг сафар олдидан яхши ниятли одатини бажо қилгач, бирин-кетин хандақка тушдилар-да, олайлик — олдирмайлик омилида шаҳдам қадам ташладилар. Пастлаб учаётган Волгадан Донга қараб оқ сел бўлиб оқаётган қуюн брустверларда кирлаб кетган қортупроқни ғарбга — фашистлар кўзини тўлдирганими, душман окопи томонга ҳайдаб борарди.

Майор Смислов қаёққа ва нимага бораётганини яхши англарди. Е омад — ё маломат, ё ғалаба ё ҳалокат... Яна нима бўлиши мумкин? Смислов кимларнинг чангалига бораётганини ҳис қиларди. У, фашист лашкарбошиси — 1939 йили Польшага биринчи бостириб кирган минг-минглаб бегуноҳ ватанпарвар полякларни, энг аввало, коммунистларнинг қонини тўккан шафқатсиз генерал, кейинчалик, 1940 йили Францияда қаршилик кўрсатувчи эрксевар французларни беомон қирган — иккала қўли қон билан йўғрилган, кўзлари қонсираган жаллод сифатида совет ерига ажал бошлаб келган генерал-полковник Паулюс ҳузурига боряпти. «...Русларнинг парламентёрлари ўт очиб орқасига ҳайдаб юборилсин!», деган буйруққа қўл қўйган баттол фашист олдига боряпти. «Ушлансин, осилсин!», дейиши ҳеч гап эмас — фашист халқаро қонун-қоида билан ҳисоблашадими!.. Таваккал!.. Сенинг қонинг, таржимон ҳамроҳинг қони юз минглаб одамларнинг омон қолишига хизмат қилса — қутлуғ қон бўлади... Капитан Дятленко ҳам худди шундай бўлмаса-да, шу ҳақда ўйлар, ўзининг миссияси бирор манфаат етказса, фашист жаллодлар болтаси тагига ўз оёғи билан бориб, ўз бошини ўз ихтиёри билан чопқига қўйишдан қўрқмасди.

Уларнинг немис позициясига яқинлашиб бораётгани, ундан нари Паулюсга совет ультиматумини олиб кетаётганлари ҳақида фронт радиоси тинмай ахборот бериб турди. Совет қўшинлари фронт штаби радиосининг немисча сўзларини Германия олтинчи армиясининг штабида, айниқса, қамалдаги тўртинчи танклар армиясининг дивизияларида барала эшитиб турдилар. Уша томонда бу чақиришка лаббай деб пешвоз чиқмоқчилар ҳам йўқ эмасди, аммо генерал Паулюснинг: «Музокаралар ҳақидаги ҳамма уринишларни рад қилиш, таклифларни жавобсиз қолдириш...» ҳақидаги буйруғи уларнинг йўлини тўсиб қўйди.

Парламентёр юборган қўмондонлигимиз, Воронов ҳам, Рокоссовский ҳам немис қўмондонлигининг ультиматум шартларини тўла қабул қилмаса-да, парламентёрларимизни қабул этишга шубҳа қилмаганди. Чунки бу одампарварлик, гуманистик қадам халқаро қонун-қоидаларга тўла мос тушадиган иш бўлгани учун уни кўр-кўрона жоҳиллик билан рад этишлари ўзлари учунгина жабр бўларди. Ҳар қандай ақли расо генерал, юз минглаб одамларнинг тақдири учун жавобгар қўмондон буни ўйлаб кўриши ва донолик билан қарор қабул қилиши керак эди. Паулюс бундай қилмай, ўз вазиятини янада оғирлаштириб қўйди.

Майор Смислов билан капитан Дятленко немис штабидаги ғаламисликдан бехабар эдилар. Улар фашистларнинг совет ҳарбий делегациясини кучоқ очиб кутишини ўйламасдилар, аммо уларнинг ҳақли гуманистик иши ўзига эътиборни тортса керак, деб билардилар.

Нимагадир майор Смисловнинг юраги йўл-йўлакай ғаш бўлди ва фронт чизиғига етгунча ғашлиги кучая борди, аммо бу ҳақда Дятленкога ҳеч нарса демади. Дятленко йўлга чиққанидан бери: «Бу фашистлар халқаро қонун-қоидани ҳурмат қилармиди, инсонпарварликни тан олармиди... Беҳудага боряпмиз шекилли», деб ўйларди. Ниҳоят, улар парламентёрлар учрашуви юз бериши керак бўлган нуқтага етиб келдилар. Немис қўмондонлиги вакиллари пайдо бўлавермади, тайин қилинган муддат ҳам ўтиб кетди. Майор Смислов, капитан Дятленко ҳандақдан чиқиб, немисларнинг қора ўлим чимматига ўхшаб турган тиконли симлар тўсиғи олдига бордилар-да, парламентёрларнинг халқаро қоидаси бўйича сигнал бериб, байроқча ҳилпиратдилар. Бироқ уларни ҳеч қандай делегация кутмади ва уларнинг сигналига ҳеч ким жавоб қилмади. Бунинг эвазига душман жойлашган позициялардан уларга қарата якка-якка милтиқ ўқи отилди, ўқлар совет парламентёрлари — халқаро дахлсиз одамларнинг азиз бошлари устидан визиллаб ўтди. Кейин уларга қарата автоматлардан қисқа-қисқа ўқ ёмғири сочилди, сўнгра душман миномётлардан ўт оча кетди. «Ерга ётиб олинг, капитан!», деди Смислов, ўзи ҳам тиконли симлар тагига бош суқиб олди.

Бизнинг қўмондонлик парламентёрларнинг ҳар бир қадамидан огоҳ бўлиб турган эди. «Душман душманлигини қилди», деди генерал Малинин ва бу ишнинг оқибати ёмон бўлишини ўйлаб, парламентёрларнинг орқага қайтишлари ҳақида фармойиш берди.

Смислов кетидан Дятленко эмаклашиб, ер тирнаб, душман алангасига чап бериб, фашистлар чангалидан зўрға қутилиб, ҳар ишга ҳозиру нозир турган совет жангчилари паноҳида ўз хандақларимизга тушиб олди-

лар. Уларни учратган ҳар бир аскар ўлимдан қолгани учун қучоқлаб ўпди!

Воронов билан Рокоссовский шу заҳоти Ставкага телефон қилиб, бўлиб ўтган воқеадан хабардор қилдилар. Ставка бошқа йўналиш жойидан яна бир марта парламентёрлар юбориб кўриш ҳақида буйруқ берди.

Қайтадан юбориладиган парламентёрлар номзоди янгитдан танланаётган вақтда Смислов билан Дятленко: «Виз нима гуноҳ қилдик? Нега ўзимиз бормас экканмиз? Бошлаган ишимизни охирига етказишга рухсат берилсин!», деб қаттиқ туриб олдилар.

Рокоссовский ўзининг синалган офицерларини хафа қилгиси келмади, уларнинг «қатъий илтимоси қондирилсин», деб Малининга фармойиш берди. Шундай қилиб, такрор парламентёрликка яна Смислов билан Дятленко отланиб, бу сафар фронтнинг бошқа бир участкасига йўл оладиган бўлдилар. Бу участкада ҳам отишмалар тўхтатилди.

Тайинланган жойгача уларни тегишли алоқа офицерларимиз бошлаб бордилар. Йўл-йўлакай улар ҳеч ким билан гаплашмай, ҳар қандай саволларга ҳам жавоб қилмай, оғизларига талқон солиб олгандай бордилар. Уларга дуч келган аскар ва командирларимиз ҳам уларнинг фахрли ва шу билан бирга хатарли миссияларини яхши билар эдилар. Совет парламентёрлари тайин қилинган жойда, харитада белгилаб берилган участкада фашистларнинг тиконли сим тўсиқларига етиб бордилар. Смислов чапга, Дятленко ўнгга, сўнгра сим тўсиқлар орқасига разм ташлаб олдилар. Ҳар одимда минани босиб олиш хавфи ҳам йўқ эмасди. Ўтган сафар қилганларидай, уларни ўққа тутишлари ҳам эҳтимолдан нари эмасди. Улар ўққа тутсалар, парламентёрлар яшириниш жойларини ҳам тахминлаб қўйдилар-да, совет қўмондонлигининг парламентёри деган улуғ номга хос дадил ва мағрур тик туриб, немисларнинг вакилларини кутдилар.

Аввалдан келишиб қўйилган жойда, тайин қилинган соат ва дақиқада икки немис офицери пайдо бўлди ва совет парламентёрларини кутиб олди.

— Қўлингиздаги пакетни менга топширинг, — деди майор Смисловга немисларнинг катта офицери.

Парламентёрларимиз ўз ишларини яхши билар эдилар. Смислов унинг талабини рад этди. Капитан Дятленко Смисловнинг рад жавобини немисчага таржима қилгач, ўз номидан қўшиб қўйди: «Пакетни сизга олиб келганимиз йўқ». Майор Смислов ғолиб совет офицерига хос мамнун ва мағрур қад кериб, ғоз турди-да, бояги офицердан уларни Паулюс ҳузурига бошлаб боришни қаттиқ талаб қилди.

— Пакетни шахсан генерал-полковник Паулюсга ўз қўлим билан топширишим керак, вассалом!

Немис офицери қитмирлик қилмоқчи эди, совет офицери тарджимон орқали унга парламентёрликнинг халқаро қонун-қоидаларда белгиланган ҳуқуқлари тўғрисида дарс бергандай бўлди ва яна қатъий оҳангда уни армия қўмондонлиги ҳузурига бошлаб боришни қаттиқ талаб қилди.

Немис офицери телефонда ким биландир гаплашиб олди-да, амалдаги халқаро қонунга бинoан уларни ўз территорияларига ўтказишдан олдин кўзларини боғлаб қўймоқчи бўлдилар. Иккинчи немис офицери аллақандай қора латталарни рўпара қилаётган эди, майор Смислов билан Дятленко бунинг учун аввалдан ҳозирлаб қўйилган оппоқ рўмолчаларни чўнтакларидан олдилар-да, унга фашист кўлини теккизмай туриб, кўзларини ўзлари боғлаб олдилар.

Команда пунктигача йўл ўнқир-чўнқир эди. Ҳар қадамда бўшаган гилзалар оёққа уринарди, аммо теварак-атроф солдатга тўлиб ётган бўлса ҳам, ҳеч бири овоз чиқармасди. Отишмалар ҳам вақтинча тўхтатилгани сабабли фашистларнинг қуроллари қаерларга жойлашганлигини билиб бўлмасди.

Ниҳоят, совет парламентёрларини команда пунктига олиб кирдилар ва кўзларини ечиб юбордилар. Немисларга хос пухта ва бежирим жиҳозланган чуқур ва қалин ер ости команда пунктида одамдан кўра телефон ва турли алоқа асбоблари кўп эди. Унда уч-тўрт офицергина ғимирлаб турарди. Улар совет парламентёрларига гўё арслонга қарагандай ишончсиз бақрайиб, кўзларини ола-кула қилиб қарардилар.

Уларнинг бири телефон орқали ўз бошлиғига қисқа, лекин лўнда доклад қилди. Унинг гапини Дятленко Смисловга таржима қилиб турди. «Совет парламентёрлари келишди. Ультиматумни шахсан қўмондон генерал-полковник Паулюсга топширмоқчилар».

Унинг бошлиғи ўз йўли билан қўмондонликка доклад қилгани кетди шекилли орадан анча вақт ўтди. Парламентёрлар қўмондон пунктига кирганларида турган жойларида ҳамон тик турардилар, ҳеч ким уларни ўтиришга таклиф қилмади, улар ҳам бўш турган фашист стулларига ўтиришга иргандилар, оёқлари толиб кетсалар ҳам савлат тўкиб мағрур тикка туравердилар: «Булар бизни бу жиҳатдан ҳам синаб кўрмоқчилар».

Бир оздан кейин команда пунктига тўнғиз башара полковник кириб келди-да, совет офицерларига ўқрайиб қаради. Афтидан, боя телефонда гаплашган бошлиқ шу бўлса керак, немис офицерлари уни «Хайл Гитлер!» деб кутиб олдилар. Смислов билан Дятленко улар фашистча саломлашиб олгунларича тескари қараб турдилар: «Башараси қурсин».

Полковник атрофга бир қараб қўйгач, тантанали деклорация эълон қилаётган арбобдай гап бошлади:

«Немис қўмондонлиги ультиматумни қабул қилишдан бош тортади. Унинг мазмуни руслар томонидан радиода эълон қилинган эшиттиришдан бизга маълум», деб баёнот берди полковник.

Унинг баёноти тугар-тугамас, немис офицерлари Смислов билан Дятленконинг кўзларини боягидан қаттиқроқ қилиб боғлаб қўйдилар ва бояги таниш сўқмоқлар билан кузатиб келиб, ўз тиконли симлар тўсиғига кузатиб қўйдилар.

Қуршовдаги немис қўшинлари оғзи-бурнидан қон қуссалар ҳам телба Гитлернинг хоҳишини бажариб, қуролли қаршиликни давом эттирди.

30 январь куни немисларнинг жанубий гуруҳи ҳам иккига бўлиб ташланди, сўнг шимолий гуруҳи ҳам парчалаб ташландида, қўшинларимиз шаҳар марказига кириб келиб, Поройков армияси билан қучоқлашиб олдилар. Полковник Жаворонков танкчилари ва Бурмаков пиёдаси ҳалок бўлган курашчилар майдонига келганда немисларнинг қаршилиги ниҳоятда кучайди. Разведкага маълум бўлишича, Лермонтов кўчаси муҳим таянч пункти бўлиб, универмаг бўсағасини қаттиқ ҳимоя қилиши керак, у ерда 6-армия штаби жойлашган эди. Асирларнинг тилидан суғуриб олинган маълумотга қараганда эса, қўмондон генерал-полковник Паулюс ҳам ерости кабинетида эди.

Жаворонков танкчилари 31 январга ўтар кечаси зудлик билан универмаг биносини қуршаб олдилар.

Генерал-полковник Паулюс уйқудан уйғониб, бет-қўлини ювиб, тараниб, кийиниб бўлгач, одатдагича столга ўтириб, қаҳва куймоқда эди. Адъютантидан олдин унинг ҳузурига 6-армия штаби бошлиғи генерал Шмидт кириб келди. Шмидт ичдан ғамгин бўлса-да, ташдан қувноқ кўринишга уриниб, сохта овозда:

«Табриклайман, сизни! — деди-да Паулюсга бир варақ қоғоз узатди. — Сизни генерал-фельдмаршал унвони билан табриклайман!»

Паулюс юз минглаб одамнинг бехуда тўкилган қони эвазига берилган бу унвонни қабул қилишни ҳам, қилмасликни ҳам билмай бир лаҳза қўрғошиндай қотди. Шмидтнинг кўзи олдида у тирикжон эмас, креслода ўтирган бюстдай бўлди-қолди.

Паулюсга шу топда бундай юксак унвоннинг кераги ҳам йўқ эди. У ўз тақдирини ўйларди. Унинг назарида ўзининг ҳам, штабининг ҳам, унинг гапига ишониб кирилиб тугаётган армиясининг ҳам куни битганди. Унинг қўлидаги фельдмаршал унвони жарчиси бўлмиш бир парча қоғоз омонатдай қалтираб турарди, унга қўшилиб юксак мартабага эришган янги генерал-фельдмаршалнинг аъзойи-бадани ҳам титрар, зирқирарди.

Генерал Шмидт Паулюснинг рейх инъом этган юксак унвонини табриклаб турган айни бир вақтда, 1942 йилнинг 31 январь куни эрталаб универмаг подвалидан югуриб чиққан таржимон эшик оғзига сумбасини ўқталиб турган совет танкчисига немис қўмондонлигининг совет қўмондонлиги билан музокара юритишга тайёр эканини билдирди. Уни генерал фельдмаршал ҳузурига кираётиб, штаб бошлиғи генерал Шмидт юборган эди. Ўзининг бу ҳаракатини генерал Шмидт Паулюсга кейинроқ у янги юксак унвонни ўзига анча



О. Холиқов чизган расм.

сингдириб олганидан кейин билдирди.

Паулюс креслода қандай ўтирган бўлса, ўшандай ўтираверди, маъқул ҳам, номаъқул ҳам демади. Генерал Шмидтнинг назарида у тайёр мис монументдай ғимир этмай ўтирарди.

Немис-фашист педантизмига хос, вермахт саркардаларига мос бежирим безатилган, ўғирланган гиламлар тўшалиб, унинг ранго-рангидан ловуллаб турган подвал-кабинетда Фридрих Паулюс табрик кутгандай, фюрери ва итоаткорларидан тамомила айрилиб қолгандай мушфиқ ўтирарди. Иш столининг қибла деворига илиб қўйилган Адольф Гитлер портрети унинг бошига миниб, миясини эзаётгандай хўмрайиб турарди. Шу он Паулюс: «Хайл, Гитлер!» деб қўл чўзгиси келдию, ҳар куни қиладиган бу ишини бугун такрорламади, очиқроғи, кўнглига сиғмади. Гитлер унга, нима учун бугун фюрерингга таъзим қилмаяпсан, дегандай қалин рамка ичидан кўзлари чақчайиб турарди. Паулюс беихтиёр унинг портретига таъзим қилди ва қўлини олға чўзиб эшитилар-эшитилмас «Хайл, Гитлер!», деб қўйди. Унинг шу мунгли кунларга мубтало бўлишининг асосий гуноҳкори бўлган фюрер шу он унинг кўзига бегона, бутунлай ёт бўлиб туюлди, аммо миллий социалистлар партиясининг аъзоси бўлгани, унинг программасини қабул қилиб уставига итоат этгани учунми, фюрердан юз ўгирмаса-да, унинг сиймосига узоқ боқиб туролмади. «Ўз ваъдасининг уддасидан чиқолмади... Беҳуда тўкилаётган қон уни ҳам гирдобига тортмаса эди...»

Иш столининг ўнг томонидаги деворда Пруссия ҳарбий мактабининг устозларидан бири, ҳарбий назариячи генерал Карл Клаузевицнинг портрети илиб қўйилганди. Паулюс Клаузевицни ўзининг ҳарбий пири деб билгани учун Гитлердан кейин унга сиғинарди. Бугун ҳам руҳий нажот тилагандай, маслаҳат сўрагандай унга мулойим нигоҳ ташлади.

Ниҳоят, Томас Роберт Мальтус портрети... Клаузевицга қарамақарши турган девордан Паулюсга лоқайд, аммо ҳайрихоҳ боқиб турган инглиз иқтисодчиси, вулгар сиёсий экономика асосчиси Мальтус бу кабинетга қаердан келиб қолди? Уни бу кабинетга Паулюснинг ўзи осиб қўйди. Нега? Негаки, Мальтус назариясидан у ўзига маънавий озуқа топганди, урушлар — абадият қонуни меваси, қурбонлар — жамиятда инсон нуфузини текислаб туришнинг абадият қонуни, қирғинлик ҳам табиий қонуният, деган вулгар тушунча унинг беҳуда қон тўкилишига йўл қўйиб берганлигини гўё оқлаётгандай бўларди.

Унинг бахтига қарши шу онларда на Гитлер қудрати, на Клаузевиц ҳарбий мактаби ва на Мальтус назарияси унга мадад беролмайди: Совет танкчилари унинг штаби дарвозасини тақиллатиб турибди.

Кабинетнинг кираверишдаги деворида стратегик ҳарбий харита рангли қаламлар чизиғидан бўялиб-бежалиб кетган. Унда акс этган вазият уч-тўрт кун аввалги ҳолат бўлиб, унга кейинги воқеалар, ўзгаришлар киритилмаганди, афтидан Паулюс учун унинг аҳамияти қолмагандай эди. Кабинетнинг ўртасидаги оператив ҳарбий харитада олтинчи немис армияси икки нимтага айириб ташлангану арслондай товушсиз инграб ётарди. Паулюс бу хаританинг атрофида айланиб юрса-да, унга кўз ташлашга ботинолмасди. Бу ерларга ҳозир генерал Росске жавобгар эди.

Паулюс бошини ушлаб ўтириб, туғилган жойи Брейтенауни, ёшлиги ўтган Гессенни, сўнгра шовқин-суронли даври ўтган Дрезденни эслади. Норғул Фридрих учун қандай яхши вақтлар эди. Ўша вақтлар Биринчи империалистик жаҳон уруши ҳам беш йил ичида қандай ўтиб кетганини билмаганди, солдат, унтер Паулюсга ўйинчоқдай гап эди-да. Иккинчи жаҳон урушининг бошлари ҳам танк қўшинлари штабининг бошлиғи генерал-лейтенант Паулюснинг ном чиқарарга ишлаган вақти эди. Польша... отлиқ аскарларни танк галалари билан бостириб, Варшавани бир ҳамлада вайрон қилганда, қандай лаззатланганди. Франция... Ҳар одимда кабарэ, тунги «бар»лару ресторан варитэлари... Уруш нималигини билганинг йўқ эди. Бош штабнинг оберквартирмейстери бўлган даврининг хўп йиллар эди-да: фармойиш юборишдан бошқани билмасдинг. Ниҳоят, Россия... юксак унвон — генерал-полковник, юқори мартаба — олтинчи армия қўмондони, армиялар гуруҳи қўмондони, орденлар... Аммо бир кун ҳам роҳат йўқ. Россия... Русларнинг қадимги бир лашкарбошиси, Александр Невский шекилли: «Кимки Русга қилич кўтариб келса, ўз қиличидан ўзи ўлади», деган эди. Вермахт Волга бўйига етиб келгунча Рейнга, қайтиб боришини ўйлаши керак эди...

Вермахт генерали, Гитлер тузган «национал-социалистлар» партиясининг фаол аъзоси ва арбобларидан бири Фридрих Паулюс тақдир уни нималар қилишини, ўзининг Совет Россиясининг тутқуни... Кейин социал вазият, шароит, ғоявий муҳит ва мантиқ таъсири ила фашистликдан воз кечиб, антифашист бўлиб қолиши... Кейин ўз юртига янги сифатда, вақт ўтгач, ГДРнинг озод граждани сифатида қайтишини сира-сира ўйламаганди, ўйласа, балки, онгли ҳаётини бўлакча бошлармиди...

Генерал Росске ўзининг жанубий гуруҳ қўшинларига тўла таслим бўлиш, қурол ва ўқ-дориларни совет қўшинларига тўкис-тугал топшириш ҳақида буйруқ чиқариб, қисмларига жўнатиб улгурмай, немис штабига Армия штаби бошлиғи генерал-майор Ласкин етиб келди-да, тўппа тўғри Паулюс олдига кирди...

Паулюс ўз хонасида солдатсиз қолган генерал-фельдмаршал вазиятида беғам, беташвиш ўтирарди. Гўё унинг елкасидаги оғир юк кўчиб, бошидаги тегирмон тоши ағанаб тушгандай енгил тортса-да, ичини оламушуклар тирнаётгани бир зумда киртайиб қолган кўзларидан сезилиб турарди. У совет генерали кириб келганда ҳам ўрнидан турмади, тирсагини столига қадаб, бармоқлари билан столга ёзиб қўйилган харитани силаб, бепарво ўтираверди. Гўё у совет делегацияси ҳам уни янги юксак унвон билан табриклашини кутаётгандек эди. Янги чиққан фельдмаршални Шмидтдан бошқа ҳеч ким табриклагани йўқ.

— Мен генерал Ласкинман, олтинчи армиянинг ҳамма қўшинларига таслим бўлиш ҳақида буйруқ беришингизни қатъиқ талаб қиламан! — деди генерал Ласкин Паулюсга. Кейин аниқ бўлсин учун қўшимча қилди: — Жанубий гуруҳ қўшинлари таслим бўлди, аммо шимолий гуруҳ қўшинларингиз ҳамон қаршилик кўрсатяпти. Талаб қиламан: дарҳол шимолий гуруҳ қўшинлари ҳам таслим бўлиши ҳақида буйруқ беринг, жаноб генерал-полковник.

Паулюс совет генералига, янги юксак унвонимдан бехабармисиз, дегандай қараб қўйдиди, аста деди:

— Мен генерал-фельдмаршалман.

Ласкин унинг янги ва юксак унвонидан бехабар эди. Паулюснинг ўз оғзидан эшитиб, ўша заҳоти талабини такрорлади:

— Генерал-фельдмаршал Фридрих Паулюс, совет қўмондонлиги номидан талаб қиламан, шимолий гуруҳ қўшинларингиз ҳам урушни бас қилиб, тўла таслим бўлсин! Бир қошиқ бўлса ҳам беҳуда қон тўкиш гуноҳ-ку!

Генерал-фельдмаршал Фридрих Паулюс совет генералига қиё боқди-да, бошини эгди...

Бўка районидаги «Партия XIX съезди» колхозининг Турғунбой Абдуллаев етакчилик қилаётган бригадаси аъзолари ўзаро суҳбатда.

В. Мосин фотоси



ҲАЁТ ЧОРРАҲАСИДА

АСҚАД МУХТОРНИНГ «АМУ» («ЧОРРАҲА») РОМАНИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси, Ҳамза номидаги республика Давлат мукофоти лауреати Асқад Мухтор асарларининг сюжети ҳаётий муаммолар асосига қурилиши, заминини ўткир ижтимоий конфликт ташкил этиши, қаҳрамонлари олам дарди билан яшаши, уларнинг хатти-ҳаракати, ҳаётий мантиққа мослиги билан ўзбек совет адабиётида катта ўрин тутади. Адиб яқинда «Аму» (журнал варианти «Чорраҳа» деб номланган, «Шарқ юлдузи» журнали, 1985 йил, 3—4-сон) романини эълон қилди. Роман муҳим ижтимоий конфликт — икки системага мансуб одамларнинг бир халқ тақдири ва уларнинг келажагини белгилашдаги позициялари асосига қурилган. Бу тўқнашув асарнинг дастлабки саҳифасидан то сўнгги нуқтасигача драматик тарзда кечади. Ғазувчи Афғонистонда ғалаба қозонган Савр инқилоби арафасидаги воқеалар асосида ўз концепциясини илгари суради. Биз бу воқелик тасвирида афғон халқининг ўтмиши ва бугунги ҳаёти билан танишамиз.

Асар бошида биз доктор Суҳайл образи билан танишамиз. Қаҳрамон ўз Ватанидан ўзга ердан бахт қидириш беҳудалиги, бахтни Ватандан ташқарида эмас, балки унинг заминидан қидириш лозимлиги, бунинг учун ўз тақдирини халқ тақдири, унинг келажаги билан боғлаш, шу манфаат йўлида қилинган ишнинг кўлами — бахтининг кўлами эканлиги каби муҳим фалсафий фикрни илгари суради. Иккинчи қаҳрамон — Сардор образи орқали адиб Совет Иттифоқи билан Афғонистон мамлакати ҳамдўстлигининг туб моҳиятини очиб беради.

Роман асосидаги конфликт дастлабки саҳифалардаёқ кескин тус олади. Буни доктор Суҳайл билан геологлар экспедицияси раҳбари Лаъл Маҳдий ўртасидаги зиддиятда яққол кўришимиз мумкин. Улар турли мақсаддаги одамлар. Суҳайл, ўз ҳаёт тажрибасидан хулоса чиқариб, халқ манфаати йўлида хизмат қилишга бел боғлаган бўлса, Лаъл Маҳдий эса яхши ният ниқобида халқнинг бойлигини, гўзаллигини йўқ қилиш, ўз ишининг амалий натижасида бир кишини эмас, балки бутун бир мамлакатни қон қақшатишга қасд қилган шахс. У афғон халқининг нафосат бойлиги бўлган Чакра горини сув трассасига айлантиришга, шунингдек, Аму дарёсининг ўзанини ўзгартириб, қўшни мамлакат ерларини сувсизликка маҳкум этишга интилади. Мана, у қандай фикрлайди: «Биласизларми, Аму сувни қаёқдан олади? Бехабарсан сен нодонлар. Сиз севган она ерингиз бағридан олади-да, ҳа! Нимага у бегона бўлиши керак? Шу қадар бечораи нотавонмисиз? Қисқаси, биз Амунинг жиловини буриб, ўз эгасига қайтарамиз! Дурустми?..»

У гўё бу ишларни афғон юрти манфаати учун қилмоқчидай, аслида эса ҳосилдор ерларни ботқоқликка айлантириб, афғон деҳқонларини қашшоқликка маҳкум қилиш билан бирга, олтмиш йиллик дўст мамлакатлар — СССР ва Афғонистон ўртасига нифоқ солмоқчи. Адиб Маҳдий образи орқали жуда катта масалани талқин қилиш билан капиталистик мамлакатларнинг Шарқ мамлакатларига иқтисодий ёрдамининг асл моҳиятини ҳам фош қилади.

Маҳдий ниятининг ёвузлигини биринчи бўлиб доктор Суҳайл англаб етади. Унинг режаси қандай кўнгилсизликка олиб келиши мумкинлигини ўз ҳамюртлари Сайёд, Нозимларга тушунтиришга ҳаракат қилади. Лекин «миллий ифтихор ҳиссидан маҳрум бу пул бандалари» уни англаб етмади. Шундан сўнг Суҳайл кескинроқ ҳимояга ўтди: «Сиз, сэр, келгинди бир одамсиз, миллий ҳисларимизга бундай оёқ қўйманг, у вақтлар ўтиб кетган...» Маҳдий устамон одам, у бу қарияни дўқпўписа билан қайириб бўлмаслигини англаб етгач, зимдан иш тутади. Усталик билан қоядан тош кўчириб ўлдириб юборади. Маҳдий билан доктор Суҳайл ўртасида туғилган конфликт шунчаки қарама-қарши фикрларнинг баёни эмас, балки катта бир мамлакат келажаги йўлида ёвузликка қарши эзгуликнинг бош кўтариши борасида туғилган конфликтдир, яъни ижтимоий конфликтдир.

Халқ манфаати йўлида қилинган иш изсиз йўқолиб кетмайди, балки у авлодларга мерос бўлиб қолади, уларнинг фаолиятида давом этади. Романда бу ҳол ўзининг ёрқин ифодасини топган. Доктор Суҳайл Лаъл Маҳдийнинг ёвуз ниятини жамият олдида фош қилолмади, бироқ унинг мақсади шунчаки мақсадлигича қолиб кетмайди. Янги афғон тузумининг янги инсони — Ғуломали Коргар томонидан давом эттирилади. «Катта Аму лойиҳаси» муҳокамасида Лаъл Маҳдий ўз концепциясини илгари суриб, мақсадини амалга оширишга интилади. Шу соҳанинг мутахассиси, инженер Коргар ўзининг далилларга бой бўлган фикри билан унга қаттиқ зарба беради: Коргар халққа суянади, унинг бир вакили сифатида гапиради. У реал ижобий идеалга эга. Бу идеал бўлажак афғон халқининг идеали. Романда мазкур идеалнинг туб асоси ҳам очиб берилади. Унинг вужудга келишига аввало Сардор, сўнгра, Совет Иттифоқининг граждани Собиржон Тўхтабоев сабабкор бўладилар. Адиб бу икки образ зиммасига бир қатор ибратли масалаларни юклаган. Яъни инсон иродасининг нималарга қодир эканлигини ва дўстликнинг қудратини. Буларнинг дўстлиги касб юзасидан ёки бирга ишлаши туфайли эмас, идеалларининг бирлиги асосида туғилган. Коргар билан Собиржон ўз эзгу ниятларини амалга ошириш учун қаерга боришмасин қаршиликка дуч келишади, лекин эзгу кучлар уларни ҳимоя қилади. Ғазувчи уларнинг фаолиятида ҳаётнинг кенг кўламини тасвир этади.

Собиржон «Катта Аму лойиҳаси»нинг хавфлилигини теран англагач, унга зарба бериш учун Чорданаҳрнинг эски ўзанини топиш йўлида Афғонистон қишлоқларини кезар экан, қаерга бормасин, ўзларининг режаси афғон халқига қандай наф келтиришини тушунтиради. Асқад Мухтор Собиржон фаолиятида икки мақсадни илгари суради. Биринчиси, социализм жамияти кишисининг маънавий қиёфасини очиб бериб, Лаъл Маҳдий кабиларнинг қиёфасини ҳар томонлама фош қилиш бўлса, иккинчиси мазлум афғон халқининг ҳаёти билан яқиндан таништиришдир. Маълумки, Савр инқилоби бошида афғон халқи икки қисмга бўлиниб, кўпчилик инқилобнинг моҳиятини тўла англаб етмас эди. Биз Собиржон фаолиятига бўлган муносабатда мана шу ҳолнинг ҳам аниқ ифодасини кўрамиз.

Савр инқилобидан сўнг Афғонистон келажагини зиммаларига олган Ғуломали Коргар, Собиржон ўз режаларини тезроқ амалга ошириш, шунингдек, инқилобнинг моҳиятини халққа англатиш йўлида янада фаоллашадилар.

Адиб ўз ниятини илгари суришда ва қаҳрамонларининг руҳий дунёсини очишда деталлардан, қаҳрамонларининг хатти-ҳаракатидан ҳамда конфликтдан ўринли фойдаланади.

Коргарнинг янги ҳукуматнинг афзаллигини тушунтириб айтган ваъзига қарши чиқиб, Еқубхонлар этагини тутиб кетган Шокалоннинг тақдири фожиали, абгор бўлади. Хайриддин бувининг ўтмиши ва бугунги ҳаётининг таснифи эса, жуда катта умумлашмага эга. У Совет ҳокимиятининг ташкил топган дастлабки даврларида Ҳожиқул бойга ичқуёв бўлади. Ўғил кўргач, чўпон-чўлиққа буйруқ берадиган хўжайинга айланади. Ўз ихтиёрини бойга топширган батрак Хайриддин у билан бирга Афғонистонга келади. Йўлда бой бутун қўйларидан, Хайриддин жигарпораси бўлган ўғлидан айрилади. Романда бу ҳолатлар, ниҳоятда таъсирчан тасвирланган. Қайнотаси Ҳожиқулнинг мол-мулкини омон сақлаб, энг кичик қизи Хатчани бахтли қилиш умидида уринишлари ҳам пучга чиқади. Бир умр бахтсиз ва Ватан тупроғига зор бўлади. Бироқ уларнинг сувда оқиб кетган ўғиллари эса, омон қолиб,олим бўлиб етишади. Икки юртда икки тақдир. Романда худди мана шу ҳол бутун асар сюжет линиясидан қизил ипдек ўтади. Бу концепция кишилар тақдири таҳлили орқали киши онгига сингдирилади.

Дарҳақиқат, Асқад Мухтор мазкур асарида ҳаёт чорраҳасида қолган кишиларнинг қисмати орқали инсониятни эзгулик ва ҳақиқат, адолат йўлига йўналтиради. Бироқ романда муҳаббат мавзуси ҳам мавжуд. Собиржон Манзурани севади, улар ахди-паймон қилишади. Айни пайтда Самад Деряев ҳам Манзурани қўлдан чиқаргиси келмайди. Собиржоннинг Манзурадан кўнгли тўқ. Бу ҳақда у Коргарга ички бир қониқиш билан гапириб юради. Бироқ Собиржон Шокалон зодагоннинг қизи Зулайҳони кўргач, бутун вужуди билан унга интилади. Тўғри, ҳаётда бундай ҳолат рўй бериши мумкин, лекин у мантиқий бир асосга эга бўлсагина кишида унга ҳайриҳоҳлик уйғонади. Ғазувчи Собиржоннинг кейинги севгиси асосини Зулайҳонинг ташқи гўзаллигига қуради. Зеро, ҳақиқий муҳаббат ташқи гўзаллик билан белгиланмаслиги ҳақида гапириб ўтиришнинг ўзи ортиқча.

Умуман, Асқад Мухторнинг «Аму» романи Совет — Афғон дўстлигини мустаҳкамлашга хизмат қиладиган яхши асардир.

Ҳакимжон КАРИМОВ,
филология фанлари
кандидати, доцент

ЭЗГУЛИКНИНГ ҚУДРАТЛИ ЗАРБАСИ

Коммунистик партия ижтимоий ва шахсий ҳаётда онгли интизомни барқарор этиш вазифасини қатъият билан амалга оширмоқда. Коммунистик интизом — ҳақиқат ва адолат, ҳалоллик ва ростгўйлик, ижтимоий бурчга садоқат ва фидойиликдир. Интизом — жамиятимизда ижтимоий ва маънавий янгиланишни вужудга келтириш, иллатларнинг ҳар қандай кўринишларига қарши муросасизлик билан кураш олиб бориш демакдир.

Социалистик реализм ижодкори воқеликни ҳамма вақт марксча-ленинча нуқтаи назардан ҳақконий ёритади. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Уйғуннинг «Қотил» (1965), «Парвоз» (1966—74 йиллар) драмаларида баъзи раҳбарлар фаолиятида рўй бера бошлаган кўзбўямачилик, сансалорлик, айрим зиёлилар маънавиятидаги таъмагирлик, худбинлик, мешчанлик иллатлари ўз вақтида қаттиқ танқид қилинган эди.

Партиявий раҳбарлик сиёсий-маънавий ҳалоллик, ҳақиқат ва адолат учун курашдир — бу ғоя «Парвоз» пьесасининг негизини ташкил этади. Ундаги колхоз раиси Мамасолиевнинг Уйғуннинг бошқа пьесаларидаги колхоз раислари, масалан, «Навбаҳор»даги Дадавойдан фарқи шундаки, у 70-йилларда вужудга келган янги характер. Тажрибали илғор раис Дадавой ёт унсурлар таъсирига тушиб, йўлдан адашган кимса бўлса, Мамасолиев била туриб, жиноят йўлига кирган, пихини ёрган маккор шахс. Мамасолиев шуҳратпарастлик ниятида давлатни алдаш, кўзбўямачилик билан шуғулланади. Бажарилмаган ишни бор қилиб кўрсатиб, юқори ташкилотлар томонидан ўз фаолиятига илғорлик тамғасини бостириб олади. Бу тамғадан ниқоб сифатида фойдаланиб, ҳар қандай чиркин ишларга қўл уради, халқ мулкини талон-тарож қилади, ҳатто қонун ҳомийларини «ўз қўлига ўргатади». Район прокурори Мажидов унинг «бир оғиз сўзи билан» ҳақиқатгўй бригадир — гуноҳсиз Тошпўлатни қамашга журъат этади.

Шахсиятпарастлик, сансалорлик Мамасолиев қиёфасида разиллик даражасига кўтарилади; Расул акани машина билан бостириб ўлдиради, чунки бу киши унинг чиркин кирдикорларини фош этишга киришган эди. Лекин ёр-оғайиларининг меҳрибонлиги туфайли қонуний жазо Мамасолиевни «четлаб ўтади».

Мамасолиев 70-йиллар муҳитида шаклланган салбий ҳодисадир. Бу ёт иллат воқелигимизда қандай келиб чиқди? Бу — эски феодал психологиянинг сиёсий-маънавий қолоқ шахс қиёфасида қайта хуруж қилишидир. Колхоз раислиги лавозимини суиистеъмол қилиш, баъзи юқори мансабдор шахслар (масалан, обком секретари Алимов)нинг қўллаб-қувватлаши ана шундай ижтимоий иллатнинг шаклланишига олиб келди.

Район партия комитетининг биринчи секретари Ҳуррият, обкомнинг биринчи секретари Жабборов кўзбўямачилик, сансалорлик иллатига кескин зарба берадилар. Колхозда адолат ва ҳақиқат тикланади. Ҳуррият қиёфасида аёл қалбига хос ҳақиқат ва адолатни чуқур ҳис этиш, фаол гражданлик туйғуси таъсирли очилади. Шу туфайли Ҳуррият ҳаракатдаги замонавий қаҳрамондир.

Пьеса — замон акс-садоси. Ҳамза номидаги Давлат академик драма театрида қўйилган Саид Аҳмаднинг «Келинлар қўзғолони», Ўлмас Умарбековнинг «Қиёмат қарз», Эркин Воҳидовнинг «Олтин девор», Учқун Назаровнинг «Ойна» асарларида ҳам молпарастлик, таъмагирлик совет турмуш тарзига ёт иллат эканлиги кўрсатилади.

Шоир ва драматург Шукруллонинг мазкур театрда муваффақиятли намойиш этилаётган «Ўғрини қароқчи урди» ҳажвий комедияси ҳам шу куннинг талабига ҳамоҳанг асар сифатида диққатга сазовор. Биз мазкур пьеса ҳақида муфассалроқ фикр баён қилмоқчимиз.

Қора деворга калит шаклида ўйилган эшикдан бирма-бир ичкарига кириб кетаётган шахсларни радиодан янграган овоз томошабинларга таништиради: база директори Эгамполвон, бир вақтлар заргар бўлган, ҳозирда тиш доктори Арслон қори Шерматов, қурилиш трестининг бошлиғи Ҳамдам Қиличев, райисполком уй-жой бўлимининг бошлиғи Тожибой. Улар кетидан милиция капитани Болтавой ҳам киради. Булар шоир ва драматург Шукруллонинг «Ўғрини қароқчи урди» ҳажвий комедиясининг қаҳрамонларидир. «Фирибгарлик, маккорлик, хушомадгўйлик, лаганбардорлик, ёлғончиликнинг ёмонлигини кўрсатишга эмас, бу ўз-ўзидан аён, аксинча ана шу иллатларни урчитиб юрган шахсларнинг башарасини очишга интилдим», дейди драматург.

Таниқли француз адиби Ромен Роллан ўзининг бир ҳажвий ҳикояси ҳақида гапириб, ўзига бино қўйган, ўтакетган тантиқ зиёлиларнинг ҳақиқий башарасини кўрсатиш учун уларни кимсасиз бир оролга элтиб қўйганлигини, ана шунда улар шу ондаёқ ҳайвонга айланиб қолганларини айтган эди. Шукрулло комедияда ҳажвий ситуация яратиш учун бу шахслар тақдирининг энг юқори нуқтаси, нопок кирдикорлари яққол намоён бўлган типик ҳолатини саҳнага олиб чиқади. Эгамполвоннинг иши судга тушган. Хотини уй анжомларини, мол-мулкларини қўни-қўшни, таниш-билишлариникига чиқариб яширмоқда. Эр-хотин ўртасидаги кўп йиллик оилавий муносабатлардан асар ҳам қолмаган. Эрининг аянчли тақдири уни заррача ташвишлантирмайди. Унинг учун бойлик ҳамма нарсадан устун. Қаттиқ талваса ва кўрқув улар руҳиятини исканжага солган. Эшик тақилласа ҳам юраги орқага тортиб кетади.

Ҳамдам Қиличевни ўзи бош бўлган қурилишдаги юлғичлик ва сохтагарликлар руҳан таъқиб этади. Унинг дард-аламлари муштипар она қалбида акс-садо беради. Ҳалоллик билан тарбияланган фарзандининг эгри йўлга кириши она сутини нопок қилиш билан баравардир. Оналар меҳри адолатли бўлиши билан бирга қаҳрли ҳамдир. Она ўғлидан ўз айбини бўйнига олишни қаттиқ талаб этади. Ҳамдам бунга рози эмас. ЎзССРда хизмат кўрсатган артист Холида Хўжаева ижро этган она қалбининг тўридан отилиб чиқаётган изтироблари орқали Ҳамдам (артист Р. Авазов) тақдирида рўй берган фожиани янада чуқурроқ ҳис этамиз. Оналар ҳамиша покиза ҳаёт тимсолидир, деган ўй-ҳаяжон бизни тўлқинлантиради.

Енгил табиатли юлғич шахс Тожибой (артист Ҳожиакбар Нурматов)ни жиноят ташвиши янада қаттиқроқ эзиб қўйган. У ўлим талвасасига тушган кимсадай тентираб, томга чиқиб, шериклари ҳамда ўз кирдикорларини халойиққа ошкор этиб қичқиради.

Бир кўзи шишиб, пешанаси ғурра бўлган Арслон қори (Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Турғун Хонтўраев) маст ҳолда машинаси билан одам босиб, нажот истаб ҳамтовоғи ҳузурига келган. «Ҳамён бут бўлса, ўнтасини босмайсизми», дейди ғурур билан Эгамполвон. Портфелдан чиқариб Эуфнуний дипломатига солинаётган даста-даста пуллар қанчадан-қанча меҳнаткашни алдаш, фирибгарлик натижасида тўпланганлигини тасаввур этиш мумкин. Дарҳақиқат, Арслон қори одамларга сохта тиш қўйган товламачи, хотин-қизларни йўлдан урган маънавий бузуқ шахс.

Саҳнада намоён бўлаётган бу шахслар ҳар бирининг тақдири ўзига хос бир драматик новелла. Уларни турли иллатлар ўзига хос индивидуал сиқиқ намоён бўлган очерк характерлар, деб аташ мумкин. Булар мухтасар, бироқ чуқур ўйлашга даъват этувчи маънодор образлардир. Риёкорлик, тубанлик, очкўзлик, носамимийлик — булар моҳиятини шундай ифодалаш мумкин. Оила ҳам, муҳаббат ҳам, қариндош-уруғ ҳам, маслак ҳам — улар учун пул. Меҳнатсиз моддий бойлик маънавий қашшоқликдир. Одамларни бир-биридан бездиради, инсонийликни оёқ ости қилади. Киши эгри йўлга кириб кетса, ундан инсоф ҳам, диёнат ҳам юз ўгиради. Меҳнатсиз бойлик кишини одамгарчиликдан чиқаради, жамиятга ёт шахсга айлантиради. Меҳнатсиз бойлик ахлоқсизликдир. Ҳалол меҳнатдан воз кечиб, ўзларини ихтиёрий маънавий тутқунликка маҳкум этган бу кимсаларнинг «фаровон» турмуши томошабинда ҳавас эмас, нафрат уйғотади.

Бу шахсларнинг фожиали тақдири бош қаҳрамон Зуфнуний (Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Тўлқин Тожиев) тақдири билан туташиб, комедияда умумлаштирувчи, таъсирчан руҳ пайдо қилади. Спектакль бошланиши билан саҳна шифтида осилиб турган йирик-йирик ола дўппиларга кўзимиз тушади. Булар Зуфнунийнинг товламачилик моҳиятига рамзий ишорадир. Навбатдаги саргузаштлардан уйга кириб келган Зуфнуний ўғлига ўзи тайинлаб келган ҳайдовчилик гувоҳномасини тезроқ бориб олишни буюради. Ўғли эътироз билдириб: «Одам босганимдан кейин ўқийманми?» деса, уни ноқобилликда айблайди. Инсон одамларнинг қулфи-дилини очадиган сеҳрли калитга эга бўлиши керак, деб насиҳат қилади.

Ибодхўжа деган созандани Зуфнуний кандидатлик дипломи олиб бераман, деб лақиллатиб, узоқ вақт ўзига хизмат қилдиради. Зуфнуний ҳеч қачон ҳеч кимга холис хизмат қилмаган. Ҳар бир илтифотининг замирида халқ, давлат манфаатига зиён келтириб олиш ният мужассамлашган. Зуфнуний мактабдоши Нурбек оиласига ташриф буюрганда, уларнинг ҳожатини чиқариш учун тегишли жойга қўнғироқ қилади. Нурбекнинг қизини ёлғондан бева аёл деб айтиб, боласини боғчага жойлаштиришни илтимос қилади. Муддаосига эришганда, рақибини боплаб кифтини келтириб алдай олганидан яйраб, гул-гул ёниб кулади. Алдаб иш битказишдан завқланиш — мана унинг «талант»ининг моҳияти. Талант — саховатли истеъдод.

Бироқ, тараққиётга тўсиқ истеъдодлар ҳам бўлади. Зуфнуний қиёфасида эзгулик сифати ёмонлик тимсолига айланган. Зуфнуний «талант»и ўғри, муттаҳамлар билан ҳамкорликда, айниқса, таъсирли амал қилади. Эгамполвон, Арслон қори ва бошқа шериклари мушкул вазиятдан қутилиш учун Зуфнуний ҳузурига нажот истаб келадилар. Ўғир-

(давоми 28-бетда)

Алижон ЙЎЛДОШЕВ

ҚИШЛОҒИМ

Тоғлар орасида кичкина қишлоқ,
Ирмоқ гўё унга олмос бир камар,
Кўк бахмал ёргандай ҳар доим кўркам,
Чироқлар... бахмалга сочилгандай зар.

Шўх жийрон сингари йўртиб сув оқар,
Хонатлас кийгандай лолазор дала.
Тунлар ҳасад билан кўкдан ой боқар,
Юлдузлар суқланиб бўлар парвона.

Оқу кўзларидай чашмалар ҳайрон,
Олуча куртаги — бахтнинг косаси.
Олтин жилғаларда жилвагар баҳор,
Қишлоғим — севгимнинг сендир онаси!

Қадрдон устоздек қалбга сирдошсан,
Сенинг висолингга доим ташнаман.
Баркамол келиндай ҳар доим ёшсан,
Сайроқ қушларингга дўстман, ошнаман.

Сенга ашъор битдим, суюб, онажон,
Қабул эт, дил қулфи очилсин, дейман.
Қирларда барқ урган лола сингари
Ҳисларим бағрингга сочилсин, дейман!




ДАЛАМ

Оташ юрагимда севги лиммо-лим,
Ҳису ҳаяжоним бугун бир олам.
Мовий кўчоғингда эзгу ҳисларим,
Яшил ғўза каби унсин, жон далам.

Қуёшни бир коса зилол сув мисол
Симириб ичайин қалбимга малҳам,
Сочган уруғимга тилагин иқбол,
У менинг ҳаётим, билсанг, жон далам.

Эгат оралайин, бирга сув тарай,
Ери вафодорга бўлиб мен ҳамдам.
Ҳам севги, ҳам ҳосил бағрида яйрай,
Юрагим матлаби шудир, жон далам?!



СЕҲРЛИ ҚЎШИҚ

МАНЗАРА

Дала — улкан китоб, ниҳоят гўзал,
Деҳқон — шоиридир, мафтун боқади.
Бир текис ғўзалар — нафис бир ғазал,
Юракка ҳислардан олов ёқади.


Қуёш — сарлавҳадек порлаб турар бас,
Нуқта — юлдузларга кенг осмон тордай.
Дўстим, қулоқ тутгин бу куйга бир пас,
Дала қўшиғида зўр сеҳр бор-да!

ЎРТА ОСИЁДА БИРИНЧИ


Андижон областидаги Охунбобоев шаҳрида Ўрта Осиёда биринчи подшипник заводи қурилиши ниҳоясига етмоқда. Бу завод автомобиллар ва қишлоқ хўжалик машиналари учун подшипниклар ишлаб чиқаради.

Ушбу янги завод 1986 йилда ишга тушади. У тўла қувват билан маҳсулот ишлаб чиқара бошлагач, ҳар йили 3 миллион 200 минг дона подшипник тайёрлаб топширадиган бўлади, яъни Ўзбекистондаги жами автомобиллар ва қишлоқ хўжалик машиналарини бу зарур қисм билан таъминлашдан ташқари, мамлакатимизнинг бошқа районларига подшипник етказиб беради.

Бу заводга минглаб ишчилар керак. Ишчиларнинг кўп қисмини тез суръатлар билан ўсиб бораётган Охунбобоев шаҳри ёшлари ташкил қилади, албатта. Шунинг учун ҳам ҳозирданоқ уй-жой қурилишига алоҳида эътибор билан қаралмоқда: ҳар бири 16 квартирали — иккита замонавий иморат бунёд этилмоқда. Демак, тез орада 32 хонадонда уй тўйи бўлади. Янаги — 1986 йилда ҳам завод меҳнат аҳли 32 квартирали янги уйни қабул қилиб олади. Ун иккинчи беш йиллик мобайнида эса уй-жой, маданий-маиший бинолар қурилиши учун 5 миллион 700 минг сўмлик маблағ сарфланади. Подшипник заводи ишчилари 1 минг 750 та квартиранинг калитини қўлга оладилар, уларнинг фарзандларини ҳар бирида 240 ўрин мавжуд бўлган 2 та боғча, 1 минг 164 ўқувчига мўлжалланган мактаб ўз бағрига олади. Поликлиника, савдо маркази, спорт иншоотлари очилади. Хуллас, янги корхона туфайли каттагина майдон ободон масканга айланади.




Хосиятхон Қосимова Охунбобоев шаҳрида подшипник заводини қураётган илғорлардан ҳисобланади.



Бетончилар бригадаси иш устида.

А. Жданов фотолари



Абдумалик Нишонов ҳам Охунбобоев шаҳрида қурилаётган подшипник заводи жонкуярларидан.

Оламшумул кашфиёт

РЕНТГЕН НУРЛАРИНИНГ КАШФ ЭТИЛГАНИГА 90 ЙИЛ ТЎЛИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН

Жалол МАҚСУМОВ,
СССР Медицина фанлари академиясининг мухбир аъзоси,
ЎзССРда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор

Машҳур немис физик олими Вильгельм Конрад Рентген ўзининг ажойиб кашфиёти билан жаҳон фани тарихида М. В. Ломоносов, Ч. Дарвин, И. Ньютон, Л. Пастер, И. П. Павлов сингари улуғ сиймолар билан бир қатордан ўрин олди.

Ҳақиқатан ҳам XIX асрнинг иккинчи ярми табиатшунослик илми соҳасида катта янгиликлар билан нишонланди. Чарльз Дарвин ўзининг органик дунё тараққиёти ҳақидаги машҳур назарияси билан биология фани тараққиётига улкан ҳисса қўшди. Одам руҳий ҳолатларини материалистик асосда ифодалаб беришда улуғ рус физиологи И. М. Сеченовнинг хизматлари беқиёс қимматлидир. У узоқ вақт давомида илмий текширишлар олиб бориб, одамнинг онгли фаолияти бу бош мия маҳсулоти бўлиб, ташқи муҳит билан боғланганини исбот қилди. Моддаларнинг атом тузилиши назариясини А. М. Бутлеров ва Канницаро ишлаб чиқдилар. Д. И. Менделеев эса 1869 йилда ўзининг кимёвий элементларнинг машҳур даврий қонунини ўртага ташлади.

Дунё олимлари томонидан электр ҳодисаларини ўрганиш соҳасида айниқса катта муваффақиятларга эришилди. Бу давр ичида биринчи мартаба катод нурлари кашф этилди, Максвелл эса электромагнит майдони назариясини очди. Фан соҳасида очилган бу янгиликлар кейинчалик электрон ва ёруғлик квант назарияларининг ишлаб чиқилишига олиб келди.

В. И. Ленин XIX асрнинг 90-йилларида табиатшунослик илмида янги революция бошланди, деб таъкидлаган эди.

1895 йил 8 ноябрь куни физик олим В. К. Рентген Вюрцбург университетининг оддий жиҳозланган лабораториясида шу вақтгача маълум бўлмаган ажойиб нурларни ихтиро этди. У одатдаги иш кунларидан бирида сурункали илмий-тадқиқот ишларини ўтказишга берилиб кетиб, кеч бўлиб қолганини сезмай қолади. Олим ўша куни ўз лабораториясидан кетиш олдида ҳавоси сийраклаштирилган шиша трубкадан юқори кучланишли ток ўтганда стол устидаги платиноцианисли борий тузи сурилган картон яшил ранг билан ёруғланганлигини кўриб қолади. Кўп йиллар давомида катта илмий тажриба орттирган тадқиқотчи бу туз кристалларининг нурланиши фақат ёруғлик таъсирида бўлиши мумкинлигини яхши билар эди. Демак, қоронғи лабораторияда қандайдир номаълум нурлар картонга таъсир этганди. В. К. Рентген лабораторияда чироқни ёқиб, бутун асбобларни синчиклаб текшириб чиқади ва уйга кетиш олдидан юқори кучланишга эга бўлган электр токини ўчирмаганини эслайди. Бу ток тармоғини узгани ҳамон картонда буғланиш сўнади. Шуниси ажабланарлики, олим шиша найча билан ёруғланган картоннинг оралиғига қалин қоғоз, китоб, ҳатто тахта қўйганида ҳам нурланиш йўқолмайди. У етти ҳафтагача университет лабораториясидан чиқмасдан бу янги хил нурларнинг ажойиб хусусиятларини қунт билан ўрганади.

1895 йилнинг 28 декабрь куни Вюрцбург шаҳрининг физика-медицина жамиятининг ахборотида олимнинг янги хил нурлар тўғрисидаги биринчи маълумоти босилиб чиқди. Рентген бу мақоласида ўзи кашф этган нурларни X (икс) нурлар деб атаб, уларнинг физик хоссаларини аниқ баён этди.


Бир ойдан кейин — 1896 йил 23 январь куни университетнинг мажлислар залида табиатшунослик, физика-биология жамиятининг қўшма кенгашида олим «Янги хил нурлар» тўғрисида маъруза қилди. Залда тўпланган олимлар, университет муаллимлари, студентлар В. К. Рентгеннинг мазмунли маърузасини зўр қизиқиш билан тингладилар.

Олим ўз сўзини якунлаш олдида жамият раиси анатом-чистолог Келлекернинг қўл панжасини янги топилган нурлар ёрдамида суратга олиб кўрсатди. Раислик қилувчи профессор Келлекер, бизнинг илмий жамиятимиз ўзининг узоқ йиллар давомидаги фаолиятида бундай оламшумул кашфиётнинг шоҳиди бўлмаган эди: бу янги хил нурлар илм-фаннинг янада равнақига хизмат қилади, айниқса, медицина соҳасида катта аҳамиятга эга бўлади, деб таъкидлаб, ўша кундан бошлабоқ мазкур нурларнинг унинг кашфиётчиси шарафига «Рентген нурлари» деб аташни таклиф қилди. Бу таклифни Рентген ўзига хос камтарлик билан рад этди ва «Менинг кашфиётим инсоният учун хизмат қилиши керак», деди. Олим умрининг охиригача ўзи кашф этган нурларни X (икс) нурлари деб юритди.

Шуни айтиб ўтиш керакки, В. К. Рентген нурларининг кашф этилиши материалистик дунёни ўрганишда олдинга қўйилган шаҳдам қадам эди. Баъзан бу нурларнинг очилишини тасодифий ҳодиса деб ўйлашади. Бу фикр бутунлай нотўғри. Чунки марксизм-ленинизм таълимоти бўйича ҳеч қачон илмий кашфиёт тасодифан бўлмайди. Ҳар бир илмий кашфиётнинг дунёга келиши жамиятнинг ишлаб чиқарувчи кучлари ва ишлаб чиқариш муносабатларига боғлиқ бўлиб, кўп йиллар мобайнида олимлар томонидан олиб борилган изчил илмий-тадқиқотларнинг қонуний натижасидир. Атоқли француз олими Луи Пастернинг айтишича, бир илмий кашфиётнинг очилиши «тасодифидан фақат тайёргарлик кўрган одамгина фойдалана билиши мумкин».

Ҳақиқатан ҳам X (икс) нурларининг очилишига В. К. Рентген анча йиллардан бери тайёргарлик кўриб келган. У бу нурларнинг топилиши олдидан кристаллар физикасини жуда пухта ўрганди, бу соҳада мақтовга сазовор катта илмий ишлар яратди. Агар у X (икс) нурларини кашф этмаганида ҳам дунё фани тарихида кристаллар физикаси бўйича буюк олимлар қаторидан фахрли жой оларди.

Мазкур қимматли нурлар — X (икс) нурлари кашф этилгач, В. К. Рентген жаҳон физика фанини бойитишдаги самарали хизматлари учун турли мамлакатларнинг юздан зиёд фахрий унвонларига сазовор бўлди.



В. К. Рентген.

1900 йилда физика фани соҳасидаги катта илмий ишлари учун В. К. Рентгенга Нобель мукофоти топширилди. У 1923 йил 10 февралда 70 ёшида вафот этди.

В. К. Рентген табиатан ўта камтар, кучли илмий иродага эга инсон эди. У кашфиёти — рентген нурларини очганлиги учун бериладиган патентдан воз кечди. Ўз номзодининг академия сайловига қўйилишига рози бўлмади, умрининг охиригача одми кийиниб, камтарин ҳаёт кечирди. У мансабпарастларни, лаганбардорларни, фанга тасодифан кириб қолганларни, ёлғончиларни, порахўрларни «дунёга келиши керак бўлмаган шахслар» деб атарди.

Олим ўзининг оламшумул кашфиёти билан жаҳон физика, химия, биология, медицина фанининг ва бошқа фанларнинг янада равнақ топишига улкан ҳисса қўшди ва бу соҳаларда янги давр бошлаб берди. Олимлар турли кимёвий моддалар ёритилганда уларнинг ялтиллаш ҳодисаси сабабларини диққат билан ўргана бошладилар. Бундай илмий-текширишлар шунга олиб келдики, ниҳоят, 1896 йилда француз физиги Анри

Беккерем уран тузлари, поляк халқининг истеъдодли олимаси Мария Складовская (Кюри) торий кимёвий элементлари ўзидан нурлар чиқаришини аниқладилар. Икки йил илмий изланишдан сўнг уран рудасидан жуда озгина миқдорда кимёвий элемент — радийни олишга муваффақ бўлинди. Радийнинг радиоактивлиги уранникидан миллион мартаба ошиқлиги аниқланди.

Шундай қилиб, Анри Беккерем, Мария ва Пьер Кюри каби олимлар табиий радиоактивликнинг асосчиларидир. Кейинги йилларда ўзидан нур чиқарадиган табиий радиоактив моддалар группасига кирадиган бошқа кимёвий элементлар ҳам топилди.

Рентгеннинг ажойиб хоссаларга эга бўлган нурлари айниқса медицина фанининг ривожланишига катта имкониятлар туғдирди. Нурлар ихтиро қилингач, дастлабки кунларданоқ киши танасига кириб қолган металл ва одам суягининг чиққан ёки синганлигини аниқлашда қўлланила бошланди.

Рентген нурлари қисқа тўлқинли электромагнит тебранишидан иборат бўлиб, хоссалари жиҳатидан ёруғлик нурларига ўхшайди ва одам организми ва тўқималаридан бемалол ўтади... Лекин рентген нурларини одамнинг турли аъзолари бир хилда ўтказмайдилар.

Маълумки, беморнинг касалланган жойидаги тўқималар ўзгаришга учрайди ва рентген нурларининг ўтказувчанлик хусусияти соғ тўқималарга қараганда, албатта, фарқ қилади. Масалан, сил касаллиги натижасида ўпкада ковак ҳосил бўлса, рентген нурлари бу бўшлиқдан ҳеч тутилмасдин ўтиб кетади. Агар ўпкани ўраб турган парда оралиғига йиринг йиғилса, рентген нурлари касал жойдан бемалол ўтмайди ва ўша иллат экранда қора доғ бўлиб кўринади.

Оддий қилиб айтганда, атом оғирлиги кўп бўлган кўрғошин, темир, тилла каби металлар етарли қалинликда рентген нурларини маълум миқдорда ўтказмоқдалар, лекин атом оғирлиги кам бўлган тахта, картон, қоғоз нурни бемалол ўтказиб юборади.


Кўпинча касаллик киши организмида кўзга кўринмайдиган ўзгаришлар туғдириши мумкин. Бундай ҳолатларда электроника ва оптика ютуқларига асосланиб ясалган кучлантиргич рентген нурларининг тасвирини уч минг марта ошириб кўрсатиши мумкин. Бу эса рентгенолог врачларга киши организмидаги касалликни ўзгаришлар бошланиши биланоқ аниқлаш имкониятини беради.

Медицина техникаси соҳасида кейинги йилларда эришилган ютуқлар шунга олиб келдики, ҳатто ошқозон яраси ёки рак касаллигининг 0,1 сантиметр катталигидаги ўзгаришлари ҳам рентген нурлари ёрдамида кўринади ва рентгенолог врачлар томонидан аниқланади. Бунинг учун беморни рентгенологик текширишдан ўтказиш жараёнида мўлжалли рентгенография усули кенг қўлланилади.

Рентген нурлари ёрдамида касалликни ўз вақтида ва тўғри аниқлаш бошқа тўқималарга тарқалмасдан унинг олдини олиш ва тегишли даво чораларини кўришга ёрдам беради.

Лекин шуни эътироф этишимиз керакки, В. К. Рентгеннинг кашфиётидан ўн йил муқаддам 1885 йилнинг кузида рус физик олими С. Каменский бу нурларни ўз лабораториясида олишга муваффақ бўлган эди. Олим уларни фото-химик нурлар деб атаб, суратларини олишга ҳам улгурди. Лекин чор Россиясининг амалдорлари бу кашфиётнинг қадрига етмади, унга етарли аҳамият ҳам берилмади. Олимнинг илмий ютуғи ўз вақтида матбуотда ҳам эълон қилинмади ва биргина лабораториянинг кундалик тадқиқоти бўлиб қолаверди.

Рус физиги С. Каменскийдан ташқари, чет эл олимларидан Ленард, Гауспид ва Эттингер (Рига) катод нурлари билан илмий ишлар олиб бориб, рентген нурларини ўз лабораторияларида олишга улгурдилар. Лекин ўз вақтида бу ажойиб илмий муваффиқиятлар матбуотда расмий эълон қилинмагани учун бу нурларнинг кашфиётчиси В. К. Рентген ҳисобланди.



Рентгенотехник Н. П. Гайжеевский (ўртада) профессор С. А. Молчанов ва врач-рентгенолог З. Ҳасанова билан ўзи ихтиро қилган томограф ёнида.

В. К. Рентген юқоридаги олимлардан мустақил равишда X (икс) нурларини кашф қилди ва ўз вақтида матбуотда бу тўғрида батафсил маълумот берди.

Рентген нурларининг кашф этилиши айниқса рус олимлари томонидан қизғин кутиб олинди. Радио ихтирочиси, инженер А. С. Попов 1896 йил январь ойида Россияда биринчи бўлиб ўзидаги материаллардан фойдаланиб рентген аппаратини яратди ва бир қатор медицина текширишлари ўтказишга эришди.

Петербург университети лабораториясида Н. Г. Егоров, И. И. Борман, А. Л. Гершун рентген нурлари кашф этилганидан икки ой ўтмасдан бу нурлар ёрдамида одам қўлини суратга олишди. Шуниси қизиқки, суратга олиш вақти 40 минутгача чўзилди. Чунки ўша замондаги рентген аппаратлари жуда оддий ва кучсиз бўлиб, беморларни кўришга соатлаб вақт кетарди.

Ҳозирги замон электроника ва физика фанининг ютуқлари шунга олиб келдики, бир секуднднинг мингдан бир қисмидаги вақтда рентген нурлари билан одам танасининг турли аъзоларини суратга олиш мумкин.

Биз ҳозир шундай техника тараққиёти даврида яшамоқдамизки, врач-консультант марказий касалхонада туриб ватанимизнинг турли шаҳар ва қишлоқларидаги беморларни, ҳатто космонавтларнинг организмини телерентгеноскопия ҳамда телерентгенография усули билан экранда кўриб, суратга олиб, ўз маслаҳатини бериши мумкин. Рентгенокинематография билан одам организмининг турли системалари иш фаолиятини суратга олиб, сўнгра лентадаги ҳар бир кадрни синчиклаб ўрганиб, касалликлар оқибатида содир бўлган ўзгаришлар аниқланади. Бу нарса беморни қайси усул билан даволаш режасини тузишга ёрдам беради.

Кейинги ўн йил ичида медицина фани электрон ҳисоблаш машиналари (компьютер) томографияси каби мисли кўрилмаган катта ютуққа эришди. Бу усул билан рентген нурлари ёрдамида бемор баданига тиғ урмасдан ва бир томчи ҳам қон оқизмасдан ҳар бир аъзо қаватма-қават кесилиб, суратга олинади. Олинган томограмма касаллик натижасида қайси аъзода ва қайси кесилмада ўзгариш бўлганлигини яққол кўрсатади.

Ўрта Осиёда биринчи бўлиб тошкентлик рентген-техник Н. П. Гайжеевский 1937 йилдаёқ икки нусха бошланғич дастлабки томограф ясади. Биринчи нусхаси Тошкент Давлат медицина институтининг рентгенология кафедрасига, иккинчиси эса Туркистон округи ҳарбий госпиталига топширилди. Бу томограф одам организмидаги касалликнинг қайси кесилмада эканлигини аниқлаш жиҳатидан ғарб давлатларида яратилган аппаратлардан қолишмайди.

Ҳозир Н. П. Гайжевский томографини профессор Қаюм Зоиров номидаги Ўзбекистон Медицина тарихи музейида кўриш мумкин.

Мўъжизавий рентген нурлари фақат касалликларни аниқлабгина қолмасдан, кўпгина тери ва ички аъзолар хасталикларини даволашда ҳам муваффақият билан қўлланилади.

Ажойиб хоссаларга эга бўлган рентген нурлари дунё фанининг барча соҳаларида, саноатда, ишлаб чиқариш корхоналарида, қишлоқ хўжалигида ва турли жиноятларни аниқлашда қўлланиб келинмоқда. Масалан, кимё фани соҳасида бир далил келтиришимиз кифоя. Маълумки, академик Н. Н. Семенов кимёвий моддаларнинг ички тузилишини рентген нурлари билан аниқлаб, совет фанида катта янгиликлар яратди. Олим бу илмий муваффақиятлари учун Ленин мукофотига ва уч мартаба СССР Давлат мукофотига сазовор бўлди. Улуғ рус олимининг кимё фани соҳасидаги кейинги илмий ишлари Нобель мукофоти билан тақдирланди.

Партия ва ҳукуматимиз рентген нурларидан инсон саломатлиги йўлида кенгроқ фойдаланиш мақсадида 1919 йилдаёқ Ленинградда Рентгенология марказий илмий-текшириш институтини ташкил қилди ва институт жойлашган кўчага В. К. Рентген номини берди. Институт биноси олдига В. К. Рентгеннинг ҳайкали ўрнатилди. Ҳайкалнинг тантанали очиш маросимида маориф халқ комиссари, академик А. В. Луначарский нутқ сўзлаб, шундай деган эди: «Биз бугун шундай олимга ҳайкал очаётибмизки, В. К. Рентген ўзининг инсониятга хизмат қилувчи улкан кашфиёти билан социализм қурувчилари пантионида ўзига хос ўрин эгаллайди».

Ҳозир барча республикаларнинг марказий шаҳарларида рентгенология ва радиология илмий-текшириш институтлари барпо этилиб, улардан халқимизнинг соғлиғини муҳофаза қилиш йўлида самарали фойдаланилмоқда.

(Боши 24-бетда).

лик товламачилик иллатини озиқлантирганидек, товламачилик ўз навбатида дармондори ролини ўйнайди. Уларнинг муқаррар ҳалокатини бирмунча вақт кечиктиришга хизмат қилади. Ўғри моҳиятан товламачи бўлганидек, товламачи ҳам ўз қилмиши билан ўғридир.

Хуллас, тилёламалик билан ғоят ниқобланган сохталик Зуфнуний турмуш тарзи, характерининг асл моҳиятидир. Танқидчи У. Норматов Зуфнунийда ички динамика, ўсиш сезилмайди, у тайёр ҳолда асарга кириб келади, дейди. Динамика ҳаракат, деган маънони англатади. Ўсиш кўпроқ ижобий ҳодиса ҳамда қаҳрамонларга оид тушунча. Салбий ҳодисалар, ҳажвий қаҳрамонлардаги «ўсиш» тушунчаси моҳиятан таназзулни билдиради. Бадиий асарларда ўсувчан қаҳрамонлар билан бирга, ўз-ўзини намоён этувчи образлар ҳам бўлади. Н. В. Гоголнинг «Ревизор», «Уйланиш» комедияларидаги бош қаҳрамонларда қандай ўсиш бор? Хлестаков ўзининг товламачилик моҳиятини, оқсуяк оилада тарбияланган Подколесин мустақил ҳаётга ноқобил шахс эканлигини пьесанинг бошидан охиригача намоён этади, холос. Хуллас, ҳажвий асарлардаги персонажлар асосан ўз-ўзини намоён этувчи образлардир. Шу туфайли танқидчининг Зуфнуний образидан ўсувчанликни талаб этиши айни образ табиатига зид фикрдир.

Зуфнуний характери тип даражасига кўтарилганми? Товламачилик иллатини фош этиш бадиий ижоднинг ҳамма вақт диққат марказида бўлиб келган. Юқорида эслатганимиз Хлестаков товламачилик ҳодисасининг классик тимсолидир. Совет драматургиясида ҳам бу типнинг намуналарини кўрамиз. «Парвона» комедиясида соддадил қиз бахтига рахна солган Ўткирий образи орқали товламачилик инсон тақдиридаги бахтсизлик эканлигини кўрсатдим», дейди Уйғун. Зуфнуний драматургиямизда яхлит янгилик бўлмаса-да, янгилик сифатларидан холи эмас. Шукрулло Зуфнуний орқали товламачиликнинг негизи хизмат лавозимини суиистеъмол қилиш, мақтовпарастлик, ўғриликдир, деган фикрни барқарор этади. «Агарда мансабпараст, хушомад учун яшайдиган буларга ўхшаган одамлар бўлмаганда эди, — дейди Зуфнуний шерикларига ишора қилиб, — балки, мен ҳам бу йўлга кирмасдим. Айб кимда? Менинг фирибгар бўлишимга сабабчилар — шулар. Ҳали ўз нафсини ўйлаган, ёлғон мақтовларга учадиган бундай одамлар бор экан, мени ҳеч ким гуноҳкор қилолмайди. Ҳали мен яшайман!»

Комедияда юқоридаги бешта муттаҳамнинг бир ёки иккитасини қисқартириб, персонажларни янада чуқурроқ очишни талаб этиш балки ўринли бўлар эди. Бироқ, спектаклда салбий шахслар иллатини фош этувчи ижобий куч етишмайди, дея оламизми? Мабода, Зуфнуний ва шерикларини «портлаб» фош этувчи ижобий қаҳрамон киритилганда, спектаклда ўз-ўзидан табиий амал қилувчи фош этиш, ҳажв руҳига путур етказилган бўлар эди. Чунки салбий образлар ўз қиёфаларини ҳеч кимнинг ёрдамисиз етарли даражада намоён этадилар. «Бош ижобий қаҳрамон санъаткорнинг у ёки бу пьесадаги образлар силсиласида ифодаланган ўз позицияси эканлиги гоҳо унутилмоқда. Эзгулик ифодачиси ўша томошабин-ку? Унинг кулгиси, унинг ҳукми сатирик драматургнинг ижобий қаҳрамонидир», дейди улкан драматург С. Михалков. Шукрулло ҳажвиёти, залда янграб турган қаҳқаҳа воқелигимизда Зуфнуний ва шериклари биз билан ёнма-ён ҳаёт кечираётганидан аччиқ алам ва нафрат кулгиси, улар фош этилаётганидан қониқиш, ҳаётимиз тозаланаётганидан мамнунлик кулгисидир. Бу кулгу замирида одамийлик ҳалолликдир, деган олижаноб ғоя мужассамлашган.

Бугина эмас. Спектаклда Зуфнунийдан ўзга барча персонажлар уяси бузилган аридек изғиб қолганлигига бир эътибор қилинг. Қўрқув, ваҳима, руҳан тушкунлик уларни ҳар қадамда таъқиб этиб боради. Комедиянинг бошидан охиригача ўғри, муттаҳамларни ларзага солган, ҳузурҳаловатини барбод этган куч воқелигимизда амал қилаётган ижобийлик тимсоли эмасми? Ижобийликнинг қудратли зарбаси остида муттаҳамлар муносиб жазога маҳкум этиладилар. Ҳаётдаги ижобий ва салбий кучлар тўқнашувининг асардаги акс-садоси меҳнатсиз бойлик — фожиадир, инсон учун энг юксак эзгулик маънавий бойликдир, деган ҳақиқатни сингдиришга хизмат қилади.

Режиссёр Р. Ҳамидов ва рассом У. Сайдалиев қаҳрамонларнинг характерларини конкретлаштирувчи динамик кўлам яратганлар. Персонажлар ҳаракатлари бир-бирларига мувофиқ ва бир-бирларини тақозо қилади. Воқеалар шиддат билан ривожланиб боради, комик ҳаракатда сустқашлик сезилмайди.

Спектаклнинг ҳозиржавоблигини алоҳида қайд этиш керак. Ҳамза номидаги Давлат академик драма театрининг мазкур асари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI ва ундан кейинги пленумлари қўйган долзарб вазифаларга айни ҳозиржавоб асар сифатида муҳим аҳамиятга эгадир.

Очил ТОҒАЕВ,
филология фанлари доктори,
профессор

НАВОИЙГА ҚАСИДА



Навоий нафас қилган шаҳар бўйлаб бораман,
Буюк устоз орзуси бунда бўлмиш намоён.
Ғурурнинг қанотида парвозим бўлиб баланд,
Хаёллар гирдобида ҳаприқади жўшиб жон.
Бунга минглаб фарҳодлар келтирибди нур-ҳаёт,
Навоий қаламидек бўй чўзибди дарахтлар.
Мажнун Лайли васлига бунда етиб умрбод,
Севишганлар йўлида тилаб турибди бахтлар.
Кўз олдимда юксалгай кимё шаҳри улуғвор,
Инсон меҳрин, қалб сеҳрин кўз-кўз айлар замона.
Эртанинг умидида фиғон айлаб зору зор,
Шеъриятнинг қуёши кетган экан армонда.
Ҳеч кимса нишонага шоир каби отолмас,
Қилич суғирганларга кўрсатарди у қалам.
Бойқаро минган тулпор хаёлига етолмас,
Бу куннинг иқболини эта олди мужассам.
Занжирбанд шер занжирин узганида у чоғи,
Бахт юлдузи порлаган осмонни кўра олди.
Мана шу қаср-сарой, мана шу эрам боғи,
Орзулардан яралган замонни кўра олди.
Навоий нафас қилган шаҳар бўйлаб бораман,
Буюк устоз орзуси бунда бўлмиш намоён.
Ғурурнинг қанотида парвозим бўлиб баланд,
Хаёллар гирдобида ҳаприқади жўшиб жон.

Абдулхай НОСИРОВ



ҲАР ТЎҒРИДА БИР ШИНГИЛ

ТАМТАМ САДОЛАРИ ОСТИДА

Гана мактабларида бир янгилик жорий этилди. 1986 йил январидан бошлаб ўқувчилар дарсга қўнғироқ орқали чорланмайди, балки дарсга тамтам чалиб киритилади. Мана шу қарорни эълон қилган маориф департаменти мансабдорлари анъанавий алоқа воситалари болаларда мамлакатнинг маданий бойлигига муҳаббат руҳини тоблайди, деб ҳисоблайдилар.

МАЙМУНДАН ЧИҚҚАН РАССОМ

Яқинда Лондондаги аукцион фирмалардан бири Англиянинг Честер шаҳридаги ҳайвонот боғида савдосотиқ уюштирди. Ўша куни бу ерда Сидни лақабли икки яшар орангутан маймуннинг бир рассом билан ҳамкорликда ишлаган «асари» сотилди. Мазкур расм Фред Карсон деган шахс томонидан 120 фунт стерлингга сотиб олинди. Расм эвазига тушган маблағ Жаҳон ёввойи табиатни кўриқлаш фондига топширилди. Аукцион боғлиғи Жорж Бейлининг сўзларига кўра, мазкур «санъат асари» маймун ижодининг «мовий даври»га оид эмиш ва у «Мен қоровулимнинг укасиманми?» деб аталар эмиш. Орангутан Сидни ана шу «асар»ни яратиш давомида бир неча мўйқаламни синдирди ва расм ишлатиладиган холст — матонинг ярмини еб қўйди.

Бахшилар санъати

Малик МУРОДОВ,
филология фанлари доктори,
профессор



Ўзбек халқ достончилиги тарихидан устоз санъаткор бахши-шоирларимизнинг истеъдодлари қанчалар зўрлиги, қувваи ҳофизалари нақадар кучлилиги маълум. Уларнинг ўзларига нисбатан талабчан бўлганликларини, ижодий камолот бобидаги заҳматкашликларини, эл-юрт олдидаги фарзандлик, гражданлик бурчларини чуқур масъулият билан англаганликларини ҳам яхши биламиз. Чунончи, буюк эпос «Алпомиш» достонини XIX аср охири — XX аср бошларида яшаган Йўлдош булбул каби «бамисоли ҳавога булут чиқиб, булутлар маст бўлиб, нўшар қуюлиб, Тажан дарёси мавж уриб тошгандай куйлаш» ёки Фозил Йўлдош ўғли сингари ҳар бири минглаб мисрадан ташкил топган қирқдан ортиқ достонни ёдда сақлаб, уларни бағоят гўзал тарзда куйлаш, айни чоқда, замон талабларига жавобан янги асарлар ижод эта билиш, етмишдан ортиқ анъанавий достонни куйлаш, шу билан бирга, Эргаш Жуманбулбул ўғлининг «Ўртоқ Ленин», Пўлкан шоирнинг «Мардикор», «Комсомолка Ойтўти», «Ҳасан батрак» сирасидаги совет даври достонларитадбирларида иштироки, республикада бадиий ҳаваскорлик ҳаракатини йўлга қўйиш каби масалалар атрофлича ёритилгани йўқ.

Шуни эътироф этиш керакки, ҳеч қайси мамлакатда халқ ижодкорлари ва ижрочилари — бахшилар биздагидек ҳар томонлама ҳурмат ва эътиборга молик эмас. Кейинги вақтда ҳар икки йилда мунтазам ўтказиб келинаётган бахши-шоирлар анъанавий кўрик-конкурслари фикримиз тасдиғидир. Шу йил май ойида Хоразмнинг Шовот районида бўлиб ўтган навбатдаги кўрик-конкурс ўзбек халқ оғзаки ижодининг ҳозирги аҳволи, бахшиларимизнинг кейинги йиллардаги ижодий ижрочилик фаолиятлари каби бир қатор масалалар борасида маълум тасаввур қилиш имкониятини бердики, шоир Отаёрнинг бу ҳақдаги (қаранг: «Гулистон», 1985 йил, 8-сон) фикрларини қўллаб-қувватлаймиз. Айни чоғда, бахшилар шахсияти, репертуар бойлиги, ижодий изланишлари, бу бой, серқирра санъатни илмий нуқтаи назардан ўрганишда, қўлга киритган ютуқларини тарғиб қилишда ва маданий-маърифий ишларимизда фойдаланишда жуда кўп муаммолар мавжудлиги аниқланди.

Хўш, ўзбек бахшилик санъатининг шу кунларда қўлга киритаётган ютуқлари ҳамда бу соҳадаги камчиликлари нималардан иборат?! Ҳозир республикамизда қадимий ўзбек халқ достончилиги анъанасини давом эттириб келаётган юздан ортиқ бахши-шоир бор. Уларнинг анъанага муносабатлари, репертуарларининг кўлами, халқ достонларидан қанчалик билишлари, ёдлаш ва куйлай олиш қобилиятлари, устоз-шогирдлик бобидаги иқтидорлари, мусиқий билимлари, дўмбира чертиш соҳасидаги сирлари, замонавий мавзуларда асарлар ижод эта олиш истеъдодлари хилма-хилдир. Чунончи, уларнинг айримлари ҳақиқий ижодкор бахши бўлиб, ҳар бири минглаб йўл шеър ва насрдан иборат 20—30 достонни ёддан билса, айни чоқда замонавий мавзуларда янги асарлар яратса (масалан, Қодир Раҳим ўғли, Едгор бахши, Чори бахши кабилар), баъзи бирлари эса достонлардан парчалар ва термаларни ёдлаб айтиб юрадилар.

Биз ўзбек бахши-шоирлари орасида Улуғ Ватан уруши ветеранлари (Эшқобил Қўшмоқ ўғли, Умаркул Пўлкан ўғли, Тўқли шоир ва бошқалар), Ленин ордени нишондори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор (Чори бахши Хўжамберди ўғли), СССР Ёзувчилар союзи аъзолари (Қодир бахши, Едгор бахши Исҳоқов), Жаҳон ва Бутуниттифоқ фольклор ижрочилари лауреатлари, илғор чорвадорлар, деҳқонлар, боғбонлар, илғор зиёлилар борлигидан фахрланамиз. Афсуски, бахши саноғида юрганларнинг орасида бу санъатга алоқасиз кишилар ҳам йўқ эмас. Улар дўмбира куйларини тузукроқ чалолмайдилар ҳам. Чалган тақдирда ҳам овоз бир томон, куй бошқа томон чопади. Масалан, кўкламда бўлиб ўтган бахши-шоирларнинг VI республика анъанавий кўрик-конкурси шартларидан бири дўмбира куйларидан бирини чертиш эди. Баъзи иштирокчилар бунинг уддасидан чиқа олмадилар. Дарҳақиқат, бахши матнининг нафақат матн билан, балки ўйноқи, шўх, сеҳрли дўмбира оҳанглари билан уйғунлигини меъёрда таъминлаб, кишилар қалбида оламжаҳон шодлик, кувонч, ифтихор ва ҳаётга муҳаббат туйғуларини камол топтириши лозим. Халқнинг «Куйи куйига қўшилмаса, одамларни ўзига оғдириб олмаса, у — шоир эмас», «Сози борнинг сўзи бор», «Соз сайрамаса бахши қайдан олсин сўзни» дейишида жон бор, албатта.

Яна, Улуғ Ватан урушида совет халқи қозонган Буюк ғалабанинг 40 йиллигига бағишланган оригинал терма ижро этиш шарти ҳам бор эди. Мазкур шартни ҳам Қодир Раҳим ўғли, Едгор бахши Исҳоқов, Чори Хўжамберди ўғли, Бола бахши Абдуллаев, Қаландар Норматов, Умаркўл Пўлкан ўғли каби бир қатор бахшилар аъло даражада бажариб, ғоявий-бадиий гўзал термалар тўқиганлари ҳолда, бир қанча қатнашчилар бунинг уддасидан чиқолмай, тингловчилар олдида қизариб қолишди. Бу ҳолни қандай баҳолаш мумкин?

Дарҳақиқат, инсон кашф этган буюк ижод намуналари орасида ўз ўрнига эга бўлган эпосга қўл уриш, уни куйлашга журъат этиш нақадар масъулиятли, жавобгар иш эканлигига эътибор ҳам қилмай, ўз имкониятини ҳисобга олмай, у ёки бу достондан айрим парчаларнигина ёд олган, на овоз ва на дўмбирасида шира бўлган кишининг ўзини бахши дейиши асоссиздир. Яна шуниси ҳам ачинарлики, тўй-томошалар, анъанавий тантаналар ва эътиборли анжуманларда қатнашмасдан отарчилик йўлига ўтиб олиб, халқ бахшиси деган номга доғ туширувчилар ҳам кўриниб қолаётир. Бунга биз фольклоршунослар ҳам айбдормиз. Дарвоқе, айни ҳодиса бахшилар ўртасида ижодий ҳамда сиёсий-тарбиявий ишлар етарлича олиб борилмаётганлигини ҳам кўрсатади. Бундай нохуш ҳодисаларга қанчалик тез чек қўйилса, шунчалик яхши.

Яна бир камчилик устида тўхталишга тўғри келади. Ҳозирги бахши-шоирларнинг аксарияти замонга ҳамоҳанг куйлай олмаяпти. Зеро, ўзбек бахшиларига хос хусусиятлардан бири ҳозиржавобликдир. Ўтмишда яшаб ўтган устоз достончилар ижтимоий-сиёсий ҳаёт ҳамда кишилар тақдирида муҳим аҳамият касб этган тарихий воқеа-ҳодисаларга ўз муносабатларини билдириб, катта-кичик асарлар яратганлар. Бинобарин, Эргаш Жуманбулбул ўғлининг «Ўртоқ Ленин», Пўлкан шоирнинг «Мардикор», «Комсомолка Ойтўти», «Ҳасан батрак», Фозил Йўлдош ўғлининг «Жиззах қўзғолони», «Маматкарим полвон», «Очилдов», Ислом шоир Назар ўғлининг «Нарпай қаҳрамонлари», «Бахтиёр авлодларга», «Тинчлик жарчиси» каби асарлари ана шундай қайноқ ҳаёт воқеаларининг акс-садосидай жаранглаган эди. Бахши-шоирларимизнинг қишлоқма-қишлоқ юриб, халқ орасида бўлиб, ижтимоий-сиёсий ҳаётда қизғин қатнашиб, давр, эл-юрт олдидаги гражданлик бурчларини чуқур англаб, халқ ҳаётида содир бўлаётган воқеаларга ўз муносабатларини билдириб, қадимий ва барқарор эпик анъаналардан чекинмаган ҳолда замонавий мавзуларда асарлар яратишлари чинакам маҳорат мактаби вазифасини ўтаган эди. Афсуски, кейинчалик устоз бахши-шоирларнинг ана шу анъаналари бахшиларимиз томонидан давом эттирилмади. 50—60-йилларда ҳам, 70—80-йилларда ҳам ҳаётда содир бўлган буюк воқеалар, ҳодисалар, кишиларимиз меҳнат жасоратларини акс эттирувчи йирикроқ асарлар яратилмади.

Тўғри, В. И. Ленин, Коммунистик партия ва совет воқелигини мадҳ этувчи «Ленинни кўрдим, дўстлар-ай» (Қодир Раҳим ўғли), «Шароф мерган» (Чори Хўжамберди ўғли), «Ленин бобом достони» (Раззоқ Қозоқбой ўғ-

ҲИКМАТЛАР

Хурофотдан ақли озган одам энг оғир нафратга учраган кимсадир.

Платон

Дин аллақачоноқ инсонга нафрат билан қаровчи кучга айланган.

М. Горький

Ўғри ва қотил камдан-кам ҳолда ўз ишини ҳушёр пайтда қилади.

Л. Н. Толстой

Қанчадан-қанча истеъдодли ва забардаст одамлар ичкилик туфайли нобуд бўлмоқдалар.

И. П. Павлов

Эр қанча кўп ичса, хотини ва болалари шунча кўп кўз ёши тўкади.

Н. А. Семашко

Ароқ ўзи оқ, аммо бурунни қизартириб, обрўни қора қилади.

А. П. Чехов

Ичкилик кишини ҳайвонга айлантириб, ваҳшийлаштиради, уни шафқатсиз қилиб, фикрини чалғитади, миясини ўтмаслаштиради.

Ф. М. Достоевский

Мунтазам ичган зарардир, у жигар ва мия фаолиятини бўғади, асабни бўшаштириб, асаб касаллиги ва бевақт ўлимга олиб келади.

Абу Али ибн Сино

Ичкилик балонинг эшиги, сен ўша эшикка бош суқишдан эҳтиёт бўл.

Абу Аъло ал Мааррий

ли) каби асарлар юзага келди. Бироқ собиқ мардикорлар, Ҳасан батраклар, комсомолка Ойтўтиларнинг бугунги бахтли ҳаёти акс этган асарлар йўқлигини нима билан изоҳлаш мумкин?! Фикримизча, бунга бахши-шоиларимизнинг қайноқ ҳаётимиздан орқада қолаётганлиги, ўз ғоявий-бадиий маҳоратларини ўстириш устида етарлича ишламасликлари сабабчидир. Зеро, шуни ишонч билан айтиш мумкинки, Қодир Раҳим ўғли, Чори Хўжамберди ўғли, Едгор бахши Исҳоқов, Умаркул Пўлкан ўғли, Қаландар Норматов, Ҳазратқул Худойберган ўғли ва бошқалар давримизнинг алпомишлари, барчиной-лари, Рустаму достонлари ҳақида талабчан, диди баланд замондошларимизга маъқул бўла оладиган достонлар яратишга қобил бахши-шоирлардир.

Кези келганда яна бир нарсани айтиб ўтишни жоиз деб биламиз. Баъзи бир бахши-шоирларимиз клуб муассасалари йиғилишларида, қайноқ меҳнат жабҳасида, маданий-маърифий тадбирларда иштирок этишдан ўзларини олиб қочмоқдалар.

Яна бир масала. Қардош республикаларда, хусусан, Озарбойжон, ва Қозоғистон ССРда маданий-маърифий тадбирларда, профессионал концерт ташкилотларида халқ ижодкорлари ва ижрочилари — ошиқлар, оқинлардан фойдаланиш, уларнинг ижодий кечалари, концертларини ташкил этиш, мушоира, айтишув, беллашувларни уюштириш анъанага айланган. Масалан, биз шу йил март-апрель ойларида Боку шаҳрида бўлиб, «Баҳор ва соз байрами», «Қизлар байрами» ва бошқа анъанавий тантаналарда қатнашганимизда бунинг гувоҳи бўлдик. Қардошларимизнинг бундай ибратли анъаналаридан ижодий фойдаланиб, Ўзбекистон филармонияси ҳамда профессионал концерт ташкилотларига уларни тортсак, бахшиларнинг махсус ижодий кечаларини ташкил этсак, бўлмайдими? Бўлади, албатта. Иқтидорли ёшлар орасидан бахши-шоирлар етказиш соҳасида ҳам қардошлар тажрибасидан фойдаланиш керак.

— «Правда» газетаси ёзганидек, — деди биз билан суҳбатда Озарбойжон ССР Маданият министрининг биринчи ўринбосари Темур Алиев, — ҳатто Тауздаги маҳаллий мактабда соз ва ошуқлик (бахшилик) санъати маҳоратини эгаллаш бўйича махсус ихтисослашган синф ҳам ташкил этилди. Беш йилга мўлжалланган бу ўқув курси иштирокчилари ошуқлик санъатининг назарий асосларини ўрганибгина қолмасдан, созни яхши чала билиш, қадимий ва энг севимли бу чолғунинг барча сир-асрорларидан хабардор бўлиш, ошуқлик санъатига кўра бадиҳагўйлик йўли билан терма ёхуд достон тўқий олиш, унга куйлар басталаб, рақсга туша билиш кабилар бўйича ҳам қўникма оладилар. Келгусида бундай синфлар сони купайтирилади...

Бизда ҳам ёш бахши-шоирлар тўгараклари тузиш, музика ва маданий-маърифий билим юртларида бахшилар тайёрлаш бўлимларини ташкил этиш, уларда етакчи бахши-шоирларнинг ижодий кучидан фойдаланиш, умуман, устоз-шогирдлик анъанасини кучайтириш лозим. Шунингдек, республика Маданият министрлиги ҳузурида мавжуд юздан ортиқ ўзбек халқ бахши-шоирлари фаолиятини бошқариб турадиган, уларга ижодий раҳнамолик қиладиган Ўзбек бахшилари уюшмасини тузиш пайти келди. Ахир, Озарбойжон ва бошқа жойларда ошуқлар союзлари бор-ку?!

Хулоса қилиб айтганда, бахшилик — халқ санъатидир. Халқимиз бу санъатни жуда қадрлайди. Халқ азал-азалдан қалб қўридаги энг юксак, энг нозик сўзларни, инсон ва воқеа-ҳодисалар ҳақидаги мушоҳадалари, мулоҳазалари ва ўй-фикрларини бахши тили билан изҳор этади, унда ўзини, ўзлигини кўради. Бахшилик даргоҳига қадам қўйган ҳар бир киши халқнинг ана шу талабига жавоб бермоғи, халқ ишончини қозонмоғи, ота мерос — анъанавий достонларни элга манзур тарзда айтмоғи, айни чоғда, эл дилидаги гапни топқирлик билан топиб қўшиғига солмоғи лозим.



КУРАШ ДАВОМ ЭТАДИ

Шахмат мухлислари бетоқатлик билан кутган кунлар ҳам келди. Шу йил 2 сентябрь куни Москва шаҳридаги П. И. Чайковский номли концерт залида шахмат бўйича жаҳон чемпиони тожи учун курашнинг янги матчи тантанали равишда очилди. Маълумки, ўтган йили шахмат бўйича жаҳон чемпиони Анатолий Карпов билан тож даъвогари Гарри Каспаров бу муборак ном учун ярим йил шахмат тахтаси устида жанг олиб боришди. Матч 5:3 ҳисобида тўхтатилди. Ҳар иккала уста шахматчи ҳам ниҳоятда толиққан эди. Тўғри, Карпов 5 очкони қўлга киритгани билан сўнгги ўйинларда анча чарчаганлиги сезилди. Тож даъвогари Каспаров сўнгги ўйинларда қўли баланд бўлишига, кетма-кет уч очкони қўлга киритишига қарамай, бир очко ютқазиб қўйиш эҳтимоли йўқ эмас эди. Шу сабабли иккала шахматчи ҳам ФИДЕ президенти Ф. Кампомонеснинг матчни тўхтатиш ва қайтадан янги матч ўтказиш тўғрисидаги қарорига розилик билдиришганди.

Шу янги матчнинг тантанали очилиши куни қуръа ташланди. Тож даъвогари Гарри Каспаров оқ доналарни биринчи бўлиб суриш имкониятига эга бўлди. Демак, кейинги барча тоқ сонли партияларда Гарри Каспаров, жуфт сонли партияларда жаҳон чемпиони Анатолий Карпов оқ доналар билан ўйнайди.

Янги матчда бир оз ўзгаришлар киритилди. Энди аввалги матчдаги каби ким олдин 6 очко тўпласа, ўша ғолиб ҳисобланмайди. Ўйин миқдори қатъий белгиланди: 24 партия ўйналади. Ким кўп очко тўпласа, ўша ғолиб ҳисобланади. Агарда 12:12 ҳисоби, яъни дуранг қайд этилса, тож жаҳон чемпионининг ўзида қолдирилади. Чемпионлик матчидаги бу ўйин шартига илгари 1951 йилдан то 1972 йилга қадар амал қилинган эди. Ўтган йилги жуда узоқ чўзилган (48 партия ўйналган эди) ва тугалланмаган матч шу қарорга олиб келди. Лекин аввалги шарт ҳам сақланади: ким биринчи бўлиб 6 партия ютса, у муддатдан илгари ғалабани қўлга киритади. Шунингдек, аввалги йиллардагидек мабодо ютқазиб қўйган тақдирда жаҳон чемпионининг матч-реванш ўйнаш ҳуқуқи сақланиб қолади. Яна бир янгилик: бундан кейин шахмат бўйича жаҳон чемпионлиги матчини ҳар 3 йилда эмас, балки ҳар икки йилда ўтказишга қарор қилинди.

Шундай қилиб, шу йил 3 сентябрь куни жаҳон чемпиони Анатолий Карпов билан тож даъвогари Гарри Каспаров ўртасидаги янги кураш бошланиб кетди. Оқ доналар билан ўйнаган Каспаров биринчи партиядаёқ ютуққа эришиб, шахмат мухлисларида катта қизиқиш уйғотди, қизғин баҳсларнинг туғилишига сабабчи бўлди. Иккинчи партия ҳам кескин олишувлар билан ўтди. Маълум пайтлар Каспаров устунлиги сезилиб турди. Бироқ вақтни бой бериб қўймаслик мақсадида шошилдими, айрим ютуққа элтиш мумкин бўлган юришларни кўрмай қолди. Албатта, жаҳон чемпионининг ниҳоятда аниқлик билан сурган доналари ҳам ўзини иккинчи мағлубиятдан асраб қолди. Иккинчи партия 41-юришда тож даъвогари қўли баландлиги билан кечиктирилди. Эртасига давом этган ўйинда жаҳон чемпиони дуранг учун курашди ва ўз олдига қўйган мақсадига эришди. Бу партия матчнинг энг гўзал ва шахмат санъати мўъжизаларидан бири сифатида шахмат тарихидан ўрин олиши шубҳасиз.

Иккинчи партиядан кейин шахмат бўйича уч марта жаҳон чемпиони Анатолий Карпов тайм-аут олди. Тож даъвогарининг икки партиядаги устунлик сабабларини таҳлил қилиб чиқиши, янги қарши куч тўплаши учун бу тайм-аут унга зарур эди.

Дарҳақиқат, Анатолий Карпов қисқа танаффус — тайм-аутдан кейин жуда жанговар кайфиятда ўйинни давом эттирди. Кетма-кет икки марта ютиб, олдинга ўтиб олди. Ҳисоб Карпов фойдасига 3:2 бўлди. Энди тож даъвогари қисқа танаффус олди. «Жанг» қизигандан қизиди. Ўн саккиз партия натижаси Г. Каспаров фойдасига — 9,5:8,5 бўлди. Ҳали олдинда кескин курашлар бор.

Э. МУҲАМЕДОВ.



Сергей МИХАЛКОВ

НАСРИЙ МАСАЛЛАР

СЎНГГИ ИСТАК

Бўри ўзини осмоқчи бўлиб, ниятини ўрмондаги жамики жонзотларга маълум қилди.

— Қанақасига ўзини ўзи осармиш! Осиб бўпти! — деб жилмайди Қуён.

— Ўзини ўзи осади, ўзини ўзи осади! Албатта осади! У қатъий қарорга келган, — деди Тошбақа.

— Балки, яна ўйлаб кўрар! — дея Типратикан ғужанак бўлиб олди. Жиблажибон эса:

— Ўйлаб кўрмайди, ўйлаб кўрмайди! У ҳатто дарахтниям танлаб қўйган! — деганча бошқаларни ишонтирмоқчи бўларди. — У ўзини теракка осмоқчи экан. Арқон излаб юрибди...

Шовқин-сурон, муҳокама авжига чиқди. Биров ишонади, кимдир шубҳа билдиради. Ниҳоят, овоза Пўлканқушнинг қулоғига етиб келди. Пўлканқуш совуқ хабардан воқиф бўлиши биланоқ бир зумда ўрмонга етиб келдию Бўрини қидиришга тушди. У қўнғир Бўрини терак тагида ғамгин, бутоққа тикилиб турган ҳолда кўрди. Пўлканқушнинг юраги шув этиб кетди. Аслида у Бўрини ёқтирмас, ҳовли яқинига йўлатмас эди. Лекин... ҳозир фожиа рўй берай деяпти, ахир.

— Салом, Қўнғирвой! — секингина салом берди Пўлканқуш.

— Салом ва хайр! — деди Бўри. У кўз ёшини артиб, бурнини қоқди. Алвидо, Пўлканжон! Емонлик қилган бўлсам, мени кечир.

— Наҳотки, ўзингни ўзинг оссанг? — дея эҳтиётқорлик билан сўради Пўлканқуш. — Нима учун? Нима бўлди?

— Мен шарманда бўлдим. Масал ва эртакларда шарманда бўлдим... Бўлди, энди яшашни истамайман! Арқон топишга кўмаклаш... Саройни излаб кўр. Сарой эшиги тамбаланган, бор, сенга ишонишади...

— Бўпти... олиб келаман... — дея рози бўлди Пўлканқуш ўйлаб ўтирмай.

— Миннатдорман, — деди ҳаяжонланиб Бўри. — Анави... арқон билан... улоқчаниям бу ёққа олиб кел! Охирги истагимни ҳам бажо эт...

Пўлканқуш Бўрининг сўнгги истагини ҳам адо этди. Лекин Бўри ўзини ўзи осмади.

Ўйлаб кўрди...

ШАРТЛИ РЕФЛЕКС

Қуён хуррак отаётган Йўлбарснинг ёнида Илон борлигини кўриб қолди.

— Нега у чақмаяпти? Йўлбарсни уйғотай-чи! — дея Қуён ўзича қарорга келди. Қўрқувдан дир-дир титраганча Йўлбарснинг думидан куч билан тортди.

— Мени уйғотишга ким жазм этди? — дея бўкирди Йўлбарс.

— Кечирасиз, бу мен! — Қуён шивирлади. — Эҳтиёт бўлинг! Илон!

Йўлбарс атрофга боқувди, кўзи қора илонга тушди. Четроққа сурилиб ўрнидан турди.

— Қўлингни бер, — деди Йўлбарс Қуёнга. — Ботир экансан, ташаккур сенга! Энди дўст бўламиз, мен сени ўз ҳимоямга оламан! Бундан бу ёғига ҳеч кимдан қўрқмаслигинг мумкин!..

Қуён севинди.

Тўсатдан шох-шаббалар орасидан Тулки чиқиб қолди. Шу дақиқадаёқ Қуён шамолдай учиб кетди.

Йўлбарс ҳайрон қолди. Бошини сарак-сарак қилди. Оқшом маҳали Қуённи қидириб топди.

— Нега боя қочиб қолдинг?

— Тулкидан қўрқувдим.

— Мен ёнингда эдим-ку! Мен сени ҳимоя қилишга ваъда берувдим-ку!

— Ваъда-бергандинг.

— Менга ишонмайсанми?

— Ишонаман.

— Е сен Тулкини мендан кучлироқ, деб ўйловдингми?

— Йўқ, сен кучли!

— Унда нега қочиб қолдинг?

— Шартли рефлекс, — дея хижолат бўлиб тан олди Қуён.

ҚУЁННИНГ ФИҒОНИ

Қуёнлар орасида бир Қуён яшар эди. Ҳамма қуёнларнинг унга ҳаваси келади: чопағонликда унга ҳеч қайси Қуён тенг келолмасди! Хуллас, ўз ҳаётидан мамнун эди, бироқ... Қуён Тошбақага ҳасад қиларди.

«Яшашни билади, — деб ўйларди Қуён. — Ўз уясини елкасида опичлаб юради! Боши билан оёғини тортса, вассалом — уйида бўлади-қўяди. Унинг уйини айтмайсизми! Худди тош сингари қаттиқ, усти нақшли. Эҳ, калтафаҳм Тошбақанинг омади келганини қаранг!»

Қуён Тошбақани дуч келган жойда масхара қилар, дуч келган жойда сўкар, у ҳақда бўлмағур гапларни тарқатиб юрар эди. Ҳасаддан баъзан касал бўлиб қоларди.

— Сенга нима бўлди? — деб сўраб қолди бир пайт Олмахон. — Нега йўталасан?

— Аблаҳ Тошбақанинг дастидан — деб жавоб берди Қуён. — Шундай жаҳлимни чиқарадики, уни сира кўролмайман! Уясини елкасида кўтариб юради-я! Яна нақшли...

Тошбақа эса кўпдан бери Қуённинг чопағонлигига қойил қолиб юрарди.

А. ҲАИДАРОВ таржимаси

ИКИР-ФИКРЛАР

«Чироқ истеъмолдан анча қолгани учун чироғим сўзини лампочкам деб ўзгартирилса, фойдадан холи бўлмас эди».

(Бир чала мулланинг таклифи)

«1939 йил 20 август куни кечки соат 8 дан 15 минут ўтганда инженер Ҳақбердиевнинг паркда бир баллон пиво ичиб ўтирганини ўз кўзим билан кўрганман».

(Игвогарнинг ён дафтаридан)

«Ширин ниятлар гирдобида юрган йигит ниҳоят бахт қушини топди».

(Бир лавҳадан)

Мухтор ХУДОЙҚУЛОВ

Камалак

Осмонда товланган Камалакдан сўрашди:

— Нега сен Ерга эгилиб турасан-а?

— Чунки Ер мендан юз бор гўзал, шунинг учун унга таъзим бажо келтираяпман-да, — деб жавоб қилди у.

Тупроқ нима дейди?

— Бир сиқим тупроқман: деҳқон қўлида — ҳосилдорман, кулол қўлида — идишман, бола қўлида эса ўйинчоқман. Лекин нодарднинг қўлида беқадрман, — дерди Тупроқ.

Унинг гаплари рост эди.

Зилзила

— Она-ер, нима бўлди сенга? Нега безгак тутгандай дир-дир титраяпсан? Дардингни айт, қандай чора топай, нима қилай?!

— Қўрқма, болам, ҳозир ўтиб кетади... Чарчабман шекилли, бир оз мазам қочди...

Йўргак

Йўргак — оддий, бир парча мато эди. У инсонга биринчи кийим бўлди. Кейин инсон улғайди, бошқа не-не кийимларни киядиган бўлди. Лекин, афсуски, у йўргакни тамом унутган эди.

Масхарабоз

У одамларни кулдириш учун ҳеч нарсадан қайтмас, уларни гоҳ кулиб, гоҳ ёлғондакамига йиғлаб кулдирарди. Бир сафар у ростакамига йиғлаган эди, одамлар бари бир кулаверишди.

Чунки у масхарабоз эди-да...

Бургут

Бургут ҳақиқатан ҳам доим узоқни кўрадиган эди. Лекин шуниси ёмонки у яқинни кўрмасди. Бу унинг бошига етди — бир куни бургутбознинг тузоғига илинди.

Безовта денгиз

— Мунча безовтасан, денгиз? — деб сўрашди Денгиздан.

— Қора булут босиб келаяпти, — деди Денгиз бош чайқаб.

Санъат МАҲМУДОВА

«СУВ ПАРИСИ»

ҲАЖВИЯ

Институтга жойлашиб олгач, курсдошим Сарвихон ўзгардиқолди. Биринчи дарсда бор, иккинчисида йўқ!

Профессор аудиторияга кириб, лекция бошлайди ҳамки Сарви бедарак. Сумкаси, дафтар-қаламлари шу ерда...

«Эсизгина шундай лекциядан қолди-я, яна изғиб кетди шекилли», деб ачинаман ёнимдаги бўш жойга қараб.

Учинчи соат бошланай деганда терга ботиб, ҳарсиллаб Сарви келади, қўлтиғида тугун. Тугунни дарров стол остига яширади.

— «Сув париси»нинг зўридан олдим, Холис, кўрсанг оғзинг очилади. Мана, қара! — дейди у шивирлаб ва юпқа матонинг бир учини кўрсатади, кейин қошини учириб қўяди.

— Лекциядан қолдинг-ку! Шунча юрасанми, шу ғир-ғир шойи деб!

— Вой-ву, сендан кўчирволақоларман. Ваҳима қилма, ўртоқ.

— Гап кўчирволишда эмас-да, Сарви, ҳаммасиниям ёзиб улгурмадим, кўпроқ тингладим.

— Э, кўп ташвишланма, институтга кирдикми, кирдик. Энди бу ёғига беш олгангаям диплом берилади, уч олгангаям. Ахир... — у кўз қисиб кулди, — сеп йиғиб турмушга ҳам тайёрланиш керакку!

— Ҳа, шундай дегин... Лекин диплом масаласида нотўғри ўйлайсан. Ўқишга астойдил киришмасанг, кейин...

Эртасига икки соатлик дарсдан сўнг Сарви яна йўқолиб қолди, кўзлари киртайиб, қилтиллаб, охирги соатга етиб келди.

— Яна «сув париси» олдингми?

— Иўғ-е, — деди ёнимга ўтириб, ўзини елпиркан, — чойнак олдим. Пахта гуллисидан. Иигирмата олиб, таксида уйга ташлаб келдим.

— Вой, чаққонниса-ей! Бир ўзинг йигирмата чойнакда чой ичасанми?

— Э, қўй-е! — Сарви чимирилди. — Сервантга қатор териб қўяман. Жуда ортиб қолса... харидори йўлида.

— Ҳм, шундай дегин... Ахир, ўйласанг-чи, дарсдан қолиб кетаяпсан. Эрта-индин сессия бошланади. Староста сени «йўқ» қилиб қўяяпти.

— Бо, шунгаям ташвишми? Пул бўлса — чангалда шўрва! — у қаҳ-қаҳ отиб кулди.

Мен уни биринчи марта кўраётгандек анқайиб қолдим.

Сарви икки кун жим юрди. Учинчи куни:

— Холис... — деб шивирлади. — Ҳали олган истепендиянгни бериб тур. ГУМда сариқ бахмал бераётканакан.

— Э, қўй! — дедим жаҳлим чиқиб, ҳам ачиниб, — ҳозир ҳаммага эълон қиламан сариқ бахмалингни. Сен ўзи студентмисан ё олибсотармисан?

— Жим бўл! — жаҳли чиқди Сарвининг. — Агар оғиз очсанг, туф дейман бетингга. Хўп, мен кетдим.

Ҳадемай синов ва имтиҳонлар бошланди. Сарвининг «оёғи куйди». Ҳали унинг ёнига чопди, ҳали бунинг...

— Ҳой, дафтарингни бериб тур, конспектинг борми?

Сарви тўртта синовнинг бирортасидан ҳам ўтолмади. Ҳайрон бўламиз, бу аҳволда у қандай қилиб институтга кирди экан? Демак, унинг қўлини совуқ сувга урдирмай, киритиб қўйишган-да.

Эртасига институтга келсак, эълон осиғлик: **«1 курс студенти Каттаева Сарви синовлардан ўтолмагани ва дарслардан прогул қилгани учун имтиҳонга киритилмайди.**

Деканат».



ТОПШИРИҚЛИ КРОССВОРД

1. Ранг-баранг патли кўркам қуш. 2. Шеърхонлик. 3. Улуғ рус саркардаси. 4. Заҳоб ерларни қуритиш учун ковланган ариқ. 5. Бадиий асарда яратилган характер. 6. Жасоратли аёллар ҳақидаги қадимий афсоналардан бири. 7. Икки торлик пардасиз миллий чолғу асбоби. 8. Рўзғор буюми. 9. Тоғдан ошиб ўтиладиган қулай жой. 10. Машҳур рус сайёҳи. 11. Озарбойжон классик шоири, хамсанавис. 12. Ўрта Осиёдаги тизма тоғ. 13. Қуруқ мева. 14. Моҳир гимнастикачи, цирк артисти. 15. Тожик совет ёзувчиси ва драматурги. 16. Турбинанинг айланадиган қисми. 17. Модданинг майда бўлаги. 18. Транспорт тури. 19. Белгиланган ишни ички механизм ёрдамида ўзи бажарадиган қурилма. 20. Абхазиядаги курорт шаҳар. 21. Болтиқ денгизига қуйилувчи дарё. 22. Самарқанд областидаги район. 23. Атоқли бастакор ва дирижёр, СССР ҳалқ артисти. 24. Иттифоқдош республика. 25. Ип-ипак аралаш газлама. 26. Гул тури. 27. Спорт иншооти. 28. Ҳалқ оғзаки ижоди жанри. 29. Техника экинларидан бири. 30. Шифобахш гиёҳ. 31. Қозоғистон жанубидаги табиий географик область. 32. Тиниш белги.

Кроссвордни ҳал этгандан сўнг, шакл марказидаги рақамларни жавоб сўзларининг биринчи ҳарфлари билан алмаштиринг. Бунда ўзбек ҳалқ мақолларидан бири ҳосил бўлади.

Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ

9-СОНДА БОСИЛГАН «ТАБИАТ» ЧАЙНКРОССВОРДИНИНГ ЖАВОБИ

1. Момақалдироқ. 2. Қуёш. 3. Шотут. 4. Тайга. 5. Арслонбоб. 6. Винафша. 7. Арктика. 8. Айсберг. 9. Гармсел. 10. Лава. 11. Асбест. 12. Турон. 13. Ниагара. 14. Асадари. 15. Илвирс. 16. Саксовул. 17. Лаъл. 18. Ложувард. 19. Довул. 20. Лайлак. 21. Кийик. 22. Камалак. 23. Кучала. 24. Айғир. 25. Ровоч. 26. Чотқол. 27. Луб. 28. Баобаб. 29. Булоқ. 30. Қалдирғоч. 31. Чиғаноқ. 32. Қизғалдоқ. 33. Қорақум.

МУҚОВАДА

Биринчи бет: Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби, химия фанлари доктори, профессор Насриддин Сирожитдинов.

В. Мосин фотоси

Иккинчи бет: Ўн икки фарзанднинг онаси тошкентлик Сожида Зуфарова оила аъзолари билан В. И. Ленин Марказий музейи филиалини зиёрат этишди. 17 нафар тиббиёт мутахассиси бу мўътабар оиланинг аҳил аъзоларидир.

Б. Юсупов фотоси

Гулистон шаҳридаги Тажриба ремонт-механика заводининг Николай Нуритдинов бошлиқ коммунистик меҳнат бригадаси коллективи ҳамиша илғорлар сафида. Суратда: (чапдан ўнгга) бригада аъзолари — И. Костиченко, А. Нефедов, Н. Нуритдинов, В. Ячевский, С. Каримов, Н. Тошпўлатов, С. Мозлов.

ЎзТАГ фотохроникаси

Учинчи бет: Жиззах область Арнасой районидаги Тимошенко номли совхоз пахтачилик бригадасининг бошлиғи Искандар Набиев.

А. Тўраев фотоси

Зарварақнинг тўртинчи бетида: Пахтачи район «Хумор» қишлоқ Совети раиси Сайфиддин Бобомуродов ҳамқишлоқлари Ибодулла Абдурасулов билан Рўзигул Умаровани никоҳ тўйлари билан табриклаяпти.

Еш кулол-рассом Акбар Раҳимов Тошкент кулолчилиги анъаналари асосида яратган идишлар.

А. Жумаев фотоси

Бош редактор МИРМУҲСИН

Редколлегия: С. АЗИМОВ, Б. АМИНОВ, Н. ИБРОҲИМОВ, М. МЎЙДИНОВ, А. САИДУМАРОВ, С. ШЕРМУҲАМЕДОВ, А. ҚАЮМОВ, М. ҚЎШМОҚОВ (масъул секретарь), И. ҲАЙДАРОВ, О. ҲУСАНОВ (бош редактор ўринбосари), Ҳ. ҲУСНИДДИНХЎЖАЕВ, К. ЯШИН.

«Гулистон» — ежемесячный, общественно-политический, литературно-художественный журнал ЦК КП Узбекистана (на узбекском языке).

Адресимиз: 700000, Тошкент — П, Ленин кўчаси, 41.

Редакция телефонлари: бош редактор — 33-35-20; бош редактор ўринбосари — 33-35-90; масъул секретарь — 32-58-33; ижтимоий-сиёсий бўлим — 33-36-02; адабиёт ва санъат, фан ва маданият бўлимлари — 33-36-59; рассомлар бўлими —32-58-32.

Босмахонага туширилди 20.09.85 й. Босишга рухсат этилди 25.10.85 й. Р-09544. Қоғоз 70×108 1/8. Офсет усулида босилди. Фотонабор. Шартли босма тобоқ 5,6. Нашр ҳисоб тобоғи 7,80. Тиражи 210412. Буюртма 1772. Нашр. А-117.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. 700000, Тошкент — П, Ленин кўчаси, 41.


Редакцияга келган бир босма тобоққача материаллар авторларга қайтарилмайди.

Журналдан олинган материалга «Гулистон»дан олинди, деб кўрсатилиши шарт.





Муҳиддин Раҳимов иш устида.




Риштонлик усталар усули ижодий қўлланиб яратилган кўзалар.

Баҳоси 35 тийин
Индекс 75233.
ISSN 0134—2207

ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ РАССОМИ, ҲАМЗА НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА ДАВЛАТ МУКОФОТИ ЛАУРЕАТИ МУҲИДДИН РАҲИМОВ ИЖОДИДАН НАМУНАЛАР.

Каттақўрғон кулолчилиги анъаналари йўлида ишланган буюмлар.





Кушон даври кулолчилигидан андоза олинган кўзалар.